



КОММУНИСТИК  
МЕХНАТ  
ЗАРБДОРИ

**ГУЛИСТОН**  
5  
1990





Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўرғазмаси.  
А. Губенко суратлари

Чорвоқ ГЭСининг машина зали.




Тошкентдаги «Шарқ гули» бадий буюмлар фабрикасининг  
илғор бригада бошлиғи Матлуба Исаева.

Р. Нурибобоев сурати





# Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти тўғрисида



СССР халқ депутатлари Съезди қарор қилади: Ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти этиб сайлансин.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАСАМЕДИ

М. С. Горбачев қасамёд қилади: «Мамлакатимиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, СССР Конституциясига қатъий риоя этишга, граждандарнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, зиммамга юкланган СССР Президентининг юксак вазифаларини виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».



*Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори*

# **Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти тўғрисида**



Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлансин.

## **ПРЕЗИДЕНТ ҚАСАМЕДИ**

И. А. Каримов қасамёд қилади: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти лавозимида иш бошлар эканман, Ўзбекистон халқларига сadoқат билан хизмат қилишга, гражданлар ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон ССР Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».





№ 5 (483)

МАЙ

(Жавзо)

1990

Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган  
Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
нашриёти

Избосканлик чўпон Гофур Нишонов, чорвапуқос Бахтиёр Каримов, ферма мудири Билолидин Қаюмов ва Партия XX съезди номли колхоз тафтишчилар уюшмаси аъзоси Нўъмон Мирзаалимов кўзларни кўрикдан ўтказмоқдалар.

Р. Ашуров сурати (ЎзТАГ)



Бош муҳаррир:

МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:

Сарвар АЗИМОВ,  
Баҳодир АМИНОВ,  
Хуршид ДАВРОН,  
Наримон ИБРОҲИМОВ,  
Абдураззоқ КАРИМ,  
Ўктам МИРЗАЕР  
(масъул котиб),  
Эргаш МУҲАММАД  
Саидмахмуд УСМОНОВ,  
Азиз ҚАЮМОВ,  
Оқилжон ҲУСАН  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош мусаввир  
М. Абдуллаев.  
Саҳифаловчи  
Б. Тўхтабоев  
Мусаҳҳих  
А. Азим.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана.

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33—35—20; бош муҳаррир ўринбосари — 33—35—90; масъул котиб — 32—58—33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33—36—02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33—36—59; мусаввирлар бўлими — 32—58—77.

### БУ СОНДА:



Охунжон ҲАКИМОВ:

Масъул лавозимларда ишлаётган мутахассис қурувчилар орасида иқтисоднинг кўчасидан ҳам ўтмаган кишилар борлиги-чи? Улар, бизга қурилиш ашёларини топиб берсангиз бўлди, бу ёғини бошлаймиз, дейишади. Аммо, синаб кўринг-а, ЭҲМнинг тугмасини босишни ҳам билишмайди.



Севара ВАФО:

Денгизнинг қум босган соҳили — юртим  
Бобомнинг ўтирган тупроғи — бўйра.  
Бўйранинг тағида олтин бор экан,  
Бобомнинг ғамини энди ким терар.  
Олтинлар соб бўлган кўзада Ватан —  
Юртга яна қирқ минг Улуғбек келар.



Файзулла ҚИЛИЧЕВ:

...Онадан ҳеч кимнинг жиноятчи бўлиб туғилмаслиги ҳаммага аён. Инсонни инсон, жамият тарбиялайди. Шундай экан, адолатни ўз адолатсизлигимиздан изласак тўғрироқдир.



## ҚИШЛОҚҚА

### ЭЪТИБОР КЕРАК

**И**нсоннинг маънавий қиёфасини, қарашларини шакллантирувчи омиллар тўғрисида гап кетганда, аввало маданият ўчоқлари ёдга тушади. Афсуски, ўтган йиллар давомида бошқа соҳаларда бўлгани каби маънавият кўзгуси ҳам хийла хиралашиб қолди. Меҳр-оқибат, шарқона иззат-ҳурматга путур етди. Юзага келган бундай иллат халқимизнинг маданий-маънавий жиҳатдан юксалишига тўқинлик қилди. Очқроқ айтганда, қишлоқ аҳолиси учун маданият тушунчаси қўшиқ эшитиш-у, кино кўришдан иборат бўлиб қолган эди. Маърифат тарқатишнинг баъзи тарафдорлари эса, қишлоқ аҳолисини йилига бир марта автобусларга ўтиргизиш, шаҳар айлантиришу кинотеатрларга олиб кириш, қашаматли меҳмонхоналарда дам олдириш билан уларнинг маънавий оламини бойитмоқчи бўлдилар. Балки бу тадбирлар иложсизлик туфайли вазиятдан чиқишнинг бирор йўлидир.

Аслида маданият ўчоқларининг вазифалари нималардан иборат? Бу даргоҳлар ва уларнинг ходимлари қишлоқ меҳнаткашларининг ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шарт-шароитлар яратиш беришлари, маданият марказлари — даъватхоналар (клублар), кутубхоналар, маданият уйлари ва спорт саройлари фаолиятини яхшилаш ҳақида қайғуришлари лозим. Самарқанд вилоятида бу соҳада жуда сустр бўлса-да, озми-кўпми ишлар қилинмоқда. Вилоятда ўн учинчи беш йиллик режаларига мувофиқ ажратилган моддий маблағ ҳамда жамоа хўжаликлари ҳисобидан 7 та ноҳия ва 15 та қишлоқ маданият уйлари қурилиши лозим эди. Ҳозирга қадар эса 12 та ана шундай масканлар барпо этилди холос. Пайриқ ва Пастдаргом ноҳияларида жамоа хўжаликлари маблағига ва аҳолининг хайриялари ҳисобига замонавий кутубхоналар қурилиши давом этапти.

Бошқа вилоятларда аҳвол бундан ҳам аянчли. Масалан, Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл ва Беруний шаҳарларида олти юз ўринли, Кегайли ноҳияси марказида уч юз ўринли маданият уйлари, Нукус, Қўнғирот, Тахтакўпир ноҳияларидаги «Россия», Ажиғиёз номли ҳамда «8 Март» давлат хўжаликларининг ҳар бирида тўрт юз ўринли қишлоқ даъватхоналарини қуриб фойдаланишга топшириш пайсалга солиб келинмоқда.

Айни чоғда, қайта қуриш жараёни маданий-маърифий муассасалар фаолиятини мазмунли бойитиш, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлашнинг ян-

гича усулларида фойдаланишни тақозо қилади. Ана шу талаблар асосида ўз фаолиятларини қайта ташкил этаётган Хоразм вилоятидаги Янгиариқ, Богот; Бухоро вилоятидаги Ромитон, Шофиркон, Олот; Қашқадарё вилоятидаги Шаҳрисабз, Қарши, Китоб ноҳияларининг қатор маданият муассасалари меҳнаткашларнинг ҳақиқий маданий дам олиш масканига айланаётир. Қишлоқдаги маърифат жонкуярлари жамоатчиликнинг фаол иштироки билан даъватхоналарда «Бир пиёла чой устида суҳбат», «Адабий-мушоҳадат кеча»лар, «Балли, йигитлар», «Балли, қизлар», «Қувноқлар ва зукколар», «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «Вадийлаштирилган никоҳ тўйлари», «Авлодлар учрашуви», олтин, кумуш тўйлари ўтказиётганлиги айниқса қувончлидир.

Ана шундай тадбирлардан бирини Олот ноҳиясининг маданият ходимлари ташкил этдилар. Улар Навоий номли жамоа хўжалигида «Бир пиёла чой устида суҳбат» уюштирдилар. Мунозарали ўтган мулоқот кўпроқ ёшлар ҳаёти, қизиқиши, талаб-истаклари асосида ташкил этилди. Жонли, юзма-юз суҳбатда хўжалик комсомол ёшлари, айниқса Афғонистонда ўз байналмилал бурчини ўтаб қайтган йигитлар маданий-маърифий муассасаларнинг йўқлиги, ободонлаштириш ишларининг ноҳорлиги ва бошқа бир қанча камчилик-муаммоларни ўртага ташладилар. Уларнинг саволларига маҳаллий партия, совет ва хўжалик раҳбарлари жавоб беришди. Даъватхоналарда ўтказиладиган тадбирлар фақат концерт, қизиқарли ўйинлар кўрсатишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Чунки бундай усул мавжуд имкониятларни чеклаб қўяди. Шунинг учун партия, маҳаллий кенгаш идоралари, жамоат ташкилотлари раҳбарларининг маданий-маърифий, сиёсий-оммавий ишларда бевосита қатнашишини йўлга қўйиш нафақат тадбирнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишида, балки меҳнаткашларнинг талаб ва истақларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аксарият ноҳия, жамоа ва давлат даъватхона муассасалари ва кутубхоналари тармоғини кенгайтириш, уларни моддий жиҳатдан таъминлаш, мавжуд ўқув-томошахоналарда ўринлар сонини ошириш масалалари тўла ҳал этилган эмас. Ҳатто қоғозда бору амалда йўқ маданият масканлари ҳам мавжудки, бундай ҳолдан қишлоқ жамоатчилиги азият чекмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Улянов ноҳиясидаги «Москва» давлат хўжалиги барпо этилгач, унинг марказий кўрғонини қуриш ишлари бошлаб бораётган

«Қайси раҳбар, қайси амалдор ўз обрўсини тўқмоқчи бўлса, у зиёлилар билан орасини бузади. Тарихда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам бунга мисол кўп. Катта-кичик барча амалдорлар кўзларини каттароқ очиб, зиёли зотига эътибор билан қарашни ўзларига шараф деб билмоқлари керак. Ҳаммага аён: баъзан бир оғиз ширин сўз, қўллаб-қувватлаш ижодкорни жуда катта ишларга илҳомлантириши мумкин... Келинглари, шу ижодкор зиёлилар билан алоқани мустаҳкамлайлик, ҳамнафас, ҳамжиҳат бўлайлик, улар билан биргаликда яхшилик, меҳр-оқибат, илм-маърифат нурларини ҳар бир инсонга етказайлик. Бу борада ҳам бир талай муаммолар мавжуд. Уларни ҳал қилиш учун биргаликда ишлашимиз керак».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг 1990 йил 24 феврал кунги Тошкентда партия ва хўжалик фаоллари билан кенгашида қилган докладыдан).

эди. Таажжубланарлиси шундаки, шартномага мувофиқ, барча «қулайликлари» билан қурилди, деб қишлоқ хўжалик нозирлигига топширилган, амалда эса ҳеч нима қурилмаган. «Шаҳарчаси билан қурилди» деб хатланган бу хўжаликнинг ҳозирги директори А. Усмоновнинг фикрича, мазкур ишни амалга оширган «Қарши-қурилиш» ташкилотининг бош лойиҳасига кўра бу ерда 3600 чорқулоч уй-жой, 524 ўринли мактаб, 2 та болалар боғчаси, 400 ўринли қишқи даъватхона, 400 ўринли ёзги томошахона, 460 чорқулоч жисмоний тарбия маскани ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилиши керак эди. Аслида эса, бор-йўғи 28 та икки хонали уй қурилди холос. Шундай қилиб қолганлари қоғозда «бунёд» бўлди. Буни қарангки, ўн йилдан буён қаерга борманг, «Москва» давлат хўжалиги тўла қурилган, деб жар солишади. Мана шу аҳволда «Москва»лик меҳнаткашларнинг ҳали-бери мириқиб дам олишларию ҳордиқ чиқаришларига ким ҳам кафолат бера олади?

Амалда бор бўлган маданият муассасалари ярим-ёрти мослаштирилган биноларга жойлаштирилгандир. Хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли улар етарли асбоб-ускуналар билан таъминланмаган.

Шуниси ачинарлики, айрим зиё масканларидан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш ҳамон давом этиб келаяпти. Жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоятларидаги болалар кутубхоналарида аҳвол бундан ҳам ачинарлироқ.

Самарқанд вилоятидаги қишлоқларда 40 та болалар кутубхоналари мавжуд. Лекин уларнинг биронтаси учун ҳам шу вақтгача махсус бино қурилмаган. Пахтачи, Советобод, Қўшработ, Самарқанд ноҳияларида, айниқса, аҳвол ачинарли. Булунғур ноҳиясидаги болалар кутубхонаси зўрға қад тиклаб турган меҳмонхонанинг иккинчи қаватида жойлашган. Яқин вақт ичида бу зиё «мас-

кан»ига ҳеч ким қадам босмаган. Вилоятдаги Абу Райҳон Беруний номли болалар кутубхонасидаги аҳвол ундан ҳам оғирроқ. Кутубхона ходимлари китоб жавонлари, хизмат машинаси, зарур жиҳозларнинг йўқлигидан нолишади. Уларнинг бу ҳақдаги сўров хатларини мутасадди ташкилотлар жавобсиз қолдириб келишмоқда.

Очигини айтганда, китобхоналарнинг нашриётлар, китоб савдоси идораларига ҳақли эътирозлари ҳам йўқ эмас. Адабиётларни чоп этаётган ва кутубхоналарга жўнатаётган идоралар аҳолининг тил хусусиятларини ҳисобга олмаётирлар. Аслида ҳамisha китобхоналарнинг тили, ёши, талаб-истаклари жиддий ўрганилиб иш юритилиши керак. Чунки жумҳуриятимиз қишлоқ аҳолисининг 80 фоизини ўзбеклар ташкил этади. Шундай бўлгач, вилоятларидаги кутубхоналарнинг асосини ўзбек тилидаги адабиётлар ташкил этиши лозим. Лекин амалда бунинг тескарисини кўрасиз. Масалан, Самарқанд вилоят болалар кутубхонаси 156,9 минг китобга эга. Шулардан 144,4 минг нусхаси рус тилида, атиги 8,1 мингтаси ўзбек тилида. Ўтган йилнинг саккизи ойи мобайнида вилоят китоб савдоси идораларига қарашли дўконларга жўнатилган адабиётларнинг 74,8 фоизи рус тилида, 16,4 фоизи ўзбек, 8,8 фоизи тожик тилида экан. Бундай сохта «байналмилалчилик»нинг кимга кераги бор?

Хуллас, жамиятимизда юз бераётган ошкоралик, халқчиллаштириш шароитида маҳаллий партия, совет ташкилотлари, вилоят, ноҳия маданият бўлиmlари раҳбарлари маданий-маърифий муассасалар фаолиятини яна бир карра таҳлил қилиб чиқишлари, қайта қуриш талаби асосида танқидий нуқтан назардан баҳолаб, амалий ишга ўтишлари лозим. Шундагина қишлоқ маданиятини юксалтириш мумкин.

Сайдулла ШОДИЕВ,  
тарих фаълари номзоди



Ғилон қишлоғидагилар йил давомида тарновлардан сув ичади.

Р. Шагаев сурати (ЎзТАГ)



# ФИКРНИНГ ОНАСИ ФИКР

Абдуқаҳҳор ИБРОҶИМОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби



**Ф**икрнинг онаси фикр деган гап бор. Гапдан гап чиқиб жумҳурият Фанлар байтулҳикмасининг мухбир аъзоси Абдулаҳад Муҳаммаджонов билан кўҳна Тошкентимизнинг маъмурий марказлари — Урдалари ҳақида суҳбатлашиб қолдик.

Тошкентнинг Урдалари бешта бўлган экан. Биринчи Урда Хадранинг фарби-шимолидаги собиқ Тоштрам биноси ўрнида, иккинчиси биринчисидан жануброқда, ҳозирги Бенков номли билим юрти яқинида, эски Қоратош маҳалласининг бир томонида жойлашган экан. Билим юртига пойдевор қўйиш пайтида ер остидан чиқиб қолган XV асрга оид эски ҳаммом биноси ҳам ана шу иккинчи Урда кўрғонига қарашли бўлган. Иккинчи Урданинг айнан шу ерда жойлашганини тасдиқловчи яна бир далил шуки, унинг шимол томонидаги — Хадра тарафидаги маҳалла Қўрғонтеги деб аталган, демак, илгари бу ерларда Қўрғон — Урда бўлганидан дарак беради.

Жой номлари тарихини ўрганишда ҳамisha халқ тарихини ва турмушини, урф-одатларини ва тил маданиятини яхлит ҳолда ўрганмоқ керак. Афсуски, ҳар доим ҳам ана шу оддий ҳақиқатга амал қилинмайди. Ҳар ким ўз ҳолича — қадимшунос (археолог)лар ўзларича, тарихчилар ўзларича, тилчилар яна ўзларича илмий иш қилаверди, натижа эса маълум... Нафақат Тошкент, балки бутун бир ўлка тарихи йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолди.

Шундай қилиб яна мавзуга қайтасак. Учинчи Урда Анҳорнинг ўнг қирғоғида, собиқ ҳукумат уйининг, янада аниқ қилиб айтсак, «Министрлар Советининг ошхонаси» қаршида бўлган экан. Тўртинчи Урда ҳозирги Қишлоқ хўжалиги министрлигининг биноси ўрнида, бешинчиси эса, Ленин майдонининг шимол томонида қад кўтарган янги театр биноси ўрнида бўлган экан.

Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси Сабуктакин Тошкент бозорида кул сифатида сотилган ёки Маҳмуд Қошғарий «Девон-ул-луғатит турк» асарига маълумот йиғиб юрган, ё бўлмаса Аловуддин Хоразмшоҳ салтанати даврларидаги Тошкент ҳақида сўз борса, унда Тоштрам ўрнидаги Урдани назарда тутиш лозим. Мирзо Улуғбек 1425 йили Тошкентга келганида унинг Урдаси Қоратош маҳалласи яқинида бўлган экан. Олимхон, Умархон, Муҳаммад Алихон (Нодирабегимнинг ўғли) даврларида Тошкент Урдаси анҳорнинг ўнг соҳилида, яъни Қишлоқ хўжалиги министрлиги ўрнида, Худоевхон замонасида эса Анҳорнинг чап соҳилида, яъни ҳозирги янги театр биноси ўрнида бўлган экан. Шу ўринда қурилаётган янги театрга «Урда» номи берилса тарихийлик нуқтаи назардан ҳам адолатли бўларди. Уз маданиятига меҳр қўйган халқлар ҳамisha шундай йўсинда иш тутишган. Узоққа бормайлик, рус халқи Москва аэропортларига ном беришда шу йўлдан боришган: Домодедово, Бико-

во, Внуково, Шереметево; метро бекатлари, студиялар, театрлар ва ҳоказоларга ҳам шу тариқа ном қўйилган: Измайлово, Останкино, Таганка...

Тошкентнинг ўн иккита дарвозаси бўлгани ҳақида ҳам кўп гапирилган ва гапирилмоқда. Лекин дарвозаларни рамзий бўлса ҳам тиклаш, ўша жойларда бирор ёдгорлик лавҳалари ўрнатиб, белги қўйиш ҳақида кўзга кўринадиган иш қилингани йўқ.

Сақланиб қолган далилларга кўра, қадимда ҳар бир дарвозани ҳимоя қилиш ўзбек халқи таркибига кирган қабилла вакиллари зиммасига юклатилган, ҳатто қўриқчиларга мазкур дарвоза яқинида бошпана ҳам ажратишган. Масалан, қиёт қабиласи Қўймас дарвозасини ҳимоя қилганлар ва шу номли маҳаллада яшаганлар. Бу маҳалла ҳозирги Урда бекатининг жануб тарафида заргарлик буюмлари дўконидан тортиб, то Октябр ноҳия фирқа кўмитасигача бўлган ўрамни ўз ичига олган. Тахтапул дарвозасини ўзбекнинг турк қабиласи ўз қарамоғига олган ва ҳозирги Ишчилар шаҳарчасидаги Кайковус ариғига туташган маҳалла ҳам Туркянгишаҳар маҳалласига қараган. Кўкча дарвозасини ёбу қабиласи вакиллари қўриқлашган, шу дарвозанинг Шарқ томонидаги маҳалла Ёбуназар деб аталган. Чиғатой дарвозаси аслида Қўшчи ота дарвозаси дейилган, уни муҳофаза қилиш 93 қабилани бирлаштирган ўзбек халқининг бир бўлаги бўлмиш чиғатой қабиласи зиммасига тушган ва шу қабилла вакиллари мазкур дарвоза яқинида яшаган, бу ерлар бора-бора, «Чиғатой маҳалла» деб атала бошланган. Тошкентнинг бу дарвозасига ҳам шу ном берилган. Шу ўринда бир чалкашликка аниқлик киритиб ўтиш керак. Кўпчилик Чиғатой номини Чингизхоннинг ўғилларидан бирининг номи билан боғлашади. Бу нотўғри, аслида бу ном ўзбек халқининг шаклланишида катта аҳамият касб этган чиғатой қабиласи номига мансубдир. Чингизхоннинг ўғли Чиғатой XIII асрда яшаган бўлса, туркий чиғатой қабиласи бундан кўп асрлар илгари ҳам мавжуд эди. Шунингдек, Чиғатой адабиёти атамаси ҳам туркий қабилла номи билан боғланган.

Ўрта асрларда зобитлик (офицерлик) унвонларидан бири — чиғатойбеги дейилган. Шу ўринда ҳаётий бир мисолни келтириш жоиздир: Низомиддин Мир Алишер Навоий Самарқанддаги толиблиги кезларида Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек томонидан чиғатойбеги унвонига манзур кўрилган. Бундай унвонга лойиқ қўрилган шахсларга сарой эшиги ҳамisha очик бўлган ва ой сайин хазинадан маош тўлаб турилган. Бунинг устига давлат ҳимоясига олиниб, таъминоти яхшиланган. Демак, чиғатойбеги унвони Алишер Навоийнинг биринчи ҳарбий унвони ҳисобланади. Кейинчалик 1470 йили у амирлик (генераллик), 1473 йили эса бийлик (маршаллик) унвонларига сазовор бўлади.

Яқин-яқинларгача ҳам Тошкент-

нинг Ҳожидан маҳалласидан шимол-ғарб томонга йўналиш Чиғатой кўчаси деб аталарди. Шу йўл ёқасидаги қабристон ҳам Чиғатой қабристони дейилиши бежиз эмас. Чиғатой номи Чингизхон авлодига мансуб деган фикр чиққану маъмурларимиз дарҳол кўчанинг номи Форобий деб ўзгартиришди. Қабристон ҳам бир муддат «Форобий кўчасидаги қабристон», деб аталиб юрилди. Йўқ, хайрият яна эски номи тикланди. Бироқ кўчанинг номи ўзгартирилмай қолди. Тарихий ҳақиқат билан юзма-юз турганимизда адолат юзасидан иш тутишимиз керак. Тошкентнинг асосий ва марказий кўчаларидан бирортасига буюк олим Форобий номи берилса арзийди, эски шаҳарнинг кўҳна кўчасини келажак учун ҳам Чиғатой номи билан сақлаб қолишимиз зарур. Демак, Тошкентдаги Чиғатой дарвоза, Чиғатой чақари (бу ерда олтин, кумуш, жез тангалар зарб қилинган) ва Чиғатой қабристони деган атамаларнинг тарихи узоқ ва Чингизхон авлоди номи билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Асримизнинг бошида тузилган «Чиғатой гурунги» адабий уюшмаси ташкилотчилари ҳам чиғатой атамасини туркий калима сифатида халқимизнинг ўрта асрлардаги умумий номига қиёслагани бежиз эмас.

Тошкент тарихини ўрганар, ёзар ва тиклар эканмиз, мозийга оид асарлар билан бирга тарихий мавзуда қалам сурган адибларимизнинг бадиий, хотиравий асарларига ҳам мурожаат қилсак фойдадан холи бўлмас. Шу ўринда Зайниддин Восифий, Алмаий, Авлоний асарларини, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романларини, Фафур Фуломнинг «Шум бола»си ва «Ҳасан кайфий»сини, Ойбекнинг «Қутлуг қон», «Улуғ йўл», «Болалик»ларини, Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома»сини, Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон»ини, Мирмуҳсиннинг «Тунги чақмоқлар», «Дегрез ўғли»ни, Ҳамид Фуломнинг «Машъал», «Мангулик» романларини ва бошқа адибларимизнинг Тошкент ва тошкентликлар ҳаётини тасвирловчи кўпгина асарларини кўзда тутмоқдаман. Зотан, уларда тасвирланган қанчадан-қанча маҳаллалар бугунги кунда йўқолиб кетган, энди лоақал уларнинг номларини сақлаб қолиш замондошларимизнинг бурчидир.

Жумҳурият фирқа ва давлат ташкилотларининг Тошкентнинг эски шаҳар қисмини ободонлаштириш, кўҳна мавзеларда яшовчи аҳолининг турмушини фаровонлаштиришга доир кўрсатмаларини амалга ошириш учун тарихни чуқур билиш, ундан хулосалар чиқариб иш тутиш зарур. Масалан, одам ўзининг кимлигини англаш учун лоақал ота-бобосининг қандай кишилар бўлганини билмоғи шарт. Юқорида чиғатой атамаси мисолида уни қайта тиклашга халқнинг сайи-ҳаракат қилганини кўриб ўтдик.

Тошкентни чиндан ҳам ўзбек жумҳуриятининг, ўзбек миллатининг ҳақиқий пойтахтига айланти-

риш учун биринчи навбатда шаҳар чеккаларига — Қурбақаобод, Бирлик, Бешқайроғоч, Уриқзор, Калинин, Янги ТошМИ, Юнусобод, Қорасув, Қўйлик, Чилонзор ёқларга тарқаб кетган туб тошкентликларни яна марказга олиб келиш чораларини кўриш даркор. 1966 йилги зилзиладан кейин Қашқар маҳаллау Қаймоқ бозоридан тортиб Уқчигача, Уқчидан тортиб Бешёғочгача, Бешёғочдан тортиб Хадраю Чорсугача, Чорсудан тортиб Себзоргача, Себзордан то Лабзаккача, Лабзакдан то Урдагача бўлган жойлар — Тошкентнинг қоқ марказидаги туб аҳоли шарқи-жанубда Янгиобод томонларга, Ғарбда эса, Янги Лабзак ёқларга тарқатиб юборилди, уларга ўз маҳаллалари жойлашган ерга янги уй қуриб берилмади ёки бўлмаса, уй қуриш учун шу жойдан ер ажратиш берилмади, балки иморат қуриш учун шаҳар марказидан 10-15-20 қақирим наридаги жойлар бўлиб берилди. Натижада шаҳар марказида ўзбек аҳолиси жуда оз қолди. Масалан: Марказ I — V даҳаларида ўзбек аҳолиси икки-уч физини ташкил этади, холос. Умуман олганда, зилзиладан кейин қурилган кўп қаватли уйлардан турғунлик йилларида ўзбекларга хонадон ажратишда анча-мунча адолатсизликларга йўл қўйилгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Яқинда мавриди келиб, Тошкентнинг шимолий темир йўл вокзали қаршидаги кўпқаватли иккита бинода кимлар истиқомат қилишаётгани билан қизиқдик. Икки юзга яқин хонадон яшаётган бу икки уйда ҳаммаси бўлиб учта ўзбек оиласи яшар экан, холос. «Пахтакор» стадиони қурилиши баҳонасида стадион ўрнида ва унинг атрофидаги маҳаллаларда яшовчи неча минг ўзбек аҳолиси шаҳар ташқарисига — Шофайзиқулоқ томонга кўчириб юборилди.

Тошкент кўчаларида айланиб юриб «Чиндан ҳам мен ўзбек жумҳуриятининг пойтахтида юрибманми ёки Овруподаги бирор шаҳардами?» деган ўйга бораман ва қардош жумҳуриятларнинг Тбилиси, Ереван, Боку, Киев, Москва каби пойтахтларининг қоқ марказида асосан туб халқ яшашини эслаб, Тошкент ҳам ана шуларнинг сафида бўлишини, ўз юзи, ўз кўришига эга бўлишини жуда орзу қиламан. Тбилисининг грузинлар пойтахти, Киевнинг украинларнинг пойтахти эканини қулоғингизга эшитилаётган гап-сўзлардан ҳам сезиб турасиз, адолат юзасидан бизда ҳам шундай бўлмоғи керак!



# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БОВУРИ

Собит оға Муқонов ранг-баранг ижоди билан умумсовет адабиёти камолотига улкан ҳисса қўшган ажойиб қалам соҳибидир. Ижод майдонида 20-йиллар бошида шеърӣ асарлари билан кириб келган адиб бадий адабиётнинг ҳамма жанрларида унумли қалам тебратиб, қозоқ совет адабиётини иттифоқ доирасига олиб чиқишда муносиб ҳисса қўшди.

У қозоқ совет адабиётининг биринчи бўғини бўлмиш Сакен Сейфуллин, Бейимбет Майлин, Илёс Жонсугиров, Мухтор Аевзов каби ижодкорлар билан бир сафда туриб, она юрт жамолини, қозоқ халқининг бахт-саодатини, ўтмиши ва бугунини, орзу-умидларини мадҳ этиш билан бирга, халқлар дўстлиги ва биродарлигини, байналмилал ғояларни жўшиб кўлади. Қардош халқлар адабиёти вакиллари билан, жумладан, ўзбек совет адабиётининг пешқадам қалам соҳиблари билан дўст тутинди. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийни устоз сифатида таниб, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза асарларини мутолаа қилди.

«1927 йилнинг кузи. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг байрам арафаси. Қозоқ совет адабиётининг асосчиси, Қозоғистонда Совет ҳокимиятини барпо этишда фаол иштирок этган инқилобчи шоир Сакен Сейфуллин менга Октябрь байрамини Тошкент шаҳрида ўтказишни таклиф қилди. Мен Тошкентда илгари бўлмаган эдим, Тошкентга келиб, «Ревью» меҳмонхонасига жойлашдик», деб хотирлайди Собит Муқонов «Буюк маданият арбоби» мақоласида. Уша кезларда Ҳамза, А. Қодирийлар билан танишади, улар билан ҳамсухбат бўлади. Сакен Сейфул-

лин Ҳамзани «Биринчи ўзбек революционер шоири», деб таништиради. «Ревью» меҳмонхонасига жойлашганимиздан кейин, эртаси куни бизни Абдулла Қодирий ўз уйига меҳмонга таклиф қилди. Сакеннинг тавсияси билан мен А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарини ҳижжалаб бўлса-да, ўқиб чиққан эдим. Унинг уйдаги меҳмонлар орасида буғдойранг, сийрак мўйлов бир киши сўзга чечан, ҳазилкаш ва қувноқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Бу киши Ҳамза Ҳакимзода экан», деб эслайди адиб.

Собит Муқонов қардош ўзбек ёзувчилари билан бўлган алоқаларни кейинчалик ҳам давом эттирди. Айниқса у Ғафур Ғулом билан жуда яқин эди. Ўз навбатида шоир ўртадаги дўстликни қадрлаб, Қозоғистоннинг 25 йиллиги муносабати билан ёзган «Қозоқ элининг улуғ тўйи» шеърисида жумладан шундай деб ёзган эди:

Мақтанмайман, чин айтганда,  
Бир чамалаб қарайман.  
Айтисувда Собит билан  
Тортишувга ярайман.

Собит Муқонов жонажон дўсти Ғафур Ғуломни дафн этиш маросимида: «...Мен у билан 35 йил дўст бўлдим, иккаламиз ҳамкасб, қадрдон эдик»,— деган эди чуқур қайғу билан кўзига ёш олиб. Ҳар иккала қалам соҳибининг бир-бирига ёзган хатларини, шеърларини кўздан кечирар эканмиз,

ўртадаги самимий дўстлик туйғуларининг гувоҳи бўламиз. Улар ижодида турмуш маданияти, халқларимиз урф-одатлари, азалий дўстлик туйғулари мароқ билан куйланди. Чунончи, Собит Муқонов «Сирдарё» романида ўзбек қизи Саодат образини гавдалантирди, кейинги қатор асарларида қозоқ-ўзбек халқлари дўстлигини тараннум этди. Бундан ташқари, «Салом, Ўзбекистон», «Буюк маданият арбоби», «Қардошлигимиз ҳақида сўз», «Ҳамниятлар», «Ғафурнинг сўнги дақиқаси», «Камолотимиз кўриги» каби адабий-танқидий мақолаларида ўзбек адабиёти вакиллари-нинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Адиб ўзбек-қозоқ халқлари биродарлиги ҳақида фикр юритар экан: «Бу икки халқнинг тақдири ҳам бир! Тарихга назар ташласак, уларнинг ички ва ташқи душманларга қарши бир ёқадан бош чиқариб, курашиб келганликларини билиб олиш қийин эмас. Бирининг бошига қийинчилик тушганда, иккинчиси унга ёрдам кўлини чўзган. Шундай қилиб, улар бир вақтлар ўзларининг ерларига бостириб кирган мўғул босқинчиларига қақшатғич зарба беришган, ички душманларга қарши аёвсиз курашганлар», деб ҳар иккала халқ ўртасидаги дўстликнинг моҳиятини очади. Ўз навбатида, адибнинг «Ҳаёт мактаби», «Чўлоқ полвон», «Йилқичининг боласи» қиссалари ҳамда машҳур «Бўтакўз» романи ўзбек тилига таржима қилинди.



Моҳир шоир, етук носир, ажойиб драматург, йирик адабиётшунос олим, улкан жамоат арбоби, халқлар дўстлигининг оташин жарчиси — Собит оға Муқонов 1973 йили 73 ёшида оламдан ўтди. Лекин, у яратган ранг-баранг ижод дурдоналари, халқлар дўстлиги ва биродарлигини ривожлантиришга қўшган хизматлари ҳамда адабий алоқаларнинг янги-янги қирраларини очишдаги таҳсинга сазовор ишлари қалблардан-қалбларга ўтиб, абадий яшайверади. Шунинг учун ҳам ҳозир кенг жамоатчилик унинг 90 йиллигини қизгин нишонламоқда.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси  
қошидаги қозоқ адабиёти  
кенгашининг раиси

## МОҲИР ОВОЗСОЗ

— Мен овоз ёзишни — ижод деб биламан, — дейди моҳир овозсоз Анвар Тожиев. — Бунда қулай жой танлаш, овоз узатгичларни шайлаш, ҳар бир соз — мусиқа асбобининг фаслга монанд ҳароратда, хона иқлимига мос бўлишини таъминлаш катта маҳорат талаб қилади. Чунки ёз ҳавоси ёки куз ва баҳордаги намгарчилик ё қишдаги совуқ ҳарорат мусиқа асбобларига турлича таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам лозим бўлганида ҳар бир асбобни 2—3 соатлаб созлашга, асарни эса тўрт-беш, ҳатто ўттиз мартаба қайта ёзишга тўғри келади. Маъқул деб топилган дилбар куй ва қўшиқлар шундан сўнг ҳаво мавжларига таратилади. Тўрт-беш дақиқалик ашулаларни ёзиш учун баъзан кунларнинг баҳридан ўтилади. Ҳа, бу соҳа ижодкорларининг меҳнати ҳам осон эмаслигини ҳамма ҳам билвермайди.

Кейинги йилларда «Мелодия» ширкати ўзбек халқ мусиқаси дурдоналарини туркум-туркум қилиб овозгардишга кўп нусхаларда кўчирди. Булар орасида «Ўзбек халқи мусиқа маданияти мероси» туркумига кирган халқ дostonларидан, мақомлардан парчалар, сурнай, бўломон, қўшнай наволари, Самарқандда бў-

либ ўтган жаҳон мусиқа маданияти халқаро кенгаши қатнашчилари ижро этган куй ва ашулалари, халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан намуналар, мақом ижрочиларининг жумҳурият кўриги ғолибларининг асарлари, бахшилар бисотидаги энг мумтоз намуналар мусиқа хазинамизни бойитиб бормоқда.

«Кекса санъат усталари» туркумига кирган Муллаўйчи хофиз Тошмуҳамедов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов ва бошқалар ижро этган ашулалар қайтадан овоз мумгардишларга муҳрланди. Янада сайқалланган бу мусиқа дурдоналари халқимиз маданиятининг ўлмас жавоҳирларига айланди.

Ҳа, Ўзбекистон радиоси қошидаги Юнус Ражабий номли мақомчилар ансамбли ва халқ ансамбллариининг бошқа ноёб дурдоналарини сақлаш, бойитиш, уларга сайқал берилишида Анвар Тожиевнинг келажагимиз равнақи учун қилган хизматлари таҳсинга лойиқ. Унинг «Шашмақомнинг чолғу қисмлари, Дугоҳ ва Сегоҳ» деб номланган мумгардиши «Мелодия» ширкатиининг Бутуниттифоқ кўригида биринчи ўринни, Ғуломжон Ёкубов ижросидаги қўшиқлар туркуми эса, «Олтин гардиш» мукофотини олди.

Шу кунларда Анвар Тожиевни фақат бир нарса безовта қилиб ке-

лаяпти. «Ҳанузгача жамоамиз ўз биносига эга эмас: Бу муҳим мааммони ҳал қилишда мутасадди идоралар ўз бурчларини бажарсалар, деган умиддамиз, — дейди у. — Биз эса овозгардишга си-

фатли овоз кўчириш, замонавий асарларни кўпроқ тарғиб қилиш йўлида ғайрат-шижоат билан ишлайверамиз».

Маҳмуд ЯХЕЕВ



Меҳнатдан елкаси яғир мен эмас —  
Чўлпоннинг жонига берсин кўп тўзим,  
Ҳалол хизматиининг ҳаққи ҳурмати,  
Боласин елкамда кўтарай ўзим.



## Дилнаво шеърлар



### УЛУҒБЕК

Фалакнинг еттинчи қавати, Шоҳим —  
 Дарвиш қизингизга қолдими мерос?  
 Халқуми минг юлдуз мадраса нураб —  
 Тунлари ғойибдан келади овоз.  
 Шоҳим, сайёралар ёйганда фалак —  
 Жануб осмонида қон қақшар арвоҳ...  
 Муқаддас киприклар тун саҳни аро —  
 У ким — юлдузларга ёқади чироқ...  
 Ернинг тўққизинчи қаватида йўл —  
 Энг ўткир олмоскўз излайди кимни?  
 Тепамда бир шарпа — энг илиқ нигоҳ  
 Адашиб топади совуқ ғоримни.  
 Ернинг тўққизинчи қаъридадирман,  
 Насибам — ертўла, ғамим — ертўла.  
 Денгизнинг қум босган соҳили — юртим,  
 Бобомнинг ўтирган тупроғи — бўйра.  
 Бўйралар тагида олтин бор экан,  
 Бобомнинг ғамини энди ким терар.  
 Олтинлар соб бўлган кўзада Ватан —  
 Юртга яна қирқ минг Улуғбек келар.

### ТОШКУЛБАЛАР

Тошбешиқлар йўниб кетасан, Шамол,  
 Едингда йиғлайди қорақўз Аёл,  
 Тоғдаги кулбага етасан, Шамол,  
 Унутмай Сени зор кутар ўша тол...  
 Узингни тутолмай йиғлайсан тунлар —  
 Ерилиб кетади кучли қоялар...  
 Тошбешигин қучиб ухлар хотинлар —  
 Қайтади йиғлашиб қари доялар...

Тошдан кулба йўниб қайтасан, Шамол,  
 Тошкулба ичида гуллаган бодом,  
 Осмондан ёғилган юлдуздай савол —  
 Турадир гулламай холос ёлғиз том,  
 Тошкулба ичида узун тун яшар...  
 Узун, қаро сочлар Шамолдан ёдгор.  
 Сайёҳлар оғзини очиб қарашар —  
 Тошкулба томида битта лола бор...

Тошдан эшик битиб кетасан, Шамол,  
 Хиёнат киролмай изига қайтар,  
 У... Аёл, тунлари ўз кулбангда қол,  
 Сенинг бор дардларинг чақмоқлар айтар.  
 Дардларинг — кўкариб очилмаган лаб,  
 Тўлғоқ азобида очдинг эшикни,  
 Оғриқдай зил тўлиб, аччиқ ингалаб,  
 Бир чақалоқ очди бу тош — эшикни.

Тошдан қабр ясаб увлайди, Шамол.  
 Дўл ёғиб ётади Тоқат бошига —  
 Ҳар қабр қаноат руҳи учун тор —  
 Кўр Сабр ўйнайдир ўпқон қошида.  
 Сесканиб ўтганда Шамол мазордан —  
 Қўрқинчли азобнинг кўзи тошқотар,  
 Қабрлар урилиб кетар озордан —  
 Тошқабр ичидан ўт чиқиб ётар...



### ОҚЛАНГАН ДАРАХТЛАР

Кўзларингиз куйиб кетгай, муҳтарам  
 Осмон?!  
 Нимяланғоч Осиёда, инграйди тунлар...  
 Ебонларга сингиб борар тўкилмаган қон,  
 Олис мозий эшигидан оқади унлар...

Қадимий турк нафасида ибодат қилдим,  
 Қодирийнинг кўзларига чўкиб кетди тун.

Ватанимнинг мазорларин шу бугун  
 билдим —  
 Яримта ой юраккинам — Ватаним бутун.

Гарчи гуноҳ оқ илондай тарихни бўғар,  
 Қафаслардан чиқиб келар тутқун ўтганлар,  
 Панжарани шарақлатиб очиб ҳар саҳар,  
 Мовий рангли уйга кириб келар ўликлар...



Кулиб келар оқланганлар, уялгин, Осмон,  
 Ер остида — чириб битган Ҳақиқатзор йўк,  
 Тошдан қаттиқ пешоналар ёруғида қон,  
 Яралардан қотилларинг териб келди ўк...

Бу ўқларни қайта отиб бўлмас Вай —  
 Мерган!  
 Тунги йўлинг вайронага туташиб ётар,  
 Сен даладан, ишдан қайтиб мудрайсан,  
 Ватан!  
 Белгинангдан пасти иссиқ қумларга ботар...

### ҚИШ

I

Чидаб бўлмас қор оқлигига...  
 Сочларингга қўнибди қуюн,  
 Гул кўрпасин бағрига босган  
 Чўғ устида кечалар узун,  
 Ғижжак чалиб инграмас эшик,  
 Эригай муз ўтли нафасда.  
 Зангор девор захларида гул —  
 Лаб очади метин қафасда...

2

Қоронги хонамда шам афсун ўқир,  
 Эриб борар ойнак ортида гулхан.  
 Осойишта гуллар мусиқа тўқир,  
 Қора девор тунлар кўринар улкан.  
 Деразалар — туннинг қора парчаси —  
 Изгирин ув тортиб кетади нари,  
 Хушбўй ис таратар шам тутган арча:  
 «Қоқ арвоҳни кўрдим: совуқ, оч,  
 қари...»



### ҚОРА АТИРГУЛ

1

Оловда ёнганда сарғайган мактуб,  
 Тунинг парчасига ўранса ёш тул —  
 Бир қўлингга ханжар, бирида титрар —  
 Яқинда узилган қора атиргул.

2

Бу ёлғиз дунёнинг оқ сочлари қул,  
 Эгасин танимай манқуртлар увлар.  
 Бир парча хиёнат — кафтингдаги гул,  
 Филларнинг кўзида телбадай кулар...

3

Субутсиз шамоллар ўша ҳорғин тун  
 Кириб келди денгиз — меҳмонхонамга...  
 Эй қадимий Соат, қўлларинг узун —  
 Чақмоқни жиловлаб кел остонамга.  
 Чақмоқни жиловлаб келтирди Осмон  
 Кўрасан мен Ерда қорагул мисол,  
 Қўйдинг ўғирлатиб гулинг, отажон —  
 Тунлар юпатолмас ёлғончи ҳилол,  
 Остонанг тошлари қора атиргул,  
 Ёмғирда ювилар денгиздай дарди,  
 Ўша тун тушимда таниш қорагул,  
 Ёмғирнинг ёнишин жимжит кутарди.



Севара ВАФО

4

Жодугар гўзаллик аврайдди тунлар,  
 Йўлкалар унутиб яшайди ғамни.  
 Пастликка ўрламас қўнғир тутунлар —  
 Умидим ўчирмас энг сўнги шамни.

\* \* \*

Сўнги уч сўмликни таксига тўлаб,  
 Ёмғирли шаҳарни тарк этайлик, кел,  
 Лаънати шовқиндан холи дунёга,  
 Қор ва долаларга олиб кетсин сел.  
 Мағрур қари тоғлар этни емаган,  
 Эзмагай юракни бу темир тоғлар,  
 Ер юзи ғамлари боғдан келмагай,  
 Лолаларда қолсин дилдаги доғлар.  
 Кимсасиз сўқмоқлар бизни соғингай,  
 Шамол этагида — тун бағри гулхан,  
 Туманли тунларда эркак сиғингай —  
 Кўз ёшин кўрсатмай гуллар бир Ватан.  
 Сўнгсиз тангаларни таксига тўлаб,  
 Ёмғирли шаҳарни тарк этайлик, кел...

### ТАЗАРРУ

Виламан, бу узук мен учун эмас,  
 Бошқа ойбилакнинг жавҳари фарди,  
 Сизнинг киприкларда нам бутун эмас,  
 Тунлар ёстиғимга тўкилгай дарди.  
 Виламан, бу узук тунлар шикастлиғ,  
 Чирмовиқ гулингиз куйдирар дардли,  
 Маъюс куз мавсумлар қадами сариқ,  
 Кўзларда Осиё оқар хатарли,  
 Қўлларда беэзаб титроқ хатарли,  
 Утдай лабларимда қор учқунлари,  
 Сўнги фарёнома — япроқ хатарли.  
 Уф-ф тортгай мўрилар — дил тутунлари...  
 Виламан, бу суврат мен учун эмас  
 Йилоннинг қисмати бор бу узукда,  
 Мен унга тош отиб қувганман, келмас,  
 Қоп-қора атиргул музлар зулукда,  
 Адоғсиз бу дардлар фақат бир суврат,  
 Ташналаб дарёлаб ўтгай кўксимдан,  
 Бир кун барибир шахд келгай журъат.  
 Сизнинг дардларингиз ўпгай кўзимдан,  
 Сизни Ойсиз тунлар овозсиз бўғар,  
 Эпкин қўл теккизар куракларимга  
 Ҳақсиз соғинчингиз юзта ғам туғар,  
 Бир узук дор бўлгай юракларимга...  
 Осмонда бир ҳилол — никоҳ узугим,  
 Олис фарёдима хаста куюгим.



Муаллиф чизгилари.



**Ж**умхуриятимиз бўйича ўтган йили 85 мингта жиноят содир этилди. Бу рақам бурноғи йилдаги нисбатан 15 мингта кўпдир. Надоматлар бўлсинки, жиноятлар сон жиҳатдангина ошмай, балки уларни содир этиш усули жиҳатидан ҳам ўзгариб кетди. Жоҳиллик, қонхўрликнинг даҳшатли кўринишлари қўлланилди. Уқ отувчи, портловчи, совуқ қуроллардан фойдаланиб, омборларга, савдо ва пул билан муомала қилувчи муассасаларга, аҳолига, хонадонларга босқинчилик ҳужумлари уюштирадиган жиноятчи гуруҳлар пайдо бўлди. Жиноятчиликнинг янги, уюшган — РЭКЭТ усули кенг тарқалди. Улар кўрқитиш, тазйиқ ўтказиш орқали мол-мулк талаб қилиш, одамларни гаровга ушлаб туриш йўли билан бойлик орттиришга киришиб кетдилар. Ўғирлик, талончилик, фирибгарлик, машиналарни олиб қочиш, олибсотарлик урчиди. Фоҳиша-бозлик, бангилик, ичкиликбозлик билан боғлиқ жиноятлар кўлами кенгайди. Мингдан ортиқ киши ваҳшиёна қотиллик қурбони бўлдилар. Ярим мингдан зиёд хотин-қиз зўрланди. Бир неча минг одам автомашина ҳалокатига учраб, бевақт оламдан кўз юмди...

1958 йилда туғилган Абдуқодир Абдуяусупов Тошкент вилояти Калинин ноҳиясидаги «Иваново» давлат хўжалигида оиласи, 2 та вояга етмаган болалари билан яшарди. 1988 йилда ўттиз ёшини ўғирликка қўл уриш билан «нишонлади». Суд унга 3 йил муддат билан жазо белгилади ва уни Узоқ Шарқ ўлкасида ўташга мажбур этди. Аммо Абдуқодир жазо ўташни ўзига эп кўрмади. Қамоқдан қочди. Тошкентда Аҳмад Беков деган, аввал ҳам қатор жиноятлар содир қилиб ўз номини булғанган кимса билан топишди. Жиноий йўл билан, меҳнатсиз бойлик орттириш йўлига кирган С. Уралов, Э. Тошматов, Э. Абдураулов, Д. Тиллаевалар ҳам шу тарихқа «қоронғида қуйруқ ялашди»лар. Қидирув эълон қилинганига қарамай, қўлга тушиб қолмасликларига кўзи етган Абдуяусупов ҳаммининг кўз ўнгига таралла бедод қилиб юраверди, дуч келган ерда даҳшатли жиноятлар содир қилишдан тоймади. У ўз жиноий тўдасининг «ҳаракат дастури»га ҳам эга эди. Келишиб олинганидек ...шу йил 13 январ кунни Янгийўл шахрида А. М. Мирсоатов бошқарувида бўлган «Жигули» енгил автомашинасини кира қилишиб, хилват жойда ҳайдовчининг бўғзига пичоқ тақаб, бўйнига сиртмоқ ташладилар, сўнгра машинани ва марҳумнинг кийим-кечакларини, ўзаро бўлишиб олдилар. Мурдани эса сувга чўктириб юбордилар. Ҳамтовоқлар 26 январ кунни яна навбатдаги «ов»га чиқдилар. Тошкент шаҳар С. Раҳимов номли метро бекати яқинида Қ. Ражабов исмли шахсга тегишли машинани кира қилишиб, йўлда уни ҳам худди аввалги усулда ўлдиришди. Ялаб тўймаган ёвузлар 3 февралда Тешабой Пирматовнинг «Волга» машинасини, 13 февралда З. Абдуллаевага тегишли «Жигули» енгил автомашиналарини ҳам ана шундай даҳшатли қотилликлар қилиш йўли билан эгаллаб олдилар. Жабрланувчиларнинг буюм ва пулларини ўзларига олиб, машиналарни эса анқов шахсларни топиб, алдаб-сулдаб пуллаб юборганлар. Ушбу тўда иштирокчилари бундан ташқари ҳам қатор ўғирлик, фуқароларга нисбатан зўрлик ишлатиш, уриб жароҳатлаш, давлат муассасаларини талаш ва ўт қўйиш каби жиноятларни содир этиб, жуда катта миқдорда моддий ва маънавий зарар келтирганлар. Тинч-тотув ҳаёт кечиришаётган оилаларнинг бошига кулфат келтирганлар. Ана шу жиноий гуруҳнинг аъзоси Донохон Тиллаева эри ва тўртта ёш болаларини ташлаб, аёл, қолаверса она бўлатуриб ана шу даҳшатли жиноятларга бош қўшган...

Бу рақам ва дастакларни қайд этиб, шусиз ҳам тинчи йўқолган одамларни ваҳимага тушириш фикрдан йироқмиз. Жиноятчилик кўламининг тинимсиз ўсиб бораётгани бугун ҳаммани ташвишлантирмоқда. Ҳокимиятнинг олий идорасидагилардан тортиб фуқаросигача гап нимадалигини, мавжуд муаммоларнинг илдизи қаердалигини ва уни қандай бартараф этиш лозимлигини излашмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот мутахассислари муаммонинг бош сабаби омма орасида таълим-тарбия ишларининг бўшашиб кетганлигида, жиноят-

чиликка қарши курашиш идораларининг моддий асоси етарли эмаслигида, мавжуд қонунларимизнинг номукамаллигида, турмушимизда ҳукм сураётган иқтисодий тангликда, деб қайд этмоқдалар. Масъул шахслар учрашувларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида жиноятчиликнинг илдизини ичкиликбозликдан, айримлари бу ишга жамнатчиликнинг жалб қилинмаганлигидан ахтардилар. Бириси ўтмиш сарқитига, иккинчиси ғарбдан андаза олишга, бошқаси Сталин давридаги «ур-сур» ларга ишора қилдилар. Турғунлик даври, миллий муносабатларнинг ўлда-жўлдалиги, ҳуқуқ маданиятининг пастлиги ва ҳоказолар асосий сабаб қилиб кўрсатилди. Биров жазони кучайтириш керак деса, бошқаси: «Жазо қаттиқ, у одамларни жоҳиллаштириб

Ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ. Катта асфалт йўлда эса икки кишининг ўлиги. Юз қадам нарида ағдарилиб ётган «Волга»...

Ёш боланинг «мени уриб, машинани зўрлаб олиб қочиш кетишди», деган гапига ҳеч ким ишонмайди. Адолат, ҳақиқат истаб чеккан изтироблари, ички алами ва адолатсизликка қарши қалбида туғён урган Карим саккиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди ўшанда.

25 ёшида қамоқдан қайтган йигитга ҳамма ола қарайди. Ишга жойлашиш азобини бошдан кечиради. Тенгдошлари уйли-жойли бўлиб кетишган, уни давраларига қўшишмайди. Ҳар кунни уни сўраб-суриштириб ички ишлар ходимлари келиб-кешиб туришади. Корхонада бирорта ҳодиса юз берса, ундан гумонсирашади. Уйланай деса...



**ИНСОН  
ВА  
ҚОНУН**

**МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА**

## АДОЛАТСИЗЛИКНИНГ

юборди», дейди. Мени қалам олишга ундаган нарса мутахассис сифатида қайсидир маънода юқоридаги фикрларни мутлоқ рад этмаган ҳолда, жиноятнинг асл сабаби ҳақидаги қарашларга қўшилмаслигим бўлди. Фикри ожизимча, аввало «касал»лик сабаби тўғри аниқлангандагина уни даволаш осон кечади. Ҳозирги белгиланаётган тадбирлар ошқозони ишдан чиқа бошлаган беморни гриппдан ёхуд тиш оғриғидан муҳофаза қилиш билан баробардай кўринаяпти.

Хўш, бўлмаса асосий сабаб нимада?!  
Онадан ҳеч кимнинг жиноятчи бўлиб туғилмаслиги ҳаммага аён. Инсонни инсон, жамият тарбиялайди. Шундай экан, адолатни ўз адолатсизлигимиздан изласак тўғрироқдир. Одам боласи, кимнинг пушти камаридан пайдо бўлмасин, у инсон. У улғаяди, ҳар қанча камикўсти бутун қилинмасин, таълим-тарбия ўрнига қўйиб адо этилмасин, кўза кунда эмас, кунда синганидек ўзи сезмаган ҳолда жиноятга қўл уриб қўйиши мумкин. Чунки ҳаётнинг қайсидир бир чорраҳасида у адолатсизликка рўбарў келган. Ҳар қандай қонунга хилоф ҳаракат — жиноят, адолатсизликнинг бир кўринишидир. Демак, адолатсизлик жиноятни, жиноят янги адолатсизликни келтириб чиқаради. Агар адолат устивор бўлмас экан, жиноят олами тораймайди, аксинча, болалаб кетаверади. Йиғинлар, тадбирлар, қуролланган отрядлар, қамоқхоналар, янги қонунлар, қўлни-қўлга бериб курашга шайланган жамоатчилик ҳам унинг қаршисида ожизлик қилади.

Биз ўғирликни таҳлил қилаётганимизда «меҳнатсиз даромад йўлига кирганлар», давлат мулкни талон-тарож қилганларни ёки порахўрларни — «молу-давлат орттиришга ҳирс қўйган бир гуруҳ шахслар»... деб бадном қилишга ўрганиб қолганмиз. Лекин ана шу «...йўлга кирганлар», «ҳирс қўйганлар» қаердан пайдо бўлди ёки нега «ҳирс қўйди», деган саволларни четлаб ўтиб кетамиз. Ахир «сабабсиз оқибат бўлмайди»-ку!

...Карим Ҳожибоев исмли 17 яшар бола 1966 йилда отасининг машинасини ювиб-артиб қўйиш мақсадида ҳайдаб уйи яқинидаги ариқ бўйига келади. Шу пайт аллақердан пайдо бўлган учта безори боланинг юзига мушт туширишиб, машинани тортиб олиб қочади. Оғзи-бурни қон, юзи кўкариб, шишиб кетган бола жон ҳолатда машина ўғрилари кетидан югуради. Афсуски, сарсон-саргардон бўлиб, ўтган воқеа боис отасидан кўрқа-писа уйга келганда уни милиция ходимлари пойлаб туришган эди, уни қамоққа олишади: Тошкент — Сирдарё йўлида она-болани машина билан босиб, ўлдириб кетганликда айблашади.

Ота-она ва қўни-қўшилар боланинг уйдан машина ҳайдаб чиққанини кўришгани табиий.

Хуллас, жаҳолат қурбонига айланган Карим ўйга чўмади, ичкилик ичади, дайдиб юради, турли «инсон»ларга дуч келади, ўғирлик, босқинчилик, талончилик кўчасига кириб қолади...

Карим судда ўз «тарихи»ни сўзлаб берар экан, уни шундай яқунлади:

— Мен ҳам отамдек обрўли, иззат-ҳурматли одам бўлишни истардим. Унга тақлид қилишга уринардим. Яхши ўқирдим, юрист бўлишни орзу қилардим. Онамни жуда-жуда яхши кўрардим. Вояга етиб гўзал ва доно қиз билан турмуш қурсам, болаларим бўлса, ўз уйим, машинам бўлса, деб орзу қилардим. Ҳаммаси бир кунда, ўша менга ишонишмаган кунни синди. Сўнгра эса...

...Энди менга барибир. Тақдирга тан беришдан бошқа иложим қолмади. Адолат қилинг, деб сўрамайман... Йўқ нарсани сўрашдан маъно йўқ!

Шу ўринда жамиятдаги адолатсизлик жиноятчиларни туғдирди, улар айбдор эмас, адолатсизлик айбдор, деган бир томонлама фикрдан мутлақо йироқман. Шундай бўлса-да, нега у ёки бу шахс жиноят йўлига кирди, унинг онгида, ҳиссиётида нопокликка қўл уриш фикри ҳаётининг қайси босқичида ёки «муюлиши»да пайдо бўлди, деган савол ечимини топишнинг тарафдориман.

Ана шу «босқич» ёки «муюлиш»ларда у албатта қайсидир кўринишдаги адолатсизликка дуч келганлиги шубҳасиз. Эътибор беринг-а, инсон боласи дунёга келиб қолганда «усти-бош» алмаштиришдан тортиб, у ердан «чиқиб» кетганига қадар турли муносабатларни — «совғача» бериб ардоқланишни ёки турткиларни бошдан кечиради. Боғчага қатнай бошлаганида эса, ота-онаси уни бу ерга «бир амаллаб» жойлаштирганини эшитади. Сўнг «қаппайган» тугун қўлтиқлаган «тарбиячи»ларига кўзи тушади. Лекин бу даврда у ўз ҳақиқа хиёнат қилинаётганини англамайди. Бугун кўғирчоғини, эртага конфетини, индин эса эғнидаги бирорта кийимини «йўқотиб» қўяди. Мактаб ёшида у шакллана бошлайди. Кимдир мактабга ҳам машинада келади, бошқаси қор, ёмғир кечиб қалишда... Уртоғи дангиллама уйда яшайди, алоҳида хонаси бор. У эса укалари билан бир хонада тиқилиб ерда ухлайди. Институтга ҳам «иккичи» жойлашиб олади. Бошқасининг «хужжати» чатоқ. Қўшни Ялтага — дам олишга жўнаяди, у эса пахта чопиғига. Биров минбардан туриб ваъз айтади, у эшитиб ўтириши керак. Унинг қўшалоқ машинаси гаражда «гижинглаб» туради, буниси эса велосипед шинасини ахтариб тинкаси қурийд... Адолатсизлик илдизини ана шундай турмуш тарзидан ахтариш керак!

Турмушимизда яна бир ҳолат ҳам мавжудки,



бу, жиноят содир бўлгач, адолатни қарор топиролмай овори сарсон, эшикма-эшик чопишди. Ҳар бир очилмай қолган жиноят, бу — икки бор адолатсизликдир. Биринчидан, жиноятдан жабрланган тараф адолатга нисбатан ишончини йўқотади. Иккинчидан, қўлга олинмаганлигидан. Шу тариқа жумҳуриятимизда ҳар йили ўн минглаб жиноят ёпиқлигича қолиб кетаверади. Утган йили эса, бу рақам 25 мингга етди. Агар ҳар икки тарафда ўртача иккитадан ҳисобланса, демак, 100 мингга яқин кишининг адолат йўқлигига имони комил бўлади. Бу 161 та қотиллик, 309 та оғир даражадаги тан жароҳати етказиш, 81 та хотин-қизнинг зўрлаб номусини поймол қилиш, 2723 марта давлат мулкини ўғирлаш, 1592 та босқинчилик, 414 марта талончилик ҳужуми, 15

адашди — жиноят қилди. Унинг халқ ва давлат олдида қилган адолатсизлигига одилона жазо белгиланди. У жазони ўтади. Назаримда, адолат қарор топабошлагандай бўлди. Ишонинг, улардан бирортаси ҳам яна ўша машъум қамоқхонага қайтиб боришни истамайди. Озодликка, доғни ювишга нима етсин. Бўлмаса, уларнинг яна жиноят йўлига кириб кетишига нима мажбур қилди, дейсизми? Адолатсизлик! Унга икки гапнинг бирида қамоқда ўтириб келгансан, деб бармоқ ўқталаверишди. Одамлар ўз орасига қўшмай қўйди. Милиция ҳар куни изидан пойлаб юради. Уй-жой билан таъминлашни ҳеч ким ўйламайди. Ишга жойлашайин деса корхона бўсағасидан қадам бостиришмайди. Содир этган адолатсизлигига минбаъд пушаймон бўлган, энди яхши турмуш кечира-

олинди. «Ўзбекистонда ҳамма пахтакор», «Оқ олтинни олтин қўллар яратади», деган ажаб-товур шiorлар ёнига «ўзбеклар иши» қўшилди. Қамоқхоналарда «ур калтак» давом этаверди. Маълум вақт ўтгач, «ўзбеклар ишини бозорга солиб, Гўлян ва Ивановлар СССР Халқ депутати бўлиб олдилар. Гайданов, Дидоренколар олтин погон ва орден олиб, юқорига ўсиб кетишди. Шунингдек айрим раҳбарлар ҳам масхарабоз «жонглёр»лардек ходимларни ўйнатиб жумҳурият, ноҳия ва вилоятларнинг оёғини ошмондан келтириб, ниҳоят жумҳурият аҳлидан «СССР Халқ депутати» мандатини олишгач, бу ерни ташлаб кетишди. Шунисига ҳам шукур!

Шундай қилиб жумҳуриятимизга келганлар қош қўяман деб кўз чиқаришди. Одамларнинг кўз ўнгида адолатсизлик қилинди. Энди уларни ҳақ сўзга ишонтириб кўринг-чи! Чунки туб маънода, жумҳурият фуқаролари қатагон қилинган эди. Юқорида айтилганидек, адолатсизликларни одиллик, фозиллик билан енгиш ўрнига, аксинча иш тугилди. Содир этилган ана шундай ўзбошимчаликлар одамларга таъсир қилади? Қилади! Ишонч йўқоладими? Йўқолади!

Кишилар онгида жоҳиллик кўзғатадиган, оқибатда жиноятга қўл уришга мажбур этадиган бундай адолатсизликлар сон-саноксиз... Тоғдан оқиб ётган сувдан ҳам арзон пахта нархи, эгаси билан ҳисоб-китоб қилинмай ташиб кетилаётган қазилма бойликлари ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади...

Кейинги пайтларда «дефицит», «танқислик» деган бир бало пайдо бўлдики, у ҳатто одамлар ўртасидан ўзаро меҳр-оқибатни, ҳурмат-иззатни ҳам кўтариб юборди. Ҳозир жиноятларнинг аксарияти ана шу заминда урчимокда.

Хўш, «камёблик» билан боғланган жиноятга қандай барҳам бериш мумкин? Албатта, шу мақоладаги икки сатр тақлиф билан масалани ҳал этиб бўлмайди. Авваламбор камёблик турмушимизда ҳукм сураётган ҳужасизлик оқибатидир. Худди қуриётган денгиз, чиритган ҳосил, ёнаётган корхона, нураётган иморат, касалдан ўлаётган мол, брак маҳсулот ва ҳоказолардек. Ана шу нарсалар йиғилиб бир бутун «камёблик»ни ташкил қилади. Ҳўжасизлик эса эгасизлик дегани. Барча муаммоларни ҳал қиладиган масъул идораларда ўз ишини пухта биладиган, жонкуяр, илмли ташаббускор эгалар йўқ. Борлари эса, эга эмас, маъмурлардир. Ана шу маъмурларнинг кўпчилиги «бўйни бўш», бетга чопмайди, қўл қовуштириб туради, айтганингдан чиқмайди, фалон жойдаги акалари қўл келиб қолиши мумкин, берсанг ейдиган, урсанг қочадиганлар хилданандир. Уларнинг аксарияти маълум мансабга ўтиргач, «камёб»ларга қўли етолади, ўзларини ҳам, ҳомийларини ҳам таъминлаб турадилар. Бундайлар оммани ўйламайдилар. Ўзлари ишламайдилар, бошқаларнинг ҳам олдинга ўтишига йўл қўймайдилар. Ана шундай «эгалар адолатни четлаб ўтиб, одамлар дилини қон қилиб юборадилар.

Қилғиликни қилиб қўйиб, сўнг бўшаб ётган магазин пештахталари, нархи осмонга чиқиб кетган бозорни четлаб ўтиб: «Нега ўғирладинг?», «Нега қиммат сотдинг?», «Нега тортиб олдинг?» қабилда одамларни қувалаб юраемиз. Улар эса даҳшатли жиноятлар содир этиш билан жавоб қайтардилар.

Вазият қанчалик оғир бўлмасин, ҳар ким ўз ҳақиқатини сиртига чиқариши керак. Кичкина бўлса ҳам ёлғон, алдов мавжуд жойда адолат қарор топмайди. Фақат ҳақиқатни очик айтиш билан, ҳар қандай одамда, туғилган пайтидаёқ табиат ато қилган ва сўнгга сўниб, қалбининг, онгининг бирор бурчагида «бўғилиб» ётган адолат ҳиссини уйғотиш керак.

Мафкура кучини, тadbирлар йўналишини ана шунга қаратиш ҳар қачонгидан зарурроқдир. Халқ орасига чинакамига кириш тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Маъмурий йўл билан шохига ёки баргига ҳужум уюштириб жиноят дарахтини қурита олмаймиз. У яна шох чиқариб, барглаб «мева» бераверади. Бу дарахтнинг илдизини озикланмас даражага келтирганимиздагина мақсадга етамиз. Бу машъум илдизнинг номи адолатсизликдир!

## ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,  
катта адлия маслаҳатчиси



мингга яқин фуқаронинг мулкини ўғирлаш каби жинойи ишлар очилмади, деганидир.

Хўш, қачон адолат қарор топади? Қачон бу зулматга зиё етиб келади? Бу саволларга кўпинча, қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, иш-лаямиз, изланапмиз, аммо кучимиз етмаяпти, зарур мутахассислар, тегишли жиҳозлар камлик қилаяпти, маблағ йўқ каби жавоблар оласиз. Қисман шундай. Аммо асосан эмас. Эътибор қилайлик-а! Ярим миллион коммунист, миллионер-комсомол, минглаб ходим ишлайдиган милиция, прокуратура, суд, юстиция, адвокатура, давлат хавфсизлик қўмитаси мавжуд.

Совет ва бошқарув идоралари, қишлоқ Советидан тортиб Олий Советгача мандат олган халқ депутатлари, турли назоратчи аъзолари, фахрийлар кенгашлари, маҳалла назоратчилари, ичкиликбозликка қарши жамоат ташкилотлари, таълим-тарбия ўчоқларининг жонкуярлари, маданият ходимлари, ёзувчи ва журналистлар, миллионлаб киши ишлайдиган турли идора ва муассаса жамоалари... Улар жиноятчиликка қарши курашга чорлангандирлар. Хўш, мавжуд шу кучлар озми?

Қолаверса, жумҳуриятимиз вилоят, ноҳия, шаҳар ва қасабалардан иборат. Уларнинг ҳар бирида ички ишлар идоралари мавжуд ва улар деярли ҳамма жойда жамоатчи ёрдамчиларига эга. Юзлаб кўнгилли тартибни назорат қилувчилар сафарбар этилган. Амалда у ёки бу шаҳарга икки кунга меҳмонга келган киши ҳақида тегишли маълумотларни олиш имконияти бор. Бунини мазкур соҳанинг мутахассиси бўлганим учун ҳам айтаяпман. Шу нарса таъкидламоқчиманки, бир парча ер ҳам назоратдан холи эмас. Деярли ҳар бир ноҳия ҳаракатнинг олдини олиш, битта жиноятчига ўнтагача одамни сафарбар этиш мумкин. Айтайлик, ҳар бир боланинг ота-онаси борлигини ҳисобга олсак, эътирозга ўрин қолмайди. Биз эса ана шундай имкониятимиз бўла туриб, 85 мингга жиноятнинг содир этилишига йўл қўйдик. Шунинг 25 мингтасини «кўрмай» ёки «билмай» қолдик. Бу фарзандларимиз, яқинларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйганликдан, жавобгарлик ҳиссидан йироқлашиб бораётганимиздан ўзга нарса эмас. Ҳар биримиз «менга нима» қабилда иш тутушга одатланиб қолганмиз.

**Б**ир марта жиноят содир қилган шахсларнинг аксарияти жазони ўтаб қайтганларидан сўнг кўп ўтмай яна жиноят йўлига киридилар. Нега? Шу кеча-кундузларда юз бераётган жиноятларнинг бошида ана шундай «тажриба»ли кимсалар турганлиги сир эмас. Яна: «Нега?» деган савол туғилади. Эътибор қилайлик: шахс бир марта

ман, деб онт ичиб қамоқхонадан озод этилган кишига бундай муносабатда бўлиш, унинг қалбида чечаклай бошлаган умид ғунчаларини парчалаб ташлайди. У тирикчилик боис яна жиноят йўлига кирилади.

Яқин ўтган кунларимизга бир назар солайлик. Турғунлик йилларида қўшиб ёзишлар, порахўрлик, тўрачилик, буйруқбозлик ва бошқа ижтимоий адолатсизликлар томир отганлигини фуқаро яхши билади. Партия, совет, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари ва бутун жумҳурият аҳли бу қонунсизликларни тугатишга, ноҳақликларнинг илдизини қуритишга киришдилар. Халқнинг умиди чексиз эди. Бўлаётган ишлар нафақат ўзбек халқининг, балки бутун мамлакат, ҳатто жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини тортди. Шундай бир пайтда жиноятчилик кескин ўса бошлади. Ташкилий чиқишлар ва оммавий қон тўкишлар содир бўлди. Бозорда нархнаво ошди, порахўрлик авжига чиқди. Одамлар миллат «айира» бошладилар. Икки қават қилиб темир панжара қопланмаган эшик-дараза, турли хилда ҳайқирадиган, жиноятдан огоҳ этувчи «қопқон» мосламалар ўрнатилмаган уй ва ҳатто автомашиналар қолмади. Янги телпак кийган кишининг бир қўли бошида бўлиб қолди.

Сабабларни эса ҳамон «қидирганимиз-қидирган!» Ҳатто юксак минбарлардан туриб ҳам: «Ўзбекистонда айрим нопок шахслар муҳим тармоқларни эгаллаб олиб, ўз манфаатини кўзлаб жиноят қилди. Бунда ўзбек халқи айбдор эмас», деб «ноғора чалинди»-ю, лекин амалда ғайри-табиий ишлар бошланди. Тозаланиш сиёсати остида «хўли-қуруқ»қа баб-баравар ўт қўйилди. Маҳаллий аҳоли вакилларига ишончсизлик билдирилди. Минглаб «ўта» ишончли «кадрлар» Ўзбекистонга тартиб ўрнатиш учун сафарбар қилинди. «Гўлянчилар бригадаси» бир гуруҳ жиноятчилар тўдасига қўшиб халқни ҳам «урабошлади». Маъмурий идораларга юборилган «ишончли»лар Бутурлин, Гайданов, Дидоренко, Лаптев каби юзлаб «десантчи»лар ўзларига «ташкilotчи», «фаол» ва «принципал» деган номларни ортириш, унвон, орден-медаллар, генераллик погонларини бўлишиб олиш учун «фаолият» кўрсата бошладилар ва бу йўлда ҳақ-ноҳақ усулларнинг ҳаммасидан инсон ҳуқуқларини оёқ ости қилиб фойдаландилар. Анъанаси, урфи-одати, турмуш маданияти ва тили-дини бошқа халқнинг кўз ёшлари, қисмати уларга заррача таъсир қилмади. Мамлакатнинг ҳамма бурчакларида: «Ўзбекистонга масъул — раҳбарий ишларга ҳоҳловчилар бўлса, марҳамат!» деган қақриқлар осиб қўйилди. Кадрларни танлаш, жойлаштириш ва улар учун жон куйдириш иши ўзбек халқи вакиллари қўлидан



# Жизора



Романдан парча

Дариго, чечакдек бевафосан...

Хоразмий.

МИРМУҲСИН

— Эй! Хело! Господин! Биз бу ерда! Келиб, — ғоятда кайфи чоғлигидан чақнаб турган Нигора шофёр йигитга мурожаат этди. Кейин ёнидаги дугоналарига қаради: — «Господин» ўзбекчада нима дейиларди?

— Хўжайин, — деди қаддини таранг тутиб, чиройли орқасини кўрсатиб турган капалак кўзойнакли Сунбула олуча лабларини кувача қилиб.

— Йў-ўқ! Бошқача! — деди Нигора эркаланиб. — Мамам папамни шундай чақиради. Эҳ, қайто бир арханк сўз бор эди! Нима эди ўша, мия ишламаяпти. Шу ҳам мия бўлдими?

— «Эгам...» — деди ўзига унча ишонмай оппоқ тишларини кўрсатиб Маъсума. У билагон таржимондай дугоналарига маъноли қаради. — «Э-гам...»

— Йў-ўқ! — томоғини тақиллатди Нигора, — Не то!

— Мисье, дея қўяқолайлик! Шунга ҳам ўйлаб ўтираммизми? Шунга ҳам ақл ишлатиш керакми! Ҳозир ҳеч ким ўзбекча гаплашмайди!

— Ўзбекча гаплашмасак ҳам бу сўзни билиш керак! Анави шофёр қизиқ одам, ўзбекча гапирмасам жаҳли чиқади. Жаҳли чиқиш у ёқда турсин, уриб юборай дейди. Рулда унинг ғазабини кўзғаш керак эмас! Қара шу замонда шундай қоқоқроқ одамлар ҳам бор-а? Ўзбек тили, қозоқ тили, тожик тили... кимга керак! Наука бу тилда эмас! Экзамен бу тилда эмас! Лекция бу тилда эмас! Ҳамма вивескалар бу тилда эмас. Профессоримиз неча бор айтди, фақат чойхоналарда пенсионер ўзбеклар бу тилда гаплашади! Майли гаплаша беришсин. Биз, йигирманчи аср кишиларимиз, компьютер, шоу, джаз... Лекин мана бу янги шофёримиз ғалати одам. Тушунмайман! Қаланғи-қасанғилар кўпайиб кетаяпти. Хей, хелло!

— «Господин» «жаноб» дегани, тушундиргимиз! — деди ёнгинада турган ўша дўппилик шофёр йигитнинг ранги оқариб. — Ўзбек тилида «господин» «жаноб» дейилади. Мен «жаноб» эмасман! Гапни бўтқа қилманг! Худо хайрингларни берсин! Одам хафа бўлиб кетаркан! Дадангиз, аянгиз қандай яхши одамлар! Бўтқа қилиб гапирган билан киши ақлли бўлиб қолармиди?! Шундоқ ақлли қизлар ўзини ўзи танимай, янглишиб юрса хафа бўлиб кетар экансан, киши!

— Э, сиз бу ердамидингиз, жаноб!

— Ҳа, ёнингизда турибман, Нигорахон. Мен сизга ўргатмоқчи эмасман, сизлар ўқимшли қизларсиз. Аммо тилни булғаш яхши эмас! Бундан ташқари, ҳозир мелодий ҳисоб билан йигирманчи аср, аммо ҳижрий ҳисоб билан ўн олтинчи аср... Дунёда битта мелодий йил эмас, ахир! Виетнамда бошқача...

— Кечирасиз, ту-шин-дик... Друзья, давайте будем жить дружно!

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!..

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-и!..

— Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе-ҳе-е!..

Чугурчүкдек чуғуллашаётган қизлар бирдан жим бўлиб қолишди. Ҳозир машинага тушиш илинжида у билан тўқнашувга бормай келишгандай бўлишди.

— Марҳамат, машинага чиқинглар! — деди шофёр йигит.

Қизлар эркаланиб, шофёрнинг кетидан бориб, нарироқда турган кумушранг машина эшикларини очиб, ичкари киришди. Бу, Нигоранинг адасига биркитилган идора машинаси эди. Нигора шофёр ёнига ўтирди. Улар яна илгаригидай шивирлашиб ўзбек сўзларини «мошхўрда» қилиб бир-бирлари билан гаплаша кетишди.

... Июлнинг охирига бориб Тошкент ниҳоятда исиб кетди. Наинки пойтахт, Хоразм воҳаси, Фарғона водийси, Самарқанду Бухоро, айниқса Сурхон кенгликлари ғоятда қизиқ кетди. Қумга тухум кўмиб, беш дақиқадан сўнг пишганини олаверасиз. Илгари саратон чилласига чидаб бўларди, аммо ҳозирги иссиқ — шаҳарлар ҳавосидаги дуду ғуборнинг захри, ерларнинг кимёвий ўзгариб бораётгани сабаб бўлдими, чилла саратонини Урта Осиё иқлими дўзахга айлантириб юборди. Тағин ҳам инсон кўникиб кетаркан, агарда илгари ўтиб кетганлардан биронта кишини тирилтириб, ҳозирги ҳаводан нафас олдирсангиз борми, бечора бобо сувдан қуруққа чиқиб қолган танга балиқдек оғзини каппа-каппа очиб, яна қайтадан жон берса керак! Бундай иссиқда агар сув тоза бўлса чўмилганга не етсин!

— Сиз, жаноб, бизни Ташкент денгизига олиб бораёписизми ёки бошқа томонга? — сўради чап томонига ўгирилиб Нигора.

— Буюргангиз, ўша томонга.

— Бошқа кўчалар, бошқа йўллар-ку! Илгари келганимда бошқачароқ эди? Биз ҳозир қаёққа кетаямиз?

— Ҳукумат аъзосининг қизини чалғитиш менга нега керак! Биз ҳозир Тошкентнинг жануб томонига кетаямиз. Сизлар Тошкентни яхши биласизларми?

— Биламиз! — деди кескин Нигора. Тўртинчи курс студентларига бу гап ёқмади, улар ўзича «беш минута кам олий маълумотликлар» эди. Уларга нисбатан: «Сизлар Тошкентни биласизларми», демоқ оғир туюлди.

— Биз Тошкентнинг ҳамма кўчаларини биламиз! — деди орқада ўтирган Сунбула жирллаб. — Ташкент центр, у («а» билан аташга одатланган) тарихий шаҳар, бу ерда тош кўп бўлган. Шаҳар илгари тошдан қурилган. Шу сабабли «Таш-кент» дейилган.

— Уз шаҳримизни билмасак, одам бўлмай қолибмиз-да! — деди Интизор, — Ташкент тарихини ўқиганмиз. Самарқанд, Бухорони ҳам... Тўғри, Ташкентда тош кўп бўлган...

— Рулда кетаётганда гаплашиш мумкин эмас: бизга ман этилган. Лекин, жуда тўғри келиб қолди, ана, орқада «Тошкент тарихи» деган китоб турибди. Биз, шофёрлар, кўп кутамиз, шундай чоғларда китоб ўқиймиз. Олинг ўша китобни, 96-бетини очинг, Тошкент тарихи ҳақида тўғри гап бор, — деди шофёр Интизорга қайрилиб қараб.

Сунбула газета-журналларни бостириб қўйган китобни олиб, қизларга кўрсатди.

— «Тошкентнинг номи икки минг йиллик ўтмиши мобайнида бир неча бор ўзгарган.

Бизгача етиб келган ёзма манбаларга қараганда, Тошкентнинг энг қадимги номи «Чоч», араб алифбосида «ч» ҳарфи йўқлиги боисидан арабий асарларда «Шош» деб юритилган. Урта асрларда Чоч, Чочкат, Шош, Шошкат, Шошканг, Мадинат-аш-Шош деб номланган...»

— Қадимги буюк Кушан давлатининг шарқида Шош ва Мароканд бўлган. Кушан давлатининг тараққий этган даври мелодий, ҳижрий даврларидан анча узоқ... — деди шофёр йигитнинг яна гапдонлиги тутиб.

Нигора ҳам, Сунбула ҳам лол қолишди. Бир лаҳзадан кейин Нигора шофёр йигитга қараб қўйди-да, индамади. У «Инглиз лорду ледиларидек ўздан паст кишилар юзига тикилмасди», чунки паст табақа кишилар лордларга боқиши керак. (Ҳиндистонда улар шундай қилиқлари билан эл ичида обрўлари тушиб кетган эди). Нигора бу гапни қаёқдандир эшитиб, юқори мартабали кишиларга, ота-онасига, профессорлари юзларига боқардию, — аммо ўзгаларга нигоҳ ташламасди, уларнинг Нигорага боқишларини, ҳатто олдинроқ салом беришларини истарди. Шофёр йигит ҳам шунинг учун унинг энсасини қотирганди.

— Ҳали узоқми? Қанча қолди?

— Етдик. Икки чақиримча қолди.

— Эҳтиёт бўлишларингиз илтимос қиламан! Сув ёмон! Омон эсон ота-оналарингиз қўлига топширсам дейман. Умуман, идора машинасида бундақа узоқ юриш тўғри эмас. Менга барибир, аммо адангизга гап тегиб қолиши мумкин...

— Бундақа гапларни қўйинг! — зарда қилди Нигора, — адамларнинг номларини кўп тилингизга олманг! Умуман катталар номини тилга олабериш яхши эмас! Тошкент тарихини эмас, сиёсатни ҳам билиб қўйсангиз, ёмон бўлмасди! Умуман, бундай ёқимсиз гаплар билан бизнинг настроениемизни туширганингиз яхши эмас!

— Кечирасиз. Кайфиятингизни туширадиган бирон гап айтганим йўқ. Агар сизга шундоқ туйилган бўлса кечирим сўрайман. Мен фақат, сувга эҳтиёт бўлинглар, оқар сувдан ҳам кўл суви хавфли, дедим. Узоққа борманглар! Яқинда Сирдарёда бир министр чўкиб кетди...

— Ҳамма гапни шофёрлар билади! — деди кескин Нигора, — шофёрлар вайсақи хотинлардан ҳам баттар!

— Тўғри айтасиз. Лекин мен сизнинг бу гапларингизга хафа бўлмайман. Тарихда ҳам ҳеч ким аравакашдан хурсанд бўлган эмас. Кушан давлатидан бошқа юртга сир етказасан деб, аравакашни, карвонни ўлдиришган, барибир тиллога жез қўшасан деб заргарни осиган...

— Ўша Кушан давлатида қизлар бўлганми?

— Маъжусий қизлар бўлган; сизга ўхшаб дини йўқ, тили мошхўрда бўлган...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а! Маъжусий нима?

— Исломгача, ўтга, сувга сиғинадиганлар...

— Вай, яхши экан. Мана бизлар ҳам сувга сиғингани келдик. Маъжусиймиз, — Нигора эркаланди. Унинг қилиқлари шофёр йигитга ёқарди...



Қизлар машинадан тушиб, кўл томон югуришди. Уларнинг портфелларида чўмиладиган либослари бор эди, хужрачаларга киришиб, кийимларини ўзгартириша кетишди. Бир лаҳзадан сўнг деярли яланғоч қизлар сувга тушишдан аввал тўпланишиб, ниманидир шивирлашди. Атрофдаги яланғоч кишиларга тикилишди. Кўл қирғоғида яланғоч ётган аёллар, болалар, кишилар кўп эди. Тошкентнинг ишчи районларидан ҳам одамлар кўп чиқишган экан. Машинанинг тўрт эшигини ланг очиб, қизларни пойлаб ўтирган шофёр йигит кўлига газета олиб, ўқишга тутинди. Негадир улар йигирма кадамча нарида ниманидир гаплашиб, тез-тез машина томон қараб қўйишаётгани шофёрнинг диққатини тортди. Бир лаҳзадан сўнг чўмилиш либосида, кўксини сийнабанд билан боғлаган, деярлик яланғоч Нигора шофёр йигит ёнига келди:

— Ака! Мана бу тилла соатларимиз, бриллант зиракларимиз сизда турсин.

— Хўп бўлади, — шофёр чўнтагидан рўмолчасини олиб, қизларнинг олтин тақинчоқларини ўраб, ёнига солди.

— Эҳтиёт бўлинг, ўғрилар кўп...

— Сиз ўзингиз эҳтиёт бўлинг, сув ёмон! Бу қимматбаҳо нарсаларни ўғрининг ўзгинасига бериб қўйдингиз...

Нигора илжайди:

— Сиз ўғирласангиз майли... — у охулардек ўйноқлаб, чиройли елкаларини уёқ-буёққа ташлаб кўл соҳили томон чопиб кетди.

Шофёр йигит унга астойдил тикилди, баданлари жимирлашиб кетди... «Бу ўзи нима! Мўъжиза-ку!» Бепарво Нигора бўлса, кулиб, қийқириб, дугоналари ёнига кетди. «Дарҳақиқат, бу маъжусий инсоннинг ўзгинаси», деди ичида шофёр йигит.

Шофёр қўлидаги газетани қўйиб, хаёлга толди: бундақа гўзал қадду қоматни биринчи кўриши. Хўрсинди. Ё тавба, деди юрагидан. Кўйлақлар ичида инсон гўзаллиги яширинар экан, қадду қомат билинмас экан, белларнинг ингицкалигию оппоқ сонининг семизлиги, кўк-ракларнинг бўртиб чиққани, бўйнию дудоқлари... Бир ҳисобда «замонавий» — «маъжусий» қизларнинг бундоқ тортинмагани ҳам маъқул. Лекин бир ўзбек қизига ҳадеб ҳирс билан тикилавериши ҳам ўзига эп кўрмади. «Яхши эмас! Инсоф қани! Яна газетасини қўлга олиб ўқишга тутинди. Бир лаҳзадан сўнг хаёли яна Нигора томон учди, унинг диққатини батамом қамраб олиб, жунбушга келган йигит нотинчлана бошлади. Узини кўярга жой тополмай, машина ичидан чиқди-да, кўл четида ғўдайиб туриб, чўмилишаётган, қийқиришаётган, бир-бирига сув селишаётган қизларни томоша қилди. Ёрғоқда одамлар кўп бўлгани ҳолда шофёр йигитнинг пайдо бўлиб, яқин келганига кўзи тушган Нигора уялиб, қоматини сувга яширди. Йигит бунда балиқдек типирчилаб чўмилаётганлар орасидан Нигорани топиб, унга тикилди. Бу ҳолатни сезган Нигора яна бир муддат тўхтаб, кўксини сувдан чиқармай, қўллари билан беркитиб, кўл ёқасига келган шофёрга: «Нима? Нима гап?», дегандай имо қилди. Шофёр қўлини қимирлатиб: «Ҳеч гап, ўзим шундай томоша қилгани келдим...», ишорасини қилди. Шундан сўнг у қирғоқда орқаларини тўппайтириб, сакмоя, моржларга ўхшаб ётган оқ, сарғиш хотинларга қаради. Суқ билан тикилди. Бу ҳолни кўрган Нигоранинг энсаси қотди, у қизлар ичра нима қилишини билмай, хомуш турган эди, шофёр йигит яна орқасига қайтиб бориб, газета ўқишга тутинди. Уч соатлардан кейин қизлар дилдираб, оқариб сувдан чиқишди; тахта хужрачаларга кириб, кийинишди. Улгудай қорнилари очиб, тезроқ бу ердан кетишни исташарди. Шу ерда яланғоч бир семиз хотиннинг бир қўлида нон, бир қўлида пиёз, лунжини тўлдириб овқат еяётганини кўриб, оғизларининг суви келди.

— Қани девзирадан бир лаган ош бўлса... Нима қилардиларинг, қизлар? — деди дилдираб Сунбула.

— Ош эмас, бир бурда нон бўлганда ҳам... Уйна десанг ўйнаб берардим... — деди хахолаб Нигора.

— Ҳаммамиз ҳам ўйнардик, — деди Интизор. — Газетага ўраб бир нима олиб келмаган

эканмиз-а. Мен эрта билан чой ичмаган эдим. Жуда нодонмиз-да!

— Уларнинг! — деди тишларини тикирлатиб, титраб Нигора, — ҳаммамиз ҳам итдай очмиз. Ана ундан нон сўрайликми? Термос олиб юрарди. Эҳтиёткор шофёр. Ёки пасткашлик бўлармикан? Сўрайбераман! — Ҳей, хелло! Ака! Сизда бир бурда нон йўқми? Термос олиб юришингиздан нон ҳам бўлса керак, деб ўйладик.

— Машинага ўтиринглар! — у буйруқнамо гапирди. Дарҳақиқат, термоси бор эди, тезда пиёлага иссиқ чой қўйиб, Нигорага узатди, ундан сўнг бошқаларга ҳам. Газетага ўроғлиқ бир кулча нонни ушатиб қизларга улашди. Қизлар учун бу кулча бир лаган девзира паловдан ҳам аъло бўлиб кетди. Нонни еб, яна бир пиёладан чой ичиб олганларича, шофёр беш-ўн қадам нари бориб, сигарета чекди. Дилдираган қизлар танига ҳарорат югурди.

— Энди кетсак бўладими? — сўради шофёр.

— Бўлади, — деди Нигора.

— Сизга раҳмат! — деди Сунбула.

Машина эшиклари қарсса-қурсса ёпилиб, йўлга тушишди. Орадан ўн минутча ўтгач, шофёр машинани чиройли бир боғча ёнида тўхтатди.

— Қани тушинглар!

— Нега тушамиз? — Нигора ажабланди.

— Мана шу ерда ош ҳам бор, кабоб ҳам...

(Боя уларнинг ош ҳақидаги гапларини эшитган эди). — Озгина овқатланиб олмасанглар бўлмайди.

— Йўқ, биз уйга етиб оламиз.

— Уйда ош дамлаб, кутиб ўтиришибдими — Тушинглар! Бу ерда менинг ошман бор, кабобни ҳам, ошни ҳам бошлайдим.

— Тушақолайлик, — деди Сунбула.

— Бир бурда нон билан ҳам бўладими! Сизларни билмайману, менинг қорним ўлгудай оч, — деди Интизор.

— Бўпти, — деди Нигора, — тушдик!

Шофёр йигит аллақачон ошпаз ёнига бориб, тўрт тарелкада ош, устига икки сихдан кабоб буюрди. Яна нималар деб ошпазга шивирлади, қизларни кўрсатди. Ошпаз унинг таниши эканлиги муомаласидан сезилиб турарди. Қизлар столга ўтириши билан беш минут ўтар-ўтмай бир йигитча косаларда ош, кабоб ва ундан сўнг икки чойнак чой, нон, аччиқ-чучук олиб келиб қўйди. Шофёрнинг ўзи ошпаз ош-наси ёнида ўтирди. Қизлар хурсанд, хаш-паш дегунча ошни ҳам, кабобни ҳам туширишди. Чой ичиб, ўринларидан тураётиб, пулни кимга тўлаймиз, деб олазарак бўлишаётган эди, шофёр уларга: «Пули тўланган, безовта бўлманглар...», деди.

— Бизни уялтирманг, ака, ўзимиз тўлаимиз, — деди Нигора.

— Тўлаб қўйдим. Безовта бўлманг, Нигорaxon! Меҳмонсизлар.

— Бу нима қилганингиз, ҳам хизмат, ҳам овқатимизгача олиб берсангиз?

— Нима бўпти! Хизмат қилсак қилибмиз-да!

— Айтмоқчимизки, сиз ҳам зарплатага яшайсиз...

— Маош денг.

— Ҳа, маош.

— Маош етарлик. Яширмайман, тўғри келиб қолса дадангизнинг машиналарида чапга ҳам юраман...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а! — қизлар кулишиб юборишди. Минбардан гапириладиган гаплар эмас, мана бундақа сўзлар уларга ёқарди.

— Дадангизларга айтиб қўйманг бу гапни, ишдан қувилман-а!

— Йўқ, ҳеч айтмайман! Шашликлар билан меҳмон қиласизу сизни сотмаймиз!

— Кабоб денг.

— Ҳа, кабоб...

— «Немисча ҳисоб-китоб» бизларга тўғри келмайди. Умуман бизнинг табиатимизга тўғри келмайди. Ҳозир ўрни бўлмаса ҳам гап очилиб кетгани сабабли айтаётиман, бу феълимиз жуда узокдан келади. Амир Темур замонидан ҳам илгари, Луқмони Ҳаким замонидан ҳам илгари бизлар шунақа эканмиз. Бутун дунёни боқаман деган Хотам Той ҳам биз ўзбеклардан чиққан. Бу гапларни мен ичимдан чиқараётга-

ним йўқ, бир мўътабар домла айтганлар...

Шофёр йигит тўрт қизнинг ҳам диққатини тортди. Лекин бу тўрт қиз юрагида шофёрга тегишни эмас, кам деганда доцент, катта хонадон фарзанди, келажакда катта одам бўладиган йигитни орзу қилишарди. «Лекин ўзбекининг яхши йигитларига, айниқса районларда яшовчи йигитларга лўмбиллаган оппоқ қизлар осонгина тегиб олаяптилар», деган эди бир куни Нигора. «Улар на катта сеп — горнитура, на дабдабали тўй сўрайдилар. Ресторанда йигирма кишилик зиёфат билан тегиб кетаберадилар...» Бу гапни айтган Нигора хаёлига донгдор бир хонадон келди; улар Нигорага оғиз солган эди, икки катта мансабдор қуда бўлишни истаган эди. Аммо адаси ўртоғининг тўрсайган ўғли Нигорага ёқмаган. Нигора совуқ кишиларни ёқтирмас, «столба» деярди. Мана шу «симёғоч» ҳозир келишган бир кўккўз қизга уялиб олди.

Орадан хафта ўтди. Жума куни эрта билан адасини хизматга олиб кетиш учун келиб, кўчада турган шофёрга Нигора соат бешга келишни тайинлади. У адасига «профессоримиз анчадан буён касал ётибдилар», дугоналари билан стационарга бориб кўриб келишини айтди. У кўп вақт отасининг розилигини олмай машинада кетаберарди, ҳатто гараждан ҳам машина чақираберарди. Бундай «мелоч»ларни айтиб, отасининг «республика миқёсидаги хаёлларини бузиб, диққатини тортмасликни» шофёрга ҳам, бошқаларга ҳам айтиб қўйган. Ҳозир ҳам шундай қилмоқчи эди, аммо бу гал шофёр ёнида атайи ўзини кўрсатиб, отасини огоҳлантирди: «Папечка, стационарга борамиз, рухсатми?..» «Майли қизим, эҳтиёт бўлинглар», деди ота.

Роппа-роса соат бешда шофёр йигит ўз машинасида институт биноси ёнида, Нигорани дугоналари билан келишини кутиб турди. Беш ячимларда кайфи чоғ, ўйноқлаб келган Нигора кечиккани учун шофёрдан узор сўради. Кейин дугоналари бормаслиги, ёлғиз ўзи стационарга боришлигини қўшиб қўйди.

— Қани, кетдик!

Камгап шофёр дарҳол машинани гуруллаб, қадимий Шўртела томон учиб кетди. Бозор олтидан ўтишда Нигора машинани тўхтатишни сўради.

— Кекса профессоримизга, олма, анор, узум олиб чиқсаммикан? Бозорда қоғоз пакет топилади-а?

— Мен ўзим олиб чиқаман. Сиз машинада ўтириб туринг...

— Э, раҳмат сизга! Мана буни олинг! — Нигора шофёрга ўн сўмлик пул узатди. У иш буюрганида ўзбек сўзларини бўтқа қилмай, атайи шу сержаҳл шофёр учун тоза ўзбек тилида гапиришга интиларди.

— Менда пул бор, безовта бўлманг...

— Йўқ, буни олинг! — Нигора кескин гапирди.

— Хўп бўлади, — шофёр пулни олиб, бозорга кириб кетди. Бир лаҳзадан сўнг каттагина қоғоз пакетда Нигора айтганидан аъло қилиб, олма, анор, узум ва тўртта чиройлик кулча нон ҳам олиб чиқди.

Нигора ташаккур айтди. Яна машина гуруллаб юриб кетди.

Стационар дарбозасига етишгач, Нигора панжаралардан касалхона боғига қаради, унинг учун ноқулай бўлса-да, пакетдаги олма-анорини кўтариб кетаётган эди, шофёр йигит кабинадан югуриб чиқди.

— Мен олиб бориб берай.

— Йўқ, йўқ!

— Жуда бўлмаса бино олдиғача.

— Йўқ! Сиз машина ичида кутиб туринг!

Мен ўзим.

— Ихтиёрингиз.

Нигора каттагина пакетни қучоқлаб, касалхона боғига кириб кетди. «Сиз машина ичида ўтириб туринг», сўзи ғалати туюлди. Шофёр итоат тарзида дарҳол кабинага кириб, эшикларни қарсиллатиб ёпди. Лекин Нигора эллик қадамча юргач, йигит машинадан чиқиб, орқа-орқа панжара ёнига келди. Кузатди. Шу лаҳза «мункиллаган, мўйсафид профессор...» эмас, йигирма беш ёшлардаги қирчиллаган, қадду қомати келишган йигит скамейкада ўтирган еридан туриб, Нигорани кутиб олди. Узоқ-





\* \* \*

Хуснинг сенинг минг гўзалдан ғолибдир,  
Бир боқишинг бор ҳушимни олибдир,  
Юрагимга ишқ чўғини солибдир,  
Бу ҳусни қайдан олдинг, қизгина!

Қора сочинг тўлқин бўлиб эшилиб,  
Тўлғонганда белинг билан қўшилиб,  
Мен турибман кўзимдан йўл тешилиб,  
Бу сочларни қайдан олдинг, қизгина!

Кўзларингни кўриб бошим айланар,  
Ҳаво етмай нафас йўлим бойланар,  
Чопмоқ бўлиб кўнглим сенга шайланар,  
Бу кўзларни қайдан олдинг, қизгина!

Камон қошга жоним қурбон этайин,  
Телба бошим олиб қаён кетайин,  
Рози бўлсанг муродимга етайин,  
Бу қошларни қайдан олдинг, қизгина!

Хуснинг сенинг минг гўзалдан ғолибдир,  
Бир боқишинг бор ҳушимни олибдир,  
Юрагимга ишқ чўғини солибдир,  
Бу ҳусни қайдан олдинг, қизгина!



\* \* \*

Тупроқ дея ушлаганинг кулмиди,  
Тикан дея ташлаганинг гулмиди,  
Вуюргани ё қалбингнинг шулмиди,  
Ҳеч келманг деб мендан кечиб юрасан.

Ҳақдан келган талаб шундай бўлдими,  
Эккан гулинг кўкармай ё сўлдими,  
Юрагингга алам сели тўлдими,  
Сездирмасдан ғамлар ичиб юрасан.

Ер кетди деб кўз ёшингни ичмагин,  
Бахтсизман деб ўз жонингдан кечмагин,  
Ўз ғамим деб этагингни қучмагин,  
Бир кун келиб бахтинг қучиб юрасан.

Ёрни севиб, ёрсиз қолган сен эмас,  
Гулни экиб, гулсиз қолган сен эмас,  
Бахтни қучиб, бахтсиз қолган сен эмас,  
Толе кулса, қушдай учиб юрасан.

\* \* \*

Қулоқ тутсанг, эшитилса бир садо,  
Сени излаб борган бўлса бир гадо,  
Сен қайдасанг, жонин қилса ул фидо,  
Сени излаб борган гадо мен бўлай.

Гул очилиб қалбинг мисол ол бўлса,  
Гулнинг бири ол юзингга хол бўлса,  
Шарбат томиб лаъл-лабингга бол бўлса,  
Гул баргида ёнган садо мен бўлай.

Ёмғир ёғиб сочинг аро йўл солса,  
Ишқим айтиб юрагингга қўл солса,  
Йилларингга орзулардан мўл солса,  
Ёмғир бўлиб ёнган даво мен бўлай.

Даво бўлиб, эшитилса бир садо,  
Шул садога ўзин урса бир гадо,  
Сен қайдасанг, жонин қилса ул фидо,  
Сени излаб борган гадо мен бўлай.



«Тановар» ансамблининг хонандаси Эъзозхон Содиқова,  
раққосалар «Тановар»ни шунақа берилиб ижро этадиларки...

Р. Нуритдинов ва Ф. Қурбонбоев суратлари (ЎзТАГ)

роқда ўтирган хаста кексаларга ҳам парво қилмай, тортинмай ўша йигит Нигоранинг юзидан ўпди. Улар скамейкага чўкиб, пакетни ёнларига қўйишди. Нигора бир оз безовталашиб, панжара орқасидан шофёр кўрмаётганмикин деб хаёл қилди. Ҳа, шофёр йигит бемалол ўша «нуроний профессор»ни кўриб турарди. Ёлғон гапирмасга нима қиларкин, ахир унинг Нигорага бир нима дейишига ҳадди сиғмайдику!

Бу, ўша Ҳабиб... Уни шофёр-йигит танийди, бир неча бор у билан бирга кўрган... Уни «кекса, нуроний профессор...» деб алдаганидан ҳам хафа бўлгани йўқ, чунки бу муҳаббат... Иккиламчи, бошқа оила сирини билишга уриши одобдан эмас, тўғриси, бу номардликдир!

«Энг пасткаш инсон ўзга оиланинг ички сирини билишга қизиқади ва гап тарқатади», деди ўзига-ўзи шофёр йигит.

Стационар боғида Нигора билан Ҳабиб бир соатдан мўлроқ гаплашиб ўтиришди. Хайрлашиш узок бўлди, Ҳабиб яна Нигоранинг юзидан ўпди... Шофёр юзини ўгириб, аллақачон машинаси кабинасига кириб олган эди. Негадир унинг ичи ёнарди...

— Ака, мана, мен келдим, — деди Нигора машина ёнида тўхтаб шофёр йигитга мурожаат этди, — профессоримиз анча тузуқлар. Чол жуда хурсанд бўлди. Адамлардан салом айтдим... Қадимги Кушан давлатида ҳам ёшлар кексаларни ҳурмат қилганми? Сиз, тарихни яхши биласиз?

— Ҳа, — деди шофёр йигит, — ҳижрийдан ҳам, мелоддан илгари ҳам Кушан давлати вақтида гўзал қизлар ўз «профессорлари»ни жуда ҳурмат қилганлар. Бу такрорланиш кейинги минг йилликларда ҳам бўлади...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а! Кўриб турган экансиз, ака! У — курсдошим... Сиз мени «Кушан давридаги маъжусий қиз» деб атадингиз, ҳозир ҳам шу фикрдамисиз?

— Албатта. Сиз дарҳақиқат малаксиз. Рашк қилишга ҳақим йўқ, мен бир бечора шофёр кишиман...

Нигора чехрасидаги табассум сўниб, ўйлаиб қолди.





**А**дабиётимиз тарихида битта ҳам йирик асар яратилмаган даврлар бўлган. Лекин лирик шеърят, лирик шoirлар доим бўлган. Бундай шoirлар ўз шеърлари билан бадий ижод оловини ўчирмай, унинг чўғини ўзларидан кейинги авлодларга мерос қолдириб келганлар. Зеро, шеърят ҳамisha замон ва инсон хизматида бўлган. Бадий адабиётнинг бу ишчан тури яхшиликни алқашга, ёмонликни қоралашга ҳаракат қилган, одамларга машаққатли кунларда рухий мадад бериб, уларни қийинчиликларни курашиб енгишга, яшашга илҳомлантирган, олға ундаган. Ҳаёт ҳодисалари, уларга муносабат аввало лирикада гоҳ юксак, шoirона, гоҳ тажриба шаклида ўз бадий ифодасини топган.

XV асрдаги адабий ҳаётнинг муҳим фазилати шундаки, бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда эпик, яъни воқеий шеърят ҳам, лирик шеърят ҳам барабар ривожланган бўлиб, бу жанрлар тараққиётига

*Истеъдодим фарзанди, қаламим сеҳридан  
Фардлар, газаллар, қитъалар, маснавий ва  
қасидалар юзага келди.  
Мен туфайли (шеърнинг) рубоий тури низом  
топиб,  
Муаммо санъатига мен шуҳрат бағишладим.*

Жомий доим масъулият ҳисси билан қалам тебратди. Бу фикрнинг исботи учун шoirнинг қуйидаги газалини кўздан кечириш кифоя:

*Ман он наям, ки забонро ба ҳарза олоям,  
Ба мадҳу замми хасон нўғи хома фарсоям.  
Ҳадиси сифла хазаф, иқди гавҳар аст сухан,  
Зиҳи сафаҳ, ки ман инро ба он биёраям.  
... Зи шаъри шеър, к-аз ин пеш ёфтам, имрўз —  
Чуз оби дидаву хуни чигар наполоям.  
Фазои мулки сухан гарчи Қоф то Қоф аст,  
Зи фикри қофия ҳар лаҳза танг меоям.  
...Кашам зи табъи сухансанҷ ранҷ, руҳсат деҳ,  
Ки сар ба жайби хамуши кашам, биёсоям,  
Ҷавоб дод, ки Ҷомий ту ганҷи асрори,  
Раво мадор, к-аз ин ганҷ қуфл нақшоям.<sup>2</sup>*

мий лирикаси маълум даражада анъанавий хусусиятларга эга. Лекин у бу мавзу орқали инсон юрагини янгидан кашф этишга, уни ўз қалб ҳарорати билан илтишга ҳаракат қилган ва бунга эришган. Бу мавзуга Жомий ниҳоятда катта самимият билан муносабатда бўлгани туфайли унинг бу хил шеърларини аввало замондошлари, қолаверса, кейинги асрлардаги мухлислари ҳам яхши қабул қилдилар. Жомийнинг ўзи ҳам бу мавзудаги шеърларининг кўп вақт муваффақиятли чиққани, севиб ўқилгани билан фахрланиб, бир газалида қуйидаги байтни ёзган эди:

*Ҷоми аз он лаб сухан огоз кард,  
Шуд лақабаш тўғийи ширинмақол*

## МАФТУНҶОР ҒАЗАЛЛАР

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,  
филология фанлари доктори, профессор

Абдураҳмон Жомий ўзининг алоҳида улушини қўшди. Аммо лирика унинг ижодий фаолиятида алоҳида ўрин тутган, десак хато қилмаймиз. Чунки улуғ шoir лирика билан ўз ижодининг илк давридан бошлаб, ҳатто кексайганда ҳам фаол шуғулланди ва ўз авлодларига бу соҳада мислсиз бой мерос қолдирди. Жомий, мутахассислар ҳисобига кўра, 1805 газал, 274 рубоий, 137 қитъа, 53 қасида ва яна бошқа шеърый асарлар (жамъи — 2340) ёзган бўлиб, улар уч девон («Фотиҳатуш-шабоб», «Воситатул-иқд», «Хотиматул-ҳаёт»)га жамланган.

Шoirнинг бундай улкан лирик мероси ҳақида бир мақола доирасида айрим мулоҳазаларнигина айтиш мумкин. Бу соҳада бизнинг мамлакатимизда, чет элларда, хусусан Эронда юзлаб мақола ва китоблар ёзилган. Лекин мен филология фанлари доктори Аълохон Афсаҳзодинг 1988 йил Москвада нашр этилган «Лирика Джами» илмий тадқиқотини улуғ шoir лирик меросини ўрганишда совет шарқшунослигининг жиддий ютуғи деб ҳисоблайман. Бу китобида муаллиф Жомийнинг бой ва мураккаб лирик ижодининг кўп масалаларини матний-мазмуний ва шеърят нуқтаи назаридан тўғри ҳал қилиб берган.

Назаримда, Жомий лирикаси ҳақида гап борганда аввало жанр хусусиятларини кўзда тутиш, шoirнинг жанр қонуниятларини қанчалик тўғри тушунгани ва бунга амал қилганини аниқлашга алоҳида эътибор бериш даркор. Жомий қарашича, лирика, хусусан унинг газал, рубоий, қасида, қитъа каби турлари давр талабига тўла жавоб берган. Шунинг учун Жомий бу жанрларда ҳеч иккиланмай қалам тебратган. Масалан, Жомий: «Хунарлардан шеър фанидан энг яхшиси газалдир...» («Аз фунини шеъри фан бехтарин омад газал...») деб ёзар экан, бу билан газалнинг шу даврда кишилар қалбига энг яқин шеър тури эканини тўғри кўрсатган. У бир қасидасида шундай дейди:

*Мунташир аз насри ман ҳазор саҳифа,  
Мунтазам аз назми ман ҳазор жариди.  
Зодаи табъи ман асту саҳраи килкам  
Фарду газал, қитъа, маснавию қасида.  
Силки рубоий зи ман низом гирифта,  
Фанни муаммо зи ман ба ном расида<sup>1</sup>,*

Мазмуни:

*Менинг насрларим минг лаб саҳифаларда ёйилди.  
Назмларим минг лаб тўпламларда тарғибга  
келтирилди.*

Мазмуни:

*Мен тилимни ҳар қандай беҳуда нарсаларга  
теккизиб бўлгандиганлардан эмасман,  
Ярама одамларни мақтаб, қаламим учини  
уринтирдиганлардан эмасман.  
Пасткашлар ҳақидаги гаплар сопол синигидир,  
сўз эса гавҳар шодасидир.  
Унисини буниси билан аралаштириб юборсам,  
бу нодонлик бўлур эди.  
...Шеъримдаги олдин пайдо бўлган тукларни  
бузун  
Кўзёшларим ва жигар қонларим билан  
тозалаялман.  
Сўз мамлакатининг фазоси Қоф тоғидан Қоф  
тоғигача кенг бўлса ҳам,  
Лекин қофия ҳақида ўйлаганимда доим танг  
аҳволда қоламан.  
... Сўзга санъаткорлик табиатимдан ранж  
чекканим чеккан, руҳсат бер,  
Бошимни хомушлик кўйига яшириб, ором олай.  
Бу гапимга жавоб келди: — Эй Жомий, сен  
сирлилик хазинасан-ку!  
Бу хазинанинг қулфини очолмасликни сен бизга  
раво кўрма.*

Бу газалнинг ҳар байтида бир олам маъно бор. Уни Жомийнинг ижодхонасига кириш учун калит деб қараш ҳам мумкин. Шoir, демак, ниҳоятда гапга чечан, буюк сўз санъаткори бўлса ҳам, лекин ҳар бир сўзни ўйлаб ишлатган, ҳар бир газалини, ҳар бир шеърини ўз фарзандларидек («зодаи табъам») кўриб, унинг ҳар томонлама мукамал бўлишини, муаллифга ҳурматсизлик келтирмаслигини ўйлаган. Бу ўринда унинг дунёда сўз кўп бўлса ҳам, лекин керакли сўз, яхши қофия бўладиган сўзни топиш қийин! — деган фикрини ҳам шу маънода тушуниш керак, деб ҳисоблайман.

Жомий шеърятининг биринчи қиммати, албатта, унинг мазмунида. Жомий лирикасидаги, хусусан, газалиёт оламидаги бош ғоя муҳаббат, инсонни севишга, ардоқлашга чақириш, ҳаётнинг мазмунини севгида, садоқатда деб билиш.

*Дини мо ишқ аст, эй зоҳид, мағу беҳуда панд,  
Мо ба тарки дини худ гуфтан нахоҳем юз  
газоф, —*

деб ёзади улуғ шoir ўз газалларининг бирида (Абдураҳмони Ҷомий. Осор, чилди дуюм, с. 55). Мазмуни: Бизнинг динимиз ишқдан иборат; эй зоҳид, беҳудага насиҳат қилаверма; биз ўз динимизни асоссиз равишда тарк этиш ҳақида гапиришни ҳам истамаймиз. Шу мавзу, шу ғоялар туфайли Жомий лирикаси ҳар томонлама инсонийлик касб этган. Бу мавзу ва ғоялар бошқа шoirлар томонидан ҳам куйланган. Шунинг учун Жо-

Мазмуни:

*Жомий у гўзалнинг лабидан сўз очиши билан  
Унинг лақаби «тўғийи ширинмақол» бўлиб  
қолди.*

Шарқ адабиётшунослигида чиндан ҳам Жомий шеърый услубининг «ширин»лиги тан олинган ҳодиса. Буни ўз даври адабиётшунослари болалигида Жомийнинг машҳур мутасаввуф Муҳаммад Порсо қўлидан новот олиб еганида, деб изоҳлашлари ҳам бежиз эмас.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хабар беришича, кунларнинг бирида ўз даврининг таниқли шoirларидан бири бўлган Шайхим Суҳайлий ўзининг:

*«Шабӣ ғам гирд-боди оҳам аз жо бурд гардунро,  
Фуру бурд аждаҳойи сайли ашкам рубъи  
маскунро»*

Мазмуни:

*Ғамли кечаларда оҳимнинг қуюни осмонни ўр-  
нидан қўзғотиб юборди,  
Кўз ёшим селининг аждаҳоси эса ер юзини ютиб  
юборди, —*

деган байтини баланд овоз билан ўқиганда Жомий унга: «Мирзо, шеър айтасизми ё одам кўрқитасизми?» дегани характерлидир. Яъни, Жомийнинг фикрича, лирик шеър одамни беҳузур қиладиган услубда ёзилмаслиги ва ўқилмаслиги керак. Жомийнинг бу гапи бизнинг баъзи замонавий шoirларимизга, классик шеъримизни бузиб, бақириб ўқийдиган шеърхонларга ҳам тааллуқли, дейиш мумкин. Лирик шеърга хос хусусият унинг дилбарлиги, ёқимлигида. Ҳар қандай маъно бадийлик либосининг ташида эмас, ичида бўлиши керак.

Албатта, Жомийнинг ҳам ишқ ва муҳаббатни куйлашида учрайдиган иккинчи маъно-мазмун, ишораларни ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. Масалан, Жомий бир газалининг матлаида қуйидагиларни ёзади:

*Ба азми Каъба сафар гўфтам ихтиёр кунам,  
Бад ин баҳона гўзар бар диёри ёр кунам.<sup>3</sup>*

Мазмуни:

*Дедимки, Каъбани зиёрат қилиш учун бир са-  
фарга чиқсам,  
Шу баҳона билан севгили ёримнинг диёрини  
ҳам кўрсам.*

Бунда Жомий оддий инсоний муҳаббат ҳақида ёзаётган бўлиши ҳам мумкин. Шу





## ЭСКИ ЕЗУВНИНГ ЯНГИЧА УМРИ

Маълумки, эски ўзбек (араб) ёзуви асосида аجدодларимиз асрлар мобайнида илму ижод этиб келганлар. Бу ёзув меъморий обидаларимизга, кулолчиликдан тортиб санъатнинг барча соҳаларига ҳам кўчган. Афсуски, бизнинг давримизга келиб, мазкур ёзувдаги имлонинг бир неча ма-

ротаба аввал лотин, кейин рус имлосига ўзгартирилгани сабабли эндиликда ўлкамизнинг минг йилликлар тарихидан беҳабар қолдик.

Маданиятимизнинг жавоҳири — мана шу нодир ёзувимиз яна ўз жамолини кўрсата бошлади. Хусусан, бу ёзувда билим олиш учун жойларда курслар очилиб, у ўз самарасини кўрсатаёттир. Бундан ташқари сўнгги йилларда бир қанча эски ўзбек ёзуви дарсликлари — қўлланмалари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилгани ҳам қувончли ҳодиса бўлди.

1989 йил «Ўқитувчи» нашриётида эллик минг нусхада чоп этилган, истеъдодли олим ва хатот Раҳимбой Жуманиёзовнинг жами 386 саҳифадан иборат «Ўзбек ёзуви» китоби билан танишиб чиқдим.

Бу китоб аввал нашр этилган қўлланмалардан тубдан фарқ қилади. Унда дарсликлар алоҳида боб ва қисмларга бўлинган. Сабоқ машқлар асосида олиб борилади. Хатотлик санъатига, яъни ҳуснихатга ҳам эътибор берилган. Чунки, ҳуснихатсиз араб ёзувини мутолаа қилиш мушкулдир. Муаллиф ҳам ўз қўлланмасида бутун диққатни ана шу нозик жараёнга қаратади.

Бундан ташқари эски ўзбек ёзувининг шикаста, насталиқ, девони жалий, риқоъ, райҳоний, таълиқ, сулс, насх, гуллиқ қуфий, қуфий қаторли каби турлари ҳам борки, дастлаб сабоқ чиқараёт-

ганлар мана шу нозик ва мураккаб жиҳатларни эътибордан қочирмасликлари зарурдир.

Қўлланмада ўқувчиларнинг сабоқ олишлари учун энг содда ва қулай йўллари танланган. Бу албатта таҳсинга сазовордир.

Китобда инсонни юксак фазилатларга ундовчи чуқур фалсафий шеър, қисса, ҳикоялар ҳам мисол тариқасида келтирилади: «Беодоб», «Нодонлик», «Иттифоқ», «Қаноат», «Юсуфбек, Аҳмадбек қисса»си, «Маликаи Дилнавоз», «Ҳурилиқо» «Китоб Ғариб ва Шоҳсанамдан» каби-лар шулар жумласидандир. Ибратли мисоллардан бири шуки, Ўзбекистон ССР Фанлар байтулҳикмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик олийгоҳи қўлёзмалари таҳламида — бебаҳо маънавиятимиз жавоҳирлари хазинасида сақланиб келинаётган меросимиздан суратлар кўчирилиб берилган. Албатта буларнинг ҳам ўз навбатида фойдаси тегади.

Энг муҳими мазкур дарслик ўқувчилар қўлдан қўймай мутолаа қиладиган китоб бўлибди. Қўлланманинг қадрини оширадиган яна бир жиҳати ҳижрий-қамарий ва ҳижрий-шамсий йил саналарининг эски ўзбекча ёзуви ҳозирги ёзув билан ёнма-ён берилганлигидир. Ҳижрий йиллар, йилларнинг туркум сираси, григорий тақвими мuddатлари ва ҳафтанинг муҳаррамга тўғри келадиган кун, арабча, қадимги туркийча, русча, уларнинг ҳо-

зирги замон йил маънолари, форсийларда қўлланиб келинаётган қуёш тақвими ойларига мослиги тартиботлари ва туркийча мучаллар ҳам тўлиқ ҳолда шу дарслик қўлланмасидан жой олганлиги китобнинг мукамаллигини оширган.

Хуллас, том маънода айтганда, мазкур «Ўзбек ёзуви» қўлланма дарслиги илмий сабоқ бериш жиҳатидан ҳам юксак кўтаринки бир руҳда амалга оширилгандирки, бу муҳтарам иштиёқмандларнинг барча талаб-истакларига тўла жавоб бера олади.

Ҳабибулла ЗАИНИДДИН



билан бирга шоир Каъбани кўришдан мақсад худони эслаш, демоқчи десак ҳам бўлади. Одатда, ҳар бир масжид худонинг уйи ҳисобланади. Жомий Каъбани ҳам худонинг уйи, ватани деб қараётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, бу хил ғазаллардан бир неча маънони уқиш хато эмас.

Жомийнинг лирик шеърятига хос муҳим хусусиятлардан бири ундаги эркин фикрлик, журъаткорлик, шоирона истеҳзо, ҳажвиётга мойилликдир. Шу билан бирга эркин-фикрлик шоирни жамият масалалари ҳақида жиддий ўйлашга, бу ҳақдаги ўз фикрларини лирик шеърларида ифодалашга, лирик шеърятнинг ижтимоий мазмундор бўлишига олиб келган. Айрим шеърларида Жомий, А. Афсаҳзод ёзганидек: «У дунёдаги мавжуд тартиб-қоидаларни ўзгартиришни, ошиқ ўз кўнглидаги истакларига осонлик билан эришадиган жамиятни орзу қилади. Жомийнинг илғор сиёсий, фалсафий ва эстетик қарашлари умуман унинг ғазалларидаги лирик қаҳрамон ва унинг романтик дostonларида қаҳрамонлари тилидан айрилган» (Абдурахмон Ҷомий. Осор, Ҷилди шашум, с. 93).

Жомийнинг лирик мероси ҳақида айрим ҳозирги замон Эрон олимлари айтган салбий фикрларга асло қўшилиб бўлмайди. Масалан, катта шоир ва олим Маликушшуаро Баҳор Жомий девонларидаги шеърлар юзасидан бир ўринда шундай деган: «Қисқача қилиб айтганда, Жомий ғазалиёти ҳажман жуда катта бўлишига қарамай, у бўйича ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти қиёфасини ҳам, унинг шахсий фалсафий ва сўфиёна қарашларини ҳам тиклаш қийин; чунки унинг шеърларини шеърлий тўқималар шунчалик эгаллаган ва турли таъсирларга берилган ҳамда хаёлларга кўмилганки, натижада ўз фикрларини, фикрлар тиниқлигини ва адабий журъаткорликни ифодалашга ўрин қолмаган».

Совет олими А. Афсаҳзод зикр этилган ўз китобида бу хил янглиш қарашларни тўғри танқид қилган ва уларга тўғри муносабат билдирган. Жомий ғазалларининг бирида шундай бир байт бор:

*Дил на хуррам, сабзау гул дар назар хуррам,  
чи суд?*

*Дар даруни қон қароҳат, бар бирун малҳам,  
чи суд?!*

Мазмуни:

*Дил хафа бўлгач, сабза ва гуллар очилиб  
турганидан нима фойда?*

*Жон ичи жароҳат бўлсаю ташқаридан малҳам  
қўйишдан нима фойда?*

Мазкур ғазалнинг бошқа байтлари ҳам шу мазмун ва шу услубда ёзилган. Бунда кўзга ташланаётган хусусият шундаки, Жомий воқеа ва ҳодисаларнинг ташқи томонига эмас, ички томонига, моҳиятига эътибор бермоқда.

Абдурахмон Жомийнинг ижоди форс-тожик шеърятининг энг яхши гоъвий ва баддий анъаналари асосида шаклланган. Улуғ шоир ўз шеърларида Шайх Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий кабиларнинг тажрибаларига суянади. Масалан, у бир ғазали мақтаида ўз ижодига Камол Хўжандий қандай ижобий таъсир кўрсатгани ҳақида шундай деган эди:

*Ефт камоле суҳанат то гирифт —  
Ҷошние аз суҳанони Камол.*

Мазмуни:

*Камол сўзларининг мазасини тоғиб,  
Менинг сўзларим камол топчи, ривожланди.*

Бу гапни Жомий ўзидан олдин ўтган бошқа форс шоирлари ҳақида ҳам айтиши мумкин эди. Жомийнинг лирик шоир сифатидаги камолотида фақат салафлари эмас, замондошлари ҳам муҳим роль ўйнаган эдилар. Уларнинг аввало Жомий шеърятини тўла қабул қилганлари, ҳар бир асарини маъқуллаганлари, унинг асарларига юзларча татаббулар битганлари таҳсинга сазовордир. Қолаверса, Жомий ҳам улардан узилиб ижод қилмаган. Масалан, шу даврда ижод қилган шоирлардан бири Сайфий Бухорий бўлиб, у ўзининг турли касб эгаларини улуғлаган,

шу каби хусусиятларини ҳурмат билан тасвирлаган ғазаллари билан машҳур. Унинг ногорачи, хонанда ва бошқалар ҳақида ёзган шеърлари маълум. Унинг услубида Жомий эса ғижжакчи тўғрисида махсус ғазал ёзган.

Жомий таниқли ўзбек шоири Мавлоно Лутфийнинг:

*Гар кори дили ошиқ бо кофири Чин афтад,  
Беҳ э-он ки ба бадхуйи бемехри чунун афтад,*

деган матлаъ билан бошланган, лекин тугалланмаган ғазалини, унинг васиятига кўра тугаллаб, ўз девонига киритган эди. Бу ҳодиса эса, ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидаги муҳим белгилардан биридир.

Жомийга замондош шоирлар орасида Алишер Навоий алоҳида ўрин тутаяди. Навоий Жомий шеърятини, шу жумладан, унинг лирик ижодини ниҳоятда севган, бир умр ундан лирик ижод сирларини ўрганган эди. Навоий Жомийни Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий билан бир қаторга қўйиб, унга шогирд, дўст, ҳамма соҳада ҳаммаслак бўлгани билан чексиз фахрланар, «Хазойин-ул-маоний», «Девони Фоний» девонларидаги бир қанча ғазалларини унинг ғазаллари таъсирида ёки уларга татаббу шаклида ёзган эди. Навоий Жомийнинг айниқса орифона ғазалларини юксак баҳолар эди. Шу билан бирга Жомий ҳам уни барча соҳаларда қўллаб-қувватлаган эди.

Жомий лирикаси фақат форсий халқларнинг эмас, барча халқларнинг ҳам маънавий бойлигидир. XV асрдан кейин яшаб ижод этган Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Нодири, Увайсий, Зокиржон Фурқат каби ўнлаб ўзбек шоирларининг Жомийга чуқур ихлоси ва муҳаббати шундан.

<sup>1</sup> Абдурахмон Ҷомий. Осор, Ҷилди шашум, Душанбе, 1988, с. 16

<sup>2</sup> Абдурахмон Ҷомий. Осор, Ҷилди дуюм, с. 143.

<sup>3</sup> Абдурахмон Ҷомий. Осор, Ҷилди шашум, с. 382.



# ХАМСАЧИЛИКДА ТОЖ ВА МЕХР ЗИДДИЯТИ

Феодализм ривожда юксалиш даври ҳисобланган IX—XV асрларда Ғарбда Испаниядан, Шарқда Шимолий Ҳиндистон ва Қошғаргача ўзаро маълум ички муштаракликка эга маданий-ғоявий олам ташкил топди. Арабий, форсий, туркий тилларда яратилган Шарқ классик адабиёти ана шу маънавий оламнинг узвий қисми сифатида майдонга келди. Алишер Навоий ижоди ҳам кенг маънода ушбу олам такомилдан далолатдир.

Биз тилга олмоқчи бўлган мавзунинг туб моҳияти Навоийнинг:

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,

Чун де олмас дардини юз йил югурса додхоҳ, — матлаъли машҳур ғазалида жуда ихчам ва ёрқин ифода этилган.

Фирдавсий «Шоҳнома»си ва илк туркий эпоея — «Қутадғу билик» учун ҳам одил шоҳ ғояси асосий мавзудир. Бутун феодал жамияти учун долзарб бу ғоя — умумбашарий маънода ҳур фикрли инсонлар жамияти қандай асосда тузилмоғи ва қандай усулда бошқарилмоғи лозим, деган саволга феодал маданий-ғоявий тартиботининг таклиф этган жавобидирки, унинг меҳнаткаш халқ манфаатларига қанчалик мос келиши ва уни қандай усуллар билан такомиллаштириш масаласи ҳамisha ўз даври мутафаккирлари ва ижодкорларининг диққат марказида бўлди.

Агар «Қутадғу билик» муаллифи доно маслаҳатчилар кўмагида илм-фанга ҳомийликни такомиллаштириш бўлса, Низомий меҳр-муҳаббат туйғусини адолатли шоҳни тарбиялаш воситаси сифатида олға сурди ҳамда тож ва меҳр мавзуини бошлаб берди. Илоҳий ишқ билан дунёвий ишқ ихтилофи ёнига тож ва меҳр зиддияти қўшилди.

Низомий оддий кишилар ичида яшади, сарой шоири бўлишдан қатъиян бош тортиди. Ахийлар жамоасига яқинлик шоир ишончини янада мустаҳкамлар эди. У яратган сийрат — шаҳзода Хусрав жуда ўзбошимча, эрка-тангиқ. Аммо унинг ҳассос қалби бор, у чинакамига севиб қолади. Ширин — ҳурфикр сийрат. У — Низомийнинг эзгу орзуси. Асли у малика ҳам эмас, қипчоқ қизи Офок сингари пок ва маъсумадир. У ўз муҳаббати таъсири остида Хусравни одил ва доно ҳукмдор қилиб тарбиялашга аҳд қилади. Хусрав ўз қиёфасида тож ва меҳр зиддиятини кескин бир тарзда намоён этади. Бундай руҳ кейинги дostonларда Баҳром ва Искандар

таъсирларида ҳам мустаҳкамланади.

Буюк ҳинд сеҳргари деб таърифланган шоир Амир Хусрав Деҳлавий дostonчилиги гуллаган даври XIV аср бошларига тўғри келади. У илк бор Низомийга жавоб ёзиб, хамсачилик анъанасига асос солган шоир. Унинг даври чуқур ижтимоий силкинишлар даврига тўғри келди, мўғуллар босқини, ички урушлар, ҳинд-мусулмон ниҳоқлари авж олди, суфий сулуқларининг саройга кучли аксилгуруҳи шоир ижодига жиддий таъсир кўрсатарди. Бунинг устига, Амир Хусрав расман сарой шоири саналиб, умрининг кўп қисмини катта ва кичик ҳукмдорларга у ё бу даражада боғлиқ ҳолда ўтказди, саройнинг бутун ички фасодининг, фитна ва разолатининг гувоҳи бўлди. Шу сабабданми, Деҳлавий ҳукмрон табақа вакилларининг асл моҳиятини теран ҳис қилди ва уларни «хайли гўрг» — «бўри галаси» деб атади. Аммо у оддий инсонлар орасидаги энг олий ва табаррук туйғу саналмиш меҳр қудратини ҳам қалбан ҳис қилди.

Деҳлавий ўз салафининг тож ва меҳр ҳақидаги ҳулосасини тарихий-ижтимоий воқеликка мос равишда — янгича ҳал қилди. Унинг қаҳрамони Хусрав типик ҳукмдор сифатида иш тутади. Масалан, исён кўтарган Баҳром Чўбинга қарши курашиш учун мадад сўраб, Рум қайсари ёнига боради. Ширинни севади, бироқ шароит тақозосига кўра, Марямга уйланади. Ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, қайнотаси ва ҳалоскорининг беҳисоб хазиналарини ўзлаштиришдан тап тортмайди.

Бундай мулоҳаза инсоний меҳр туйғуси билан мутлақо сингиша олмайди. Хусравнинг ортиқ даражада Ширин ишқига берилиши туфайли Ширюя исён кўтаради, ўзи тож-тахтдан ажралиб ҳалок бўлади. Шунинг ҳам айтиш керакки, шоир ҳақиқий меҳрни шоҳ ва маликаларга унчалик раво кўравермайди.

Шоир «Хамса» эпоеясида тожни Хусравга ва меҳрни Маж-

нунга муносиб кўради. «Ширин ва Хусрав»да асосий ғоя тож-тахт интилишлари билан асл инсоний меҳр интилишлари бир-бирига моҳиятан зид эканлигини, уларни асло келиштириш мумкин эмаслигини таъкидлаш эди. Ошиқ Фарҳод тож-тахтдан буткул воз кечиб, тошкесарлик ҳунарини танлаганлиги туфайлигина чин инсоний меҳрга қобилдир. Аммо Амир Хусравнинг барча чин ошиқлари, ҳаётда ижтимоий жиҳатдан анчагина сустваш шоир меҳрни деярли доим маиший йўналишда тасвирлайди.

Навоий ўз салафлари ижодини чуқур ўрганди, 25-26 ёшли чоғларидаёқ улар тажрибасини тўлиқ ўзлаштирди. Низомий Деҳлавийга арзигулик жавоб айтиш даражасига етди, бироқ бу ишга фақат ўн олти йил ўтгач киришди. Назаримизда, бу давр унинг учун ўз ижтимоий фаразларини ҳаёт синовидан ўтказиб улгуриш учун керак бўлди.

Навоийни биз романтик деймиз. Бу ҳулоса, назаримизда етарли эмас. Фарҳод, — бироз эркин ташбеҳ этсак, — шоирнинг ўзи. Аниқроғи — эзгу орзуси. Фақат унинг Ширинга ишқи — мажоз. Чунки Навоий «Хамса»да меҳрни маиший йўналишда эмас, аввало ижтимоий аснода талқин этади.

Феодализм жамияти учун у — хаёлот, биз учун — тўғриси, яъни унинг ғоялари келажакка қаратилган эди. Фарҳод — меҳр йўлида тож-тахтдан кечган шаҳзода. Аммо бу ишқ зоҳидона сустваш «ишқи ҳақиқий» эмас. «Ҳайратул аброр»да бунга ҳам муқояса мавжуд. Маълумки, дostonнинг 2-мақолати сўнгида машҳур суфий Иброҳим Адҳам ҳақида ривоят берилади. Бу суфийнинг машҳурлиги шундаки, у шоҳлик тахтидан кечиб, тақво йўлини танлаган, яъни шу ҳаракати билан ташқи жиҳатдан Фарҳодга ўхшаб кетади. Лекин Навоий ҳикоятда унинг ажиб ҳолатини тасвирлайди. Бу улуг шайх ўн тўрт йил азоб чекиб, чўлу сахро кезиб, тоат-ибодат билан Каъбани тавоф қилишга етиб борса, Каъба ўз ўрнида йўқ. Маълум бўлишича,

Каъба ўзи Робияйи Адвияни тавоф қилишга кетган экан. Робия эса тасаввуфга ишқни олиб кирганлиги билан машҳурдир.

Фарҳод — феодал табақа нуқтаи назаридан эмас, меҳнаткаш нуқтаи назаридан ижтимоий фаол шахс. Отаси унинг кўнглини ёзиш учун қаср қурдиради, у эса бундан ҳунар ўрганиш учун фойдаланади, шунда ҳам ишни Боний ва Монийларнинг нозик санъатларини эмас, Қораннинг тошкесарлигини, яъни пухта иш қуроли ясашни ўрганишдан бошлайди. Сўнг дунёвий илмлар ўчоғи ҳисобланган юрт сари йўл олади. Энг аҳамиятлиси шундаки, Фарҳод ўрганган касб ва ўзлаштирган барча билимларини халқ манфаати йўлига сафарбар этади. Навоий Фарҳоди — енгилмас қаҳрамон. Фақат уни ёлғизлик забун этади, фириб ва ёлғон ҳалок қилади. Фарҳод оддий меҳнаткаш каби бардошли, жасоратли, меҳрли, шу билан бирга ишонувчан шахс. Ваъзан Ширин сийратининг бироз сустваш эканлигини айтадилар. Бу — ушбу образ моҳиятидан келиб чиқувчи табиий ҳол. Чунки Фарҳод — ҳаётий қаҳрамон, Ширин эса — бахт ҳақидаги орзу.

Шундай қилиб, Низомий шоҳни ҳам оддий инсон каби меҳрга қобил деб билса, Деҳлавий тож ва меҳр зиддиятини юзага чиқарди. Навоий ушбу тажриба асосида ўзгача ечим қидирди: уни тахту тожни рад этиш ва меҳр йўлида ижтимоий фаоллик кўрсатиш зарурати сифатида ҳал қилиб берди. Навоий меҳр тушунчасини ижтимоий туйғу даражасига кўтарди.

Дoston фожиавий яқунланади. Бу ҳам улуг шоирнинг бадиий ҳақиқатга содиқлигидан намуна эди. Албатта, ўша давр учун Фарҳод сингари ҳурфикрли қаҳрамоннинг ғолиб чиқишига имкон йўқ эди. Аммо бундай табаррук сиймолар қуёш янглиғ ҳар тонг яна чархи даврон узра бош кўтараверадики, бу ҳам ҳақиқатдир.

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,  
филология фанлари номзоди,

## ТУТҚИЧ БЕРМАС... ЁВВОЙИ МУШУК



Эксмур йиртқиҷи... Англиянинг жанубий-ғарбий қисмидаги Девоншир қироллигида яшайдиган ҳайвон ана шундай ном билан юритилади. Сақланиб қолган маъмурий ҳужжатларда бу номаълум йиртқиҷининг уй ҳайвонларига қирон келтираётгани ва ниҳоятда эпчиллигидан ов-

чиларга сира тутқиҷ бермаётганлиги ҳақида анчагина шикоятлар бизнинг давримизгача етиб келган. Унинг нималигини аниқлашга қадар ҳайвонот бонидан қочган йўлбарс, тулки, ниҳоятда катта бўрсик ва ҳатто... туяқушлардан ҳам гумон қилиб юришди. Фермерларнинг кучли-кучли қоровулларини ҳатто қиролликка қарашли денгизчи ҳарбий мерганлар ҳам уни туттишда ожиз қолдилар. Улар ҳар ҳафтада ўрта ҳисобда битта қўйни ўмариб кетаётган

«ўғри»ни топиб жазолашга бир неча марта ҳаракат қилишди. Ва ниҳоят узоқ йиллардан бери ҳаммани таҳликага солиб келаятган бу йиртқиҷни кўриш ҳозирча ёлғиз биолог Тревор Бирга насиб этди. У ўша номаълум йиртқиҷ ёввойи мушук эканлигини аниқлади ва суратини чиқишга ҳам улгурди. Уддабурон Тревор Бир уни учратиб, шов-шув кўтариш ва шу йўл билан бойиб олишни кўзлаб Эксмур йиртқиҷи ов қиладиган жойга 4 кун давомида мут-

тасил саёҳат уюштирди. Фермерларнинг фикрига қараганда, бу кутилмаган сирнинг очилиши муваффақият гарови эмас. Шундай бўлса-да ҳали улар бу йиртқиҷни тутиб ўзларини ҳалос этиш учун 120 фунт стерлинг тикишганини баён қилишган. Биолог Тревор Бир эса хотиржам: чунки бу ҳайвоннинг сайёҳларга ҳеч қандай зиён етказмаслиги, улар қачонки мушкул аҳволга тушиб қолгандагина қутулиш учун ҳамла қилиши унга яхши маълум.



## ИСТИЛОҲЛАР ТИКЛАНИШИ ШАРТ

**У**збекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги Қонуни эски ўзбек ёзувини ўқиш, ўрганиш учун кенг йўл очиб берди. Бугунги кунда газета-журнал материалларида, радио ва телекўрсатув орқали қилинаётган чиқишларда, эски ўзбек тилини ўқиб-ўрганиш ва ўргатиш ҳақида турли хил фикрлар билдириляпти. Шу йил 9 февралда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида В. И. Ленин номи Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти Малик Абдусаматовнинг эски ўзбек тилини ўрганишга бағишланган «Сув остидаги гавҳарлар» номли мақоласи босилиб чиқди. Мақола куюнчаклик билан ёзилган, унда биз учун фойдали томонлар билан бирга баҳсталаб ўринлар ҳам йўқ эмас.

Маълумки, кейинги пайтларда тилимизга четдан кириб чақиртиканадек ёпишган барча истилоҳларни лугатимиздан чиқариб ташлаш эҳтиёжи тобора аниқ сезилаётир. «Университет», «интернационал», «республика», «область», «район», «монокультура» каби сўзлар «дорилфунун», «байналмилал», «вилоят», «ноҳия», «якказироатчилик» каби сўзлар билан алмаштириляпти. Ўзбек зиёлилари учун тез ўзлашиб кетадиган бу атамалар бир қарашда бугунги кенг халқ оммаси учун бироз ўтиришмайроқ тургандай. Шунданми кўча-кўйларда, йиғилишларда, ўзаро суҳбатларда: «Форс-тожик истилоҳларни қўлладик нимаю рус тили орқали кирган сўзларни қўлладик нима», деган гаплар қулоққа чалиниб қоляпти.

Малик Абдусаматов ҳам мақоласида ана шу фикрларни маъқуллайди. Бунга қўшилиш қийин. Тўғри, кўп йиллар давомида ўзбек тилига ўзлашиб кетган сўзлардан воз кечиб, бугунги кунимиз учун гўё янги бўлиб кўринаётган атамаларни қабул қилиш ва уни кўпчиликка манзур қилдириш қийин. Аммо тилни тирилтириш учун фидойилик кўрсатилмаса, у самара бермайди. Муаллиф таъкидлаганидек: «Тил жамият билан бирга тараққий этади ва ўзгариб боради».

Аммо шу нарса ҳам аёнки, бизнинг тилимизнинг бунчалар чигаллашиб кетиши қонуният асосида эмас, йиллар давомидаги махсус сайи-ҳаракатлар, топшириқлар асосида шу аҳволга келди. Энди эски ўзбек тилини бугунлай тирилтириш учун ҳамма ишни бошидан бошлашимизга тўғри келади. Агар биз шунчаки, араб имлосидаги ёзувнигина ўрганишга ружў қўйсак, келажакда ўз ўзимизни алдаган бўлиб чиқамиз. Қайта бошлаш учун эса, ҳар қанча моддий қийинчиликлар дуч келишига қарамай, эски ўзбек тили ва унинг узвий қисми бўлган классик адабиётимизни ўрганишни мактабларда, олий ўқув юртларида йўлга қўйишимиз зарур. Тарихда нафақат тилимизнинг мусавфологи учун, умуман шу тилининг мавжудлигини исбот қилолган Алишер Навоийнинг хизматлари барчага аён. У, ўзбек тили камбағал ва дағал, унда нафис назм яратиш қийин, деган асосиз даъволарга қарши рад қилиб бўлмайдиган далилларни келтирди. «Муҳокаматул-луғатайн» да туркча маъносига тенг келадиган маънони форсча ифодалай олмайдиган истилоҳлардан юзта сўзни келтириб ўтади.

Тарихий текширишлар, Ўрта Осиёнинг асосий аҳолиси қадимги даврларданок туркий ва форс-тожик тилида сўзлашувчи қабилалардан ташкил топганлигини тасдиқлайди. Улар ҳатто, VII — IX асрларда араб босқинчиларига қарши биргаликда курашганлар. Шунингдек, узоқ давом этган иқтисодий-маданий ва ҳарбий-сиёсий алоқалар ўз-

бек ва форс-тожик тилларининг бир-бирига таъсирини кучайтирди. Баъзан бугунги айрим сўзларни ўзбекчами, форс-тожикчами эканлигини ажратиш олиш қийин. Ўрта Осиёдаги давлатларнинг расмий тили ҳам асрлар оша гоҳ форс-тожик тилида, гоҳ туркий тилда идора этилган. Айниқса, Сомонийлар ҳукмронлиги даврида давлат тили ҳисобланган форс-тожик тилининг мавқеи ниҳоятда юксалди.

Юзага келган аҳолининг икки тиллилиги Ўрта Осиёнинг айрим жойларида қадимги даврдан бошлаб, ҳозирги вақтгача сақланиб қолди ёки тиллардан бирининг галабаси билан тугади. Ҳар икки вазиятда ҳам ўзаро бойиш давом этаберди. Масалан, Маҳмуд Қошғарий XI асрда суғд тилида, ҳам туркий тилда сўзлашган Тараз (Жамбул), Сайрам аҳолисини мисол қилиб кўрсатади. Албатта бу халқлар бир-бирларининг тилларини унуттирмаган. Еки XII-XVI асрларда Хоразм аҳолиси туркий ва қадимги хоразм тилида сўзлашган (А. А. Фрейман. Хорезмский язык, М — Л, 1951, с. 32). Мўғуллар ҳужуми муносабати билан XII — XIII асрларда туркий аҳолининг кўпайиб кетиши, у ерда туркий тили устун ҳолатга олиб келган. Бунинг таъсирида қадимги хоразм тили XIV асрлардаёқ ўзбек тили таркибига сингиб кетди.

Навоий замонасида ва ундан кейин ҳам, адабиётда форс-тожик ва туркиёйлик анъанаси давом этди. Навоий бу ҳақда шундай ёзади: «Туркнинг улуғидан кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сарт тилдан баҳраманддурлар. Турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар» («Муҳокаматул-луғатайн», 177-бет).

Марғилон шаҳар аҳолиси XV асрлардан то кейинги даврларгача форс-тожик тилида сўзлашган бўлса ҳам ҳозир у ерда ўзбек тили барқарордир. Ҳали ҳам Самарқанд, Бухоро, Чуст шаҳарларининг аҳолиси, Наманган вилоятидаги айрим ноҳиялар (масалан, Косонсой аҳолиси), Тошкент вилоятининг тоғлиқ ноҳияларидаги айрим қишлоқларнинг аҳолиси икки тилда сўзлашадилар.

Адабиётдаги икки тиллилик XIX асрда ҳам кучли давом этган. Масалан, Махмур, Гулханий, Фазлий, Нодира, Увайсий ўз асарларини ўзбек ва тожик тилида ёзганлар. Муқимий ва Завқий асарларида ҳам тожикча мисра, иборалар кўп қўлланилган. Бу анъана Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар ижодида ҳам кўзга ташланади. Гарчанд Қодирий ва Чўлпон соф форс-тожик тилида асарлар яратмаган бўлсалар ҳам, уларнинг истилоҳларини кўп ишлатганлар. Ана шу ўзига хос тарихий шароит натижасида ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркиби форс-тожик сўзларига бойлиги билан Ўрта Осиёдаги туркий тилларнинг луғат бойлигидан бирмунча фарқ қилади.

Ўзбек тилининг луғат таркиби билан форс-тожик тилининг луғат таркиби доираси ўзаро бир-бирига туташиб кетган. Шу жиҳатдан ҳам бугунги ўзбек тили форс-тожик истилоҳларидан воз кечиши мумкин эмас, деб қатъий айтиш керак. Шу фикрларни хулоса қиладиган бўлсак, ўзбек тилига кириб сингиб кетган форс-тожик сўзларининг ўзлашиши қуйидаги тарихий шароитлар билан ҳам боғлиқдир. Эрамизнинг бошларидаёқ қўни-қўшничиликда ҳаёт кечириш натижасида мавжуд иқтисодий, хўжалик соҳасидаги алоқа ўзаро сўз истеъмоллидаги яқинлашув учун қулай замин ҳозирлаган. Шунинг учун форс-тожик сўзларининг ўзбек ти-

лига кириш сабабларини ҳам шундай изоҳлаш мумкин. Она тилимизда мавжуд сўзлар кўп маъноли бўлганлигидан, ўша маънолардан бирини доим алоҳида, аниқ ифодалаш эҳтиёжи туғилади. Форс-тожик тилидаги сўзлар шу эҳтиёжни қоплаган.

Масалан, туркча «ёғоч» сўзи XV асрда ўсимлик маъносидан ҳам ишлатилган. Алишер Навоий ижодида «ёғоч»нинг дарахт, калтак ва хода маъноларида ишлатилганлигини учратамиз: «Афросиёб... чун Навдарни ўлдирди, Эрон мулкини андоқ буздики, оз ерда маъмурлиқ қолди, йиғочларни кесди, иморатни йиқти». Кейинчалик форс-тожик тилидан «дарахт» сўзи қабул қилингандан кейин «ёғоч» сўзи ўсимлик маъносидан қўлланмайдиган бўлди.

Ўзбек тилида форс-тожик сўзларининг кўп ишлатилиши бу тилни кучсизлантирмади, балки уни бойитишга хизмат қилди. Бугун эса, ана шу бойликдан ажраб, ўзбек тили луғат таркибининг бузилиши даражасига етиб келдик. Шу сабабли масаланинг илдинини чуқурроқ ўйлаб: авлодларга эски ёзувни шунчаки ўргатишни режалаштирмай, классик меросимизга бемалол тиши ўтадиган даражага кўтаришга ҳаракат қилмоғимиз керак. Акс ҳолда, бугун ишлатаётган «дорилфунун», «жумҳурият», «ноҳия», «вилоят», «талаба» каби сўзлар маъносига ҳам келгуси авлод луғатга қараб тушунадиган бўлиб қолади. Агар ўрта мактабда эски ўзбек тили билан бирга классик адабиётимиз чуқур ўрганилмас экан, натижа «ҳеч» бўлиб қолаверади. Чунки, Навоий эслатиб ўтган ўзбекча истилоҳларни бугунги зиёлиларимиз бирданига қўллаб, уни тез фурсатда тилимиз таркибига олиб киришмайдилар. Бунга ўрта мактаб партасида ўтириб, эски ўзбек



Қўйтош руда бойитиш фабрикасининг ишчиси Бахтиёр Эргашев иш устида.

Р. Нурибоев сурати.





Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР халқ депутати,  
ОДИЛ ЕҚУБОВ невараси билан.


А. Губенко сурати



Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси.











Умар Хайём.




Лайли ва Мажнун.

Сополдаги жозиб

**РАССОМ  
ТЎХТАБЕК СОЙИБОВ  
ИЖОДИДАН  
НАМУНАЛАР**



Ип йигирувчилар.





# ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИГА КЕЛГАН БИР ХАТ...

**ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ХАЛҚ ЕЗУВЧИСИ  
МИРМУҲСИНГА**

Ушбу мактубни ниҳоятда ташвишлиниб ёзаяпман. Шаҳар ҳар қолда бедарвоза бўлиб қолмагандир, деган ўй қўлга қалам олишга ундади. Тезда олдини олишимиз керак!

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги кунда фақат иттифоқда эмас, балки жумҳуриятимизда ҳам жиноятлар — талончилик, зўрлаш, фоҳишабозлик кўпайиб кетаяпти. Нима сабабдан шундай бўлаяпти? Бу ҳақда куйиниб эзаётганларнинг овозини ҳеч ким эшитмаяпти.

Мен яқинда «Однажды в Америке» деган филмни кўрганамдан кейин томошахонага борганимга минг бор пшаймон бўлиб, кўп ўртоқларимнинг илтимосига кўра шу хатни ёзаяпман. Бу филм тўғрисида бир ойдан бери газета, радио ва зангори экран орқали кўп салбий фикрлар билдирилаяпти. Лекин ҳамон томошахоналар тирбанд. Давлатнинг ҳамёнига жарақ-жарақ пуллар тушаяпти, лекин маънавий бузилиш эвазига иқтисодни ўнглаб олиш келажакка нисбатан қилинган хиёнат эмасми? Эҳтимол ана шу сингари филмларни кўрган дирсизлар. Ҳозир ойнаи жаҳонда ҳам шундай кинолар қўйиладиган бўлди.

Ешимиз 50 га бориб бунақа ифлос, оммавий ҳирсга берилишни шаҳар томошахонасида кўрмаган эдик. Бундай киноларни бошқа ўлкаларда кўрсатиш завқ бағишлар, лекин бизнинг диёригимиз — Шарқ-ку! Ўзбек аёлларининг иффати, назокати оёқости қилинмаяптими? Филмда хотин-қизларни ҳар куйга солишиб, ҳирсга берилиш ҳолатларини ошқора намойиш этишади. Ҳатто томошахонада ўтирган бошқа миллат вакиллари ҳам шундай филмларни ишлаб чиққанларга ва Ўзбекистон томошахоналарига олиб чиқишга рухсат берганларнинг падарига минг лаънат айтишиб чиқиб кетишди. Кўпгина кўзи қонга тўлган ёшлар кинодаги каби аҳмокона қилиқлар қилишаяпти...

Бошқа бирлари эса бундай филмларни кўришгач, уйланишга ҳам ҳафсалалари қолмаяпти.

Яқин орада ана шу филмнинг 2-қисми ишлаб чиқиладиган эмиш. Бир вақтлар «Маленкая Вера», «Интерқиз» филмлари ҳақида ҳам кўп ёмон гаплар айтилди, лекин орадан бир мард чиқиб, уларни томошахонадан олиб ташламади.

Бемаъни филмларни кўриб маънавий бузилган одамнинг жиноят йўлига кириб кетиши осон бўлади. Шундай экан давлатга тушаётган минг сўм, охир-оқибатда ўн минг сўм бўлиб чиқиб кетмаяптими?

Истар эдикки, жумҳурият зиёлилари томонидан нуфузли тафтишчилар гуруҳи ташкил этилиб, томошага чиқариладиган филмлар танлансин. Акс қолда ўзбек киночиларига ишонч қолмади. Кўплар, бу санъатни тушуниш керак, дейди. Биз кимларнингдир ғовлаб кетган маданиятини «тушуниб» етгунимизча халқнинг бўладигани бўлади.

Хатимизни матбуотда эълон қилишингиз мумкин. Ҳамма ўз фикрини тўлароқ айтсин. Хулоса шуки, кинохоналарга катта план белгилаб, улардан бозори чаққон филмларни қўйишга мажбур

қилишни тўхтатиш керак.

Бир гуруҳ ҳамфикрларим номидан ҳурмат билан,  
**Т. ЖАФАРОВ,**  
ишчи



«Тошинтермос» ходими Дилором Қосимованинг термослари мақташга арзигулик.

Р. Нуритдинов сурати (ЎзТАГ)

тили ва классик адабиётини ўн йил ўқиб чиққан бўлгуси зиёлилар эришиши мумкин. Бу ҳазилакам иш эмас, аммо уни ҳал қилиш мумкин. Дунё тажрибасида бундай ишлар кўп учрайди.

Фикримизни турли даврларда Оврупо мамлакатларида содир бўлган воқеалар тасдиқлайди: XIII асргача грек-лотин тили италян тилини таназзулга учратиб келди. Шу давргача бу ерда лотин тили давлатнинг расмий тили эди. Худди Навоийдек Данте ҳам лотин тилидан воз кечиб, италян тилида «Илоҳий комедия» сини яратди. Бу билан ҳам кўнгли тўлмаган шоир «Халқ тили ҳақида рисола» деган махсус асар ҳам ёзди. Мана унда Данте нималар дейди: «Ерли, туб халқнинг тили мурғаклигидан бошлаб кўкрак сути билан қалбга муҳрланадиган, ҳеч қандай мажбуриятларсиз табиий равишда қонга сингадиган тилдир. Махсус талаблар, китоблар, машғулотлар, ўқитувчилар ёллаш билан ўргатиладиган юнон тили минг уринсин италян кишининг қонига сингмайди. Бу икки тилдан биринчиси — италян тили халқники бўлиб, у лотинга қараганда олижанобрқдир. Лотин тили биз учун сунъий, ўз тилимиз эса табиийдир». Ўз мамлакатиде тили бузилиб кетган халқлар сирасига фаранглар ҳам кирган. Энди италян тили француз тилини забт этган. Бу тил Фарангистонда XIV асрдаёқ давлат тили даражасига кўтарилган. Бундай фожеани кўпдан кузатиб юрган Андре Этьэн бошлиқ бир гуруҳ фаранг ёзувчилари қаттиқ кураш олиб бордилар, халқни жунбушга келтирадилар. Андре Этьэн «Италянлаш-

ган фаранг тили ҳақида бир-икки диалог» номли памфлет ёзиб, фаранг тилининг мусаффолигини тарғиб қилади. Шундан анча йиллар ўтгандан кейин «Фаранг тилини ҳимоя қилиш ва ўстириш» номли дастур тайёрланиб давлатга тақдим этилади. Шу йўл билан фаранг тилининг мусаффолиги сақланиб қолади.

Келтирилган далилларга эътибор қилинса, Данте ҳам, Навоий ҳам, Этьэн ҳам ўз миллий тилларини ҳимоя қилишда маҳаллий халқ яратган беҳисоб тил бойликларига суянишган. Улар ҳатто ўз халқни шеваларидаги сўзларни ҳам адабий тил таркибига қўшиб олишган. Шу йўл билан фаранг тили луғатини бойитишга кўмаклашган. Мана шундай тил соҳасидаги қаттиқ ҳаракатлар фаранг тили ва унинг маданиятини жаҳон бўйлаб ёйилишига туртки берди. Энди бу тил аста-секин Оврупо давлатларининг тиллари таъсир қила бошлади.

Лев Толстой, Достоевский, Тургенев ва Шчедринлар яшаган даврга келиб, фаранг тили бутун Россияни забт этди. Энди рус халқи ўз тилларини фаранг тили таъсиридан сақлашга ўтганлар. Жумладан, Н. М. Карамзин аслзодалар доирасига пичинг отиб: «Бизда ўз тилини дурустроқ ўрганмай, фарангчага ружў қилувчилар сон-саноксиздир. Бугун кўкларга кўтариб мақталаётган Россиямизда фарангчани билмаган киши ўзини кар ва соқов ҳис қилади. Бу рус халқи учун қайғули ва уят эмасми?» деган эди. Улуғ сиймоларнинг миллий тил ҳақидаги айтган фикрлари бир-бирларини тўлдиради. Чиндан ҳам ўз халқи сарзаминидан ажралиб, ўз-

га тил домига тушган, кўрсатмалар, китоблар, мажбуриятлар билан қабул этиладиган ҳар қандай сўз ва иборалар томири қуриб бо- раётган дарахтга ўхшайди.

Бугунги ўзбек тили луғатига кириб жойлашиб олган русча истилоҳлар ҳам бизнинг тилимизга ҳеч қачон пайвандланмайди. Емиш йилдан ортиқ вақт давомида ўзбек халқи ўзининг тарихига, урф-одатларига, руҳиятига, турмуш шароитларига, динига жипс боғланолмасдан келди. Ана шу боғланиш иплари узилганлиги учун бизнинг ҳозирги тилимиз табиий кучини, гўзаллигини, тароватини маълум маънода йўқотди. Эндиликда уларни яна халқимизга қайтариб беришимиз учун йиллар давомида оқилона иш юритишимиз зарур. Акс қолда яна бирмунча йил ўз истилоҳларимиз туриб ўзга тилдан кирган атамаларга ёпишиб олаверамиз. Бу масалада ёзувчи ва шоирларимиз ҳам ўз ижодлари билан жонбозлик кўрсатишлари, ўз устиларида жиддий иш олиш бормоқлари даркор. Бугунги ижодкор қуруқ гапларни йиғиштириб, халқнинг жонли сўзлашув тилига чуқурроқ кириб боришини истардик. Халқ ўз дарди, орзу-армонларини бевосита ана шу жонли сўзлашув билан ифода этади.

Умуман, шуни таъкидлашни истардимки, халқимизнинг каттасидан кичигигача бу хайрли ишда қатнашиб, эски ўзбек тилини мулоқот тили даражасига кўтаришда ўз ҳиссаларини қўшиши керак.

Маҳмуд НАЗАРОВ,  
филология фаилари номзоди






— Дикқат, кулиб тулинг, су-  
ратга олаяпман.



А. Еқубов, Ф. Қурбонбоев  
суратлари



## АЙИҚДАН ҲАМ ЗҮР

Айиқни бўрилар галаси  
ўраб олди...


Бу воқеанинг шоҳиди  
бўлган сайёҳлар Аляска-  
нинг Декали миллий бо-  
ғида ҳикоя қилиб бериш-  
ди.

Декали боғи — Аляска-  
нинг марказий қисмидаги  
биёбонларда жойлашган.  
Бу ерда кийиклар, буғу-  
лар, айиқ ва бўрилар бе-  
малол кун кечеришади.  
Уларни ҳеч ким таъқиб  
қилмайди. Дайдиб юрган  
кўкеллардан бирини ўша  
ерда, шундай йўлнинг ёқа-  
сида кўриб қолдик. У чақ-  
моқдай кўзларини биз  
тушган автомобилга, су-  
раткашлар тўдасига узоқ  
вақт ҳайрат билан қадаб  
турди-да, сўнг ув тортиб  
ўн қадамча наридан йўли-  
мизни кесиб ўтиб кетди.

Суратда акс эттирилган  
воқеа эндигина қор қопла-  
ган дарада юз берди.  
Айиқ кийикни ўлжа қилиб  
олди. Ўша заҳоти «дастур-  
хон»га чақирилмаган меҳ-  
монлар — оч бўрилар га-  
ласи ёпирилди. Улар ўн  
беш нафар эди. Ҳаётда  
кучлилар ҳамиша ожиз-  
ларни насибасидан маҳ-  
рум қилишган. Агар бў-  
рилар айиқ билан яккама-  
якка дуч келганида эҳти-  
мол бундай қилмасдилар.  
Галалашганда уларни ен-  
гиш қийин.

Шундай қилиб бўрилар  
айиқнинг шўрини қури-  
тишди: улар лақма паҳ-  
моқни ўраб олиб, кўр-  
қита бошлашди, ора-сира  
ҳужум ҳам қилиб турди-  
лар. Айиқ эса, ўз ўлжа-  
сидан ажралиб қолгиси  
келмасди, ўкириб бўри-  
ларни қувиб солмоқчи  
бўлди. Шу тариқа қамал  
ҳолати чамаси бир соатча  
давом этди. Ниҳоят, айиқ  
тақдирига тан беришга  
мажбур бўлди, оғзидаги-  
ни олдириб тоғ томонга  
қочиб кетди.

Сайёҳлар эса, бу текин  
томошани бемалол сурат-  
га олиб улгурдилар.





# СОҒИНИШ

ҲИКОЯ



Тангриберген оға аллақандай ички оғриқдан озорланаётган бир ҳолатда ингранди:

— Орол кун сайин ботаётган ойда сўниб бораяпти. Бу аҳволда охири не бўлади, охири?!

— Охири не бўлади дейсанми? — пичирлабгина деди кампир. — Мен сенга айтсам, Оролинг ўлади. Кўрмай турибсанми, бемор чолдай мункиллаб қолганини, — «ўзинга ўхшаб» деб юборишдан зўрға тилини тийди.

— Жўк, Орол ўлмайди. Бу мумкин эмас! — чол қўл силтади...

Тангриберген оға гоҳо ўтмиш хотирага берилади. Бундай онларда юзлари ёришиб, бағрига баҳор шуъласи мўралаётгандай яйраб кетади. Эсида, раҳматли Ажиниёз бобосининг кичиккина кемаси бўларди. У кезлари Орол уфққа туташиб, чайқалиб, пишқириб ётарди.

Дадаси билан илк овга чиққанида у ўн ёшда эди. Ёзнинг ажойиб кунларидан бири эди. Э-ҳей, ўшанда қанча-қанча балиқ тутишиб, кемаларини тўлдириб қайтишган. Олдин шунчаки отаси ёнида ёрдамчи, кема дарғаси ёнида хизматчи, моторист ёрдамчиси бўлди... Ҳа, Ороллари нақ қоплондай наъра тортиб, кемаларни копток қилиб ўйнардди. Шу қадар улкан, шу қадар бепоён, айна чоғда шу қадар даҳшатли эдикки...

Охирги вақтларда Тангриберген оға ғалати бир қилиқ чиқарди — тонгда ўрнидан туриб апил-тапил кийиниб нонушта қилади-да, Оролга шошилади ва қирғоққа бориб соатлаб ўтириб-ўтириб, кейин маъюс изига қайтади. Бунинг устига Орол Мўйноқдан шунчалик узоклашдики, энди қирғоғига яёв бориб қайтиш ҳам энгил эмас. Бу гал ҳам қош қорайганда қовоғидан қор ёғиб қайтди ва эшагини тушовлаб, уйга кирди. Тангриберген оға унсиз чой ичди, изидан муздайгина шиват симирди. Фотиҳа ўқиб, энди болишга ёнбошлаганида эшик очилиб, кенжаси Оролбой кириб келди. (Оролга меҳри туфайли кенжасининг номини ҳам Оролбой деб атаган).

Оролбой Нукусда туради. Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтини битирган. Ҳа, кенжасини кўриб, Тангриберген оға сакраб ўрнидан турди ва ўғлини қучиб ўпди. Юзлари ёришиб, бирдан яшариб кетди. Оролбой дадасининг гуручи сув кўтармаслигини сезиб турибди. Бир томони ўзининг ҳам димоғи куйиб, Нукусдан жаҳл устида жўнаб қолган.

...Саратоннинг жазирама кунлари эди ўшанда. Ғўзаларга кўсак қурти тушгани ҳақида районлардан бирин-кетин ташвишли хабарлар кела бошлади. Хизмат бурчи юза-

сидан Оролбой бу ишга масъул кишилардан бири эди. Министрликдан келган бир амалдор самолётда кўсак қуртига қарши заҳарли кимёвий дори солишни буюрди.

— Самолётларни хозирча кўйиб турайлик, — деди у синиқ оҳангда. — Фақат ҳашаротлар тушган далаларни тракторлар билан ишлайлик.

— Э, э, манглайи қора, — ўдағайлади вакил, — пахта турганида неларни ўйлаб юрибсан? Эртадан бошлаб самолётларни ёппасига ишга соласан. Узимиздагилари камлик қилса, Тошкентдан ҳам сўрайсан.

— Тушунаман, — Оролбой бош силкиди. — Лекин, дори сепиш учун мен жавоб берадиган бўлсам, ёппасига самолётларни ишга солишга рухсат этолмайман.

— Чиқиб кет! — Столга келиб тушган мушт зарбидан хонада нимадир портлагандек бўлди. — Қайтиб башарангни кўрмайин!

Агроном бирдан изига бурилиб, шиддатли одимлар билан хонадан чиқди ва уйига бир кириб, кейин тўғри Мўйноққа йўл олди. Шундай хуноб бўлиб келганида дадасини бу аҳволда учратиш...

...Тонг отди. Оролбой ётган жойидан назар солди — дадаси тўшагида йўқ эди. Аллақачон эшагини миниб, Орол сари йўл олган эди.

— Отанг қартаяпти, қартайгани сайин ақли озаяпти, — Ойшаби ўғлига арз қилди. — Эртадан кечгача кун Оролда ўтади, — онаси ўғли олдига муздай бир товоқ шиват кўйди. — Иниларинг неча-неча марта изидан кузатиб бориб келишди, — Ойшаби чолининг қилмишлари ҳақида давом этди. — Тонг-азондан кетиб қирғоғидан Оролга тикилганича ўтириб-ўтириб қайтармиш.

Оролбой шиватни ичиб, дадаси изидан кетди. У кум кечиб Орол сари одимлар, бироқ жазирама ҳавода кум кечиб юриш энгил эмасди. Икки соатлар юргач, рўпарасидан қорайиб нималардир кўринди. Қаршисида бир қанча ов кемалари қумга тўш бериб ётарди. Қайси бир кема ёнида эса кифтлари сўплайиб чиққан киши ўтирибди. Оролбой секин яқинлашди ва ҳайратдан жойида туриб қолди. Бу унинг дадаси эди. «Бурунги қоплондай елкаси қани? Не бўлди...»

Оролбой ўрнидан жилмай кузатарди. Дадаси эса ҳадеб жилмаярди, назари бир нуктада эди. У «Украина» кемаси ёнида ўтирарди. Умрининг талай бир қисми шу кемада ўтган. Ёшлик чоғлари у шу кемада механик ёрдамчиси ҳам бўлиб ишлаган. Баъзан эса рулда ўтириб кема бошқарган.

— Не қилиб офтобда куйиб ўтирибсиз? — Оролбой дадасига сўз қотди.

Тангриберген оға теран энтикиб, ўрнидан турди ва кема соясига турган эшаги томон юрди...

Ота-бола иккиси қош қорайганида уйга қайтишди. Эртаниси эрталлаб Оролбой Нукусга жўнаб кетди. Шу кетганича онасидан хабар ололмади... Август ойи ўрталарида ота-онасини кўриш учун Мўйноққа келди. Бу гал дадаси уйда йўқ эди. Қаерда деб сўрамади ҳам, дадасининг кун Оролда ўтишини биларди.

— Отангни Нукусга олиб кетсанг-чи, — онаси секин деди. — Неваралари билан овуниб Оролини унутармиди...

Онасининг фикри маъқул тушди ва дадасини ўз ҳолига қўймай Нукусга олиб қайтди. Бироқ учинчи кун дадаси «кетаман»га тушди. Оролсиз яшай олмаслигини, аллақачон Оролни соғиниб қолганлигини сир сақлади. Хуллас бўлмади, Оролбой дадасини совғалар билан кузатиб қўйди.

...Тангриберген оға нималар деб пичирлаб туядан тушди ва уни тушовлаб қўйиб юбориб, Орол қирғоғига чўкди. Ун дақиқалар ўтгач қаддини ростлаб сўзлай кетди:

— Оролим, боврим, сенга не бўлди? Сенга келган бало нега менга келмади? Балиқчиларинг қаерларда санғиб юришибди. Мўйноқ, менинг Мўйноғим хувиллаб сағир бўтадай бўзлаб қолди. Тупроғимизни қум, туз босаяпти. Сен жойингда турмасанг, элинг жойида қолармиди. Сен пишқириб, ўкириб турмасанг, элинг кулиб яйрармиди. Орол тақдирини тантана билан орден топширганлар ҳал этишмаганмиди? Қандай қилиб бутун бир денгиз йўқ бўлиб кетаяпти? Бунга қандай чидаш мумкин, қандай?! — чинқириб юбориб яна жим қолди чол, сўнгра гапида яна давом этди. — Туз, кумлар шамол билан фақат бостириб бораверса, фақат бир қоракалпоқ эмас, ўзбек, қозоқ, туркман жигарларининг аҳволи не кечадди? Эҳ, Оролим, сен улкансан, сенинг эл бошига солаётган кулфатларинг ҳам улкан. Гуноҳинг нима сенин?

Чирсиллаган аёз кунлари эди. Оролбой Оролга етиб борганида қош қорайган, денгиз соҳили бўйлаб осойишта ва айни чоғда аллақандай кўрқинчли ваҳима гирд-атрофини қуршаб келаётгандек эди. Денгизга яқин қолганида қирғоқ лабгинасида ғужанак тушиб ётган гавда кўринди ва жисмига ток урилгандай бўлиб кетди. Бу унинг дадаси эди.

— Ота, отажоним... — Оролбой (Давоми 21-бетда)

**Т**ангриберген қувончидан «э-ҳей»лаб юборди: байрам арафасида кенжаси Оролбой бутун оиласи билан эшикдан кириб келарди. Қария невараларини бағрига босиб ўпди, илиқ сўзлар билан эркалади. Чолининг қувончини кўриб Ойшаби жилмайди: «Бу курмағурнинг қовоғидан қор ёғишининг сабаби невараларини соғинганидан экан-да».

Аммо, кечга бориб чолнинг чеҳрасига қайтадан соя тушди, яна ғамгин бўлиб қолди. Тун оғиб, ухлайдиган вақт бўлди. Орол шамол гупириб уриб турибди. Балиқчилар шаҳрининг осойишта тун. Орол секин шивирлайди. Бироқ, бурунги авжи йўқ. У кундан-кунга қирғоқларидан чекинади. Ҳар йили янги қирғоқ, тўлқини эса бурунчисига етмай йўлда қолади... Балиқ овининг ҳам бурунги гашти йўқ. Нега энди овлари барор олмаяпти, нега Ороллари ҳадеб чекинаёпти? Баъзи кунлари эртадан кечгача санқишиб, уч-тўрт центнер балиқ билан қайтишади. Тангриберген оға бригадир бўлганидан ҳам хижолатда. Ҳай, кечаги ой якунига бағишланган мажлисда фирқаком котиби Бойниёзов: «Сизга не бўлди, Тангриберген оға, ишларингизнинг мазаси йўқ-ку», деб жилмайиб қўйди. Бу гап унинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Ахир, бунақа танбеҳни илгари сира эшитмаган эди-да!

Тангриберген оға бий теккандай биқинидан биқинига айлана бошлади, чуқур тин олди.

— Оролга не бўлди, Оролга? — тўсатдан гапириб юборди Тангриберген оға.

— Оролнинг ташвиши фақат сенга қолдими, — Ойшаби ётган жойидан танбеҳ оҳангига деди. — Дунё ташвишларини зиммаларига олган улўғлар Орол ҳақида ҳам ўйлашаётган чиқар.



Ўзбек тили давлат тили мақоми олдди. Энди уни фан тилига айлантириш устида ўйлашимиз керакки, тилимиз фан-техниканинг барча соҳаларига оид сонаноқсиз истилоҳ (термин)ларни ўз лисоний воситалари ёрдамида бемалол ифода қилай олсин. Бу эса мураккаб вазифа бўлиб, вақт ва катта куч-маблаг талаб қилади. Бунинг учун норматив лугатлар, турли фан соҳаларига доир истилоҳий лугатлар яратилиши керак. Бу борада Ўзбекистон ССР Нозирлар кенгаши ҳузурида тузилган Истилоҳшунослик қўмитасидан, ЎзССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтидаги Истилоҳшунослик ва лугатлар бўлимидан умидимиз катта. Ҳозир шу институтда ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли лугати тузилаёпти.

Тилшунослар, адиблар, журналистлар умуман ўз тилини қадрлайдиган, унинг келажаги ҳақида жон куйдирадиган ҳар бир фидойи ўзбек тилининг ички имкониятларини чуқур ўрганишга, шевадарда ишлатиладиган беҳисоб дурдоналарни йиғиб, адабий тил мулкига айлантиришга ҳаракат қилмоғи керак.

Шунингдек, шаҳар ичи истилоҳларини ҳам тилимизда тўғри ифода этишни узил-кесил ҳал қиладиган вақт келди. Масалан, аллея ҳам, булвар ва сквер ҳам кўпинча хиёбон дейилади. Ҳолбуки уларнинг фарқи бор: аллея икки томонига дарахт ҳамда буталар ўтқазилган йўл ёки боғдаги йўлак; булвар эса — одатда шаҳар кўчасининг ўртасидаги кенг хиёбон; сквер бўлса — шаҳардаги кичик жамоат боғи; ё парк билан боғ ҳам бошқа-бошқа — парк кўпинча табиий ўрмондан ёки унинг бир қисмидан фойдаланиб, барпо этилади ва унинг ҳовузлари, йўлаклари, гулхоналари, жамоат дам олиши учун мўлжалланган бошқа жиҳозлари бўлади.

Қуйида шаҳар истилоҳлари ҳақида сўз юритиб, баъзи бир атамаларни адабий тилга киритишни таклиф этамиз.

**БЕКАТ.** Ҳозир станция ҳам, остановка ҳам, стоянка ҳам кўпинча бекат дейилаёпти. Ҳолбуки буларнинг ҳар бири бошқаларидан вазифаси, хизмати билан фарқ қилади; масалан, станция жумладан, метро станциялари жиҳозланиши жиҳатидан остановкадан фарқ қилади. Бекатни «станция» маъносида ишлатиш мумкин; остановка, шунингдек стоянка учун эса бошқа сўз топиш керак.

**КЕНТ.** Бу сўз «шаҳар» маъносини англатишини бундан минг йил олдин Маҳмуд Қошғарий ҳам айтган эди. Урта Осиё, Қозғистон, Кавказ, Шарқий Туркистон, Урта Шарқ, Кичик Осиёда кент деганда ҳозир ҳам «шаҳар», «аҳоли истиқоматгоҳи» тушунилади. Асли сўгдийча бўлган бу атама қадимдан икки шаклда ишлатилган, яъни кат, кас (охирги товуш тишлар орасидан чиқадиган с) «уй» ва «қишлоқ» маъноларини англатган. Катак, катак сўзлари ана шундан келиб чиққан. Кент, кенд ҳам, кас ҳам ҳозир кўплай шаҳар ва қишлоқ номлари таркибиде учрайди. Ўзбекистонда Шўро ҳокимиятининг

дастлабки йилларигача кент «шаҳарча», «посёлка», Туркияда кент «шаҳар», Озарбайжонда «қишлоқ» маъносини англатган. Ўзбекистонда бу сўзни олдинги маъносида тиклаш мумкин: посёлкани кент, шаҳар типидеги посёлка ёки шаҳар посёлкасини шаҳрий кент деса бўлади. Бундан ташқари посёлка ўрнига қасаба

эга бўлган маъмурий-территориал бирлик» (ЎзСЭ, 11 том, 333-бет). Ҳазора ёки минглик ҳам маъмурий-территориал майдон маъносида ишлатилган (масалан, Бухорода 50 минг таноб ер ҳазора дейилган); Шўра ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда депара сўзи «район» маъносида ишлатилган. Тошкент шаҳри инқилобдан ол-

манистондаги тарихий Марв (ҳозирги Мари) шаҳри тарихига оид мақолада чорсу ҳақида бундай дейди: «Илгарилари бозорлар аксари шахристонлар деворидан ташқарида, работда бўлар эди; энди бўлса дарвозалардан шаҳар марказига қараб борадиган бош кўчалар кесишган жойда бозорларнинг марказий

## ШАҲАР ИЧИ АТАМАЛАРИ

сўзини қабул қилиш ҳам мумкин. Бу сўз, жумладан, Навоийда, Бобурда «шаҳарча», «посёлка» маъносида учрайди. Турклар (қасаба), озарбойжонларда (гасаба) уни айнан шу маънода ишлатаётдилар-ку!

**МОЗОР.** Бу сўз арабча бўлиб, «зиёрат қилмоқ», «қадам ранжида қилмоқ», «ташриф буюрмоқ», «йўқлаб бормоқ» маъносидаги зора феълига-ма қўшимчаси қўшилиб, маконни, жойни билдиради. Мозор асли, «зиёратгоҳ», «авлиё қабри» демакдир. Қишлоқ жойларда ҳар қандай муқаддас жойни мазор ёки авлиё дейишади. «Мозор босиб келган», «Туянинг мазор билан нима иши бор» иборалари сўзнинг ўша маъноси билан боғлиқ бўлса керак. Кейинчалик ҳар қандай қабристон ҳам мазор дейила бошланган. «Болали уй бозор, боласиз уй мазор» иборасидаги мазор ана шу маънони англатади. Қабристонни мазорот ёки мазористон дейиш тўғрироқдир, гўристон ҳам шу маънода; ташландиқ қабристон қўйинди ҳам дейилади.

**МАВЗЕ** (кўплиги мавози). Бу сўз арабча бўлиб, асл маъноси «ер», «макон», «шаҳардан узоқдаги жой» демакдир; русча урочище сўзига тўғри келади. Қўқон хонлиги архивларида «қишлоқ», «аҳоли пункти» ҳам мавзе деб аталган. Тошкент шаҳрида мавзе деганда шаҳар чеккасидаги хусусий боғлар, дала ҳовли тушунилган.

**НОҲИЯ**, ноҳият, кўплиги навоҳий. Арабча бу сўз «теварак-атроф», «вилоят», «мамлакат» маъноларини англатган. Масалан, Сирдарёнинг Урта оқимини араб жуғрофияшуносларидан Ибн Хавқал ноҳия деса, Муқаддасий рустоқ, Ёқут Ҳамавий эса вилоят деган (булар маънодош сўзлар). Яна ўша Ёқут Панжакент атрофларини «навоҳий» деган. Классик форс-тожик адабиёти намоёндалари ҳам ноҳия, ноҳият сўзини «мамлакат», «ўлка», «теварак-атроф» маъносида ишлатганлар: ноҳия Навоийда, Бобурда ҳам (кўплик шаклида) «мамлакат», «тупроқ», «ер», тушунчасини билдиради. Туркияда наҳия «волост», «маъмурий бирлик», «тегера», Эронда «округ», «теварак-атроф». Урта Осиёда туман сўзи ҳам район маъносига бир оз мос келади: «Ун минг ва ундан ортиқ аскар етказиб бериш имкониятига

дин тўрт даҳага бўлинган; шу маънода даҳа сўзи ҳам район сўзига яқин келиши мумкин; лекин қишлоқ жойларда, масалан, Самарқанд, Жиззах вилоятларида даҳа 40-йилларгача «қишлоқ совети» тушунчаси ўрнида ишлатилган.

**ЧОРСУ:** 1. Урта Осиё шаҳарларида бош кўчалар чорраҳаси; 2. Шаҳарнинг бош кўчалари кесишган жой устига қурилган гумбаз, тим. Тарихчи О. И. Смирнова сўзларига қараганда, чорсу зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да човрусук «бозор» маъносида учрайди (айнан маъноси «тўрт томонли»). Човрусук тожик тилига, кейинчалик ўзбек тилига чорсу, чорси шаклида кирган. Араб тилида суқ «бозор»; у ҳолда чорсуқ «тўрт бозор» бўлади; форсча матиларда «чорбозор» сўзи ҳам учрайди. Академик В. В. Бартольд Турк-

гумбази — чорсу турибди» (Бартольд, Асарлар, IV том, 192-бет). Кейинги пайтларда чорсу «бозор жой», «марказий бозор» деган маънони англатган.

**ЧОШТЕПА**, шоштепа. Тожикча чош «уюм» (чошдан «тўкмоқ», «уймоқ» феълидан), қўрғонтепа, қоровултепа, тепақўрғон, тупроққўрғон, ўйгантепа, Зарафшон — водийсида тол — тупроқ уюб қилинган тепалик; табиий тепаликлардан ҳам фойдаланилган ва устига яна тупроқ уюлган. Кўпроқ мудофаа мақсадларида қурилган. Бир тепалик иккинчи тепаликдан, иккинчи тепалик учинчи тепаликдан кўриниб турган ва ҳарбий хавф туғилганда бирига турли йўллар (олов ёқиш, тутун чиқариш) билан хабар берганлар.

**ШАҲРИСТОН** — ўрта асрларда шаҳарнинг давлат ҳокими яшайдиган марказий қисми, ички



Хоразмлик ўймакор, «Усто» ижодий бирлашмаси аъзоси

Болтабой Рўзибов

(ЎзТАГ)



шаҳар, кремль. Санскритда бу сўз «шаҳар давлат ҳокими турадиган жой», «резиденция» маъносини билдирган. Шаҳристон атрофи баланд девор — шаҳрибанд билан ўралган. Шаҳристонни араблар мадина дейишган. Ташқи шаҳар работ, баъзан эса чақар ҳам дейилган. Масалан, Бобур тош шаҳарни, яъни ташқи шаҳарни чақар деб атаган. Шу билан бирга ички шаҳарни шаҳри дарун, ташқи шаҳарни шаҳри берун деб аташган. Шаҳар билан бирга қала-қалъа сўзи ҳам ишлатилган. Масалан, Хоразмда ички шаҳар — ичан қала, ташқи шаҳар — дишан қала дейилган. Шунингдек, кўн ковушдан фарқли ўлароқ резина галош қалаковуш, яъни шаҳарковуш деб аталгани ҳам шунини кўрсатади.

Бир-бирига яқин жойлашган бир тўда шаҳар ҳам шаҳристон дейилган. Шу маънода бир қанча аҳоли истиқоматгоҳлари ва шаҳарларнинг бир-бирларига қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган улкан шаҳар — мегаполисни шаҳристон деса бўлар экан.

**ШОҚУЧА.** Шаҳарнинг кенг тўғри кўчасини проспект деб келамиз, бир замонлар хиёбон ҳам дейишган. Тошкент шаҳар топонимия комиссиясидан Езувчилар уюшмасига боришганда кимдир, проспектни шоққўча дейиш керак, дебди. Таклиф ўринли. Чунки Маворауннаҳрнинг бош шаҳарлари ҳисобланган Бухоро билан Самарқанд орасидаги катта йўлни буюк тарихчи Наршахий «шоқ роҳ» деб атаган (бу сўз тожик тилида ҳамон «магистраль» «тракт» маъносида ишлатилади). Таклифимиз шоққўча эмас, шоққўча деб ёзган маъқул. Чунки ўзбек тилида сўзнинг иккинчи таркибий қисми ундош товуш билан бошланса, шоқ сўзидаги ҳ ҳарфи (товуш ҳам) тушиб қолаверади: шоқоса, шосупа, шотут (тожикчада шоққоса, шоқтут ва б.).

Умуман шаҳар ичи истилоҳлари ўзбек тилида яхши ишланмаган; ҳали айтганимиздек аллея ҳам, сквер ҳам, булвар ҳам «хиёбон» дейилади; проезд, тупик каби сўзларнинг ҳам дурустроқ ўриндоши йўқ; тупик «боши берк

кўча» ёки халтақўча деб келинган. Профессор Ортиқ Мўминов маҳалласида проездни «ёнқўча» дейишибди. Торқўча, жинқўча деган сўзларимиз ҳам бор.

**ҚИШЛОҚ.** Ҳар қандай шаҳар дастлаб қишлоқ бўлган. Бу сўзни ким билмайди дейсиз. Лекин бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақида ҳамма ҳам ўйлаб кўрган деб бўлмайди. Қишлоқ «қишланадиган, қиш ўтказиладиган жой» дегани. Кўпгина халқлар илгарилари кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Масалан, кўчманчи ўзбеклар. Бунда кишилар ёзда ййловга кўчиб боришган. Ййлов, жайлов «ёзлов», «ёзда туриладиган жой» дегани — қадимий туркий тилда йй, ёй, жой «ёз» демакдир. Масалан, қирғизлар ҳозир ҳам ёзни жой, баҳорни эса жаз дейишади. Халқ қиш келиши билан қишлоқга — қишлоққа кўчиб келишган. Қишлоқда том уйда, яъни гиштин уйда туришган. Ййловда эса ўтов — бўз уй тикишган. Урта Осиёда тожикча деҳ сўзи ҳам ишлатилган: Бухоронинг XIV — XV асрларга оид вақф ҳужжатларида бу иккала истилоҳ ҳам ишлатилган. Деҳ турғун аҳоли истиқоматгоҳи бўлиб, унда кишилар қишин-ёзин яшашган. Уларнинг фарқини «фалон деҳнинг қишлоқлари» — «қишлоқот ёки қишлоқчо деҳи...» каби жумлалардан билса ҳам бўлади — демак, деҳнинг бир неча қишлоғи — қишлови бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур тоғма-тоғ кезиб юрганда «Фалон жойга қишлоқ солдук», яъни «қишлаш учун тўхтадик» дейди. Ҳозир қишлоқ деганда ўтроқ аҳоли истиқоматгоҳи тушунилади. Бу сўз Тожикистонда ҳам деҳ сўзини суриб чиқарди, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Эронда ҳам кенг ишлатилади.

Бироқ Ўзбекистонда бу сўзга сунъий равишда қўшимча маъно юклатилди — Олий Совет президиумининг фармонида кўра қишлоқ Совети ҳам «Қишлоқ» дейиладиган бўлди. Бу хато мумкин қадар тезроқ тузатилиши керак.

Суюн ҚОРАЕВ,  
филология фанлари номзоди

# Тўққон

## сўзми

Алгебра — алжабр.  
Астролог — мунажжим.  
Геометрия — ҳандаса.  
Звено — ҳалқа.  
Нефть — нефт.  
Парфюмерия — атриёт.  
Питомник — парваришхона.  
Порт — бандаргоҳ.  
Океан — уқёнус, баҳри муҳит.  
Матрос — маллоҳ.  
Конкрет — муайян.  
Керамика — сопол.  
Транспорт — нақлиёт, улов.  
Слесарь — чилангар.  
Суд — муурофия.  
Фармокология — доришунослик.  
Этномология — ҳашаротшунослик.  
Юстиция — адлия.

Нодир РАҲМОНОВ

Адмирал — амирулбаҳр.  
Альманах — баёз.  
Виставка — намойишгоҳ, кўргазма.  
Зоология — ҳайвонотшунослик.  
Обсерватория — расадхона.  
Прокат — қирахона.  
Папка — жузгир.  
Кредит — насия.  
Миллион — лак-лак.  
Лимон — лиму.  
Самогон — бўза.  
Стадион — машқгоҳ.  
Таблетка — ҳапдори.  
Тарелка — ликопча.

Тоҳир ИҶЛДОШЕВ

Аналогик — ўхшаш, монанд.

Анархист — тартибсиз, ўзбошимча.

Аргумент — далил.  
Адаптация — мослашув, кўникув.

Банкет — зиёфат.  
Бирка — ёрмоқ.  
Галантерея — атторлик.  
Декларация — расмий ахборот.  
Делегат — вакил.  
Деспот — золим, эзувчи.  
Дефис — чизиқча.  
Дефект — нуқсон, камчилик.  
Конгресс — кенгаш.  
Конкурс — мусобақа.  
Контроль — кузатиш, назорат.  
Лавр — дафна.  
Лента — тасма.  
Лимит — чеклаш, охириги миқдор.  
Маёвка — даласайр, даласайл.  
Мемуар — эсдаликлар, ёднома.  
Примитив — жўн, ибтидоий, содда.

Прспект — шоққўча, кенг кўча.  
Рационал — оқилона, асосланган.  
Реформа — ислоҳот, ўзгариш.  
Сетка — тўрхалта.  
Травма — шикаст, лат.  
Фиктив — ёлгон, сохта.  
Фон — тус, тағранг.  
Фон — муҳит, шароит.  
Циркуль — паргар.  
Шеф — бошлиқ, хўжайин.  
Экстра — олий, аъло.  
Эмоция — ҳис, туйғу, ҳаяжон.  
Эпизод — ҳодиса, кўриниш, ҳаётий воқеа.

Юридик — ҳуқуқий.

Абдуманноп МАМАЖОНОВ



### [Боши 19-бетда]

забт билан эшакдан тушди ва апилтапил дадаси ёнига етиб бориб бағрига кучди, — менинг отагинам...

Дадаси зўрға кўзини очди — чўғ бўлиб ёниб ётарди. Кўзларидан ёш томчилари пайдо бўлди.

Минг бир азоблар билан отасини уйга олиб келди. Ойшаби чолининг аҳволини кўриб, яна йиғига зўр берди. Эрталабдан Тангриберген оғанинг бола-чақалари ҳозир бўлишди. Қўшни қишлоққа келин бўлиб тушган қизлари Ширин ҳам эри, болалари билан етиб келишди... Тангриберген оға ҳеч нарса емасди, фақат сув ичарди.

Врач қақришди.

— Отанг ўлим талвасасида — ҳозирликларингни кўраверинглар, — деди кузатишга чиққан Орол-

бойга врач. — Кечга бориб тугайди.

Йўқ, Тангриберген оға кечга бориб тугамади. Тун бўйи алаҳсираб чиқди. Иккинчи кун шом чоғи тўшакдан турди. Қўл-оёқлари қалт-қалт титрарди, кўзлари эса ўт бўлиб чақнарди. Иситмасининг баландлигидан ҳансираб-энтикарди, қўлтиғидан суяшиб, атрофида гирди-капалак бўлаётган болаларини силтаб ташлар эди. Кекса балиқчи жисмида ҳамон қаерлардадир яшириниб ётган куч бор эди.

— Этигимни! — Тангриберген деди.

Ойшаби, болалари бири қўйиб, бири ялиниб-ёлвориб тўшакка ётишга ундашар, Тангриберген оға эса, ҳамон қўл силтаб гапга кўнмас эди.

— Ота, ота... — кўз ёшлари билан Оролбой яна дадасининг би-

лагидан ушлади. — Чарчаб қоласиз.

Тангриберген оға ўғлини яна силтаб ташлади. Ҳозир у яраланган шерга ўхшарди. Шаҳд билан ўрнидан турмоқчи бўлиб мункиб кетди, лекин уни суяб оёққа турғазиб қўйишди. У тебраниб, ирганиб эшикка қараб юрди.

— Отагинам... — йиғлаб хуноб бўлаётган Ширин ўзини дадасининг оёғига ташлади.

— Қўй мени! — Тангриберген оға зорланган титроқ овозда деди ва оёғини юлқиб олди.

Шу он Оролбой дадасини кучиб олиш учун қўл чўзди ва иниси Тотлибойнинг: «Қўй, тегма!» деган секин, аммо кескин гапидан жойида туриб қолди.

Тангриберген оға эса тебраниб, чайқалиб уйдан чиқди ва тўғри Орол сари йўл олди.

Болалари, Ойшаби, куёви, келинлари ҳаммаси кўз ёшлари билан унинг изидан тикилганича оёқда тик туришарди. Оролбой ўнг томонига сал эгилиб, бир қўли билан биқинини ушлаганича турарди. Унинг ҳам кўзларида ёш эди...

Бир вақтлари шер келбатли, барваста, энди эса аллақандай чўкиб, шилвирабгина қолган нимжонгина тана Орол сари талпинаркан, мункиб кетиб тиззалаб қолди.

Тангриберген оға яна аллақандай куч топиб, қайтадан оёққа турди ва тебраниб, чайқалиб йўлида давом этди. У қандай бўлмасин жонажон Оролига етиб бориши керак...

Тун қоронғулиги атрофни қуршаб келарди, уйдан узоқлашаётгани сайин майдалишиб кетаётган тана сўнаётган нимжон шамдек тун қаърига сингиб борарди...



**Т**опган гул келтирур, топмаган — бир боғ пиёз... Ота-боболаримизнинг ҳазил-мутойибага мойил бу матали замирида теран фалсафий моҳият яшириниб ётибди чамаси. Бундоқ ўйлаб қарайлиг-а, гул қаёқдаю пиёз қаёқда... Гул — муҳаббат рамзи, шодлик ва қувонч, байрам ва тантаналар белгиси, файзи. Пиёз эса, мутлақо унинг тескариси, аччиқ нарса. Қадимий шарқона удумларга кўра, пиёзни, тузни, қалампиру мурчани, яъни жамики аччиқ ва шўр нарсаларни одамлар бир-бирларининг қўлларига узатмайдилар, демак бир-бирларига аччиқликни — ёмонликни раво кўрмайдилар. Бу ҳам ўзига хос одоб, назо-

— Шанба, якшанба кунлари ҳам ҳовлида баъзи ишларни бажариб қўйса бўлади-ку, — дедим мен.

— Ҳа, энди... — деди мезбон ва бир муддат жимликдан сўнг қўшиб қўйди. — Шанба, якшанбага яраша ишлар ҳам чиқиб туради-да...

Аслида мен Сотволдини ҳам яхши танийман. Қирқ ёшларга борган норгул, забардаст йигит, тоғни урса, талқон қиладиган келбати бор. Шаҳарда — касаба жамияти идорасида ишлайди... Кунни кеча эрталаб кўрувдим уни... Барвақт туриб кўчага чиқдим-у, йўлакда югуриб келаётган бир неча кишига кўзим тушди. Улар зум ўтмай етиб келишди: олдиндагиси Сотволди эди, орқада унинг

кашнич билан жаъфари (петрушка) қулф уриб ўсиб турибди. Яшиқларнинг остига биттадан эски елим патнус қўйилган. Мезбоннинг айтишига кўра, мабодо, пастда сув йиғилиб қолса, ҳар икки-уч кунда яшиқлар кўтарилиб, патнуслар тозаланар экан...

Бу гап баъзи одамлар учун жуда кичик, ҳатто бачкана туюлиши мумкин. «Бир боғ пиёз ўн беш тийин турса, бир боғ кўкат йигирма тийин турса, шунинг учун ҳам ташвиш қилиб юриш керакми?» дейдиганлар оз эмас. Аслини олганда, хонадон ёки ҳовли юзасида кўкат ўстиришнинг ўзгача ҳаши ҳам бор — буни ҳамма ҳам тушунавермайди. Уйингизда ёки ҳовлингизда ўстирганингиз ям-яшил кўкатларнинг билинар-билимас

## Бир боғ пиёз

кат, яхлит қилиб айтганда, маданиятлилик аломати. Бироқ шуниси ҳам борки, инсонлар ҳаётининг тирикчилик деб аталмиш қиррасини аччиқ ва шўр нарсаларсиз, яъни пиёзсиз, тузсиз, қалампиру мурчсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳа, рост, шулар иштирок этмаса, ҳар қанақа дастурхон ҳам тўқин ва тўқис бўлмайди. Шу аччиқ ва шўр неъматлар йўқ бўлган жойда ҳар қандай фаровонлик ҳам кемтик бўлади. Қисқаси, бу ҳаётда бизга фақатгина ширин ва хушбўй нарсалар эмас, аччиқ ва тузли нарсалар ҳам зарур экан.

Бир боғ пиёз... Жиззах ноҳиясидаги хонадонлардан бирида кичиккина воқеага шохид бўлмаганимда, эҳтимол, мазкур мақолага ҳам қўл урмасмидим. Кечга яқин ток сўриси остидаги жойда гурунглашиб ўтирардик. Узун гиламнинг бир чеккасида шу оиланинг ёш болалари китоб-дафтар варақлашиб, ўзларича чуғурлашарди. Бир маҳал дарвоза тарафда саккиз-тўққиз ёшлар чамасидаги қизалоқ кўринди. Вурчакда китоб варақлаб ўтирган болалардан бири ўша заҳоти:

— Дада, ана қаранг, Сарви яна келди, — деди. — Яна пиёз сўраб келди.

Уй эгаси ўз ўғилчасига пўписа қилди: — Жим!.. Ундай дема, уят бўлади. Бунақа майда-чуйда нарсаларга қизгонманглар, демабмидим, — сўнгра бизга юзланиб гапида давом этди. — Ерда ўсиб ётган нарса-ку ахир, қўни-қўшнилари ҳам баҳраманд бўлишин-да...

Шу пайт уй бекаси ошхонадан чиқиб, ҳалиги қизалоққа рўпара бўлди:

— Пиёзга келдингми, қизим?

— Пиёздан ҳам, иннайкейин анави... кўк ўтлардан ҳам бераркансиз? — деди қизалоқ. Уй бекаси унинг айтганига кўра, қўлада пичоқ билан ток сўрисининг орқа тарафига тушиб, кўк пиёз ва кўкатлардан бир даста ўриб чиқди-да, қизалоқнинг қўлига тутқазиб, ошхонага кириб кетди.

— Сотволдининг қизчаси, — деди уй эгаси мамнун ҳолда чиқиб кетаётган қизалоқни кўрсатиб. — Булар ҳам жўжа бирдек жон: олтита фарзанди бор Сотволдининг...

— Уларнинг ўзи кўкат экишмаган экан-да, — дедим. — Мана, сизларникида тўрт-беш хил кўкат барқ уриб ётибди...

— Сотволди бунақа ишларга ҳафсаласизроқ, — деди мезбон. Мен уй эгасининг одатини яхши биламан: ўз қўшнилари ҳақида ҳам, таниш-билишлари ҳақида ҳам ҳеч қачон салбий гаплар айтмайди, ҳаммаша ёмонликни яширишга, яхшилиқни оширишга ҳаракат қилади. Шу боисдан бўлса керак, қўшниси Сотволдига ҳам гард юқтиргиси келмасди. — У бечорага ҳам осонмас — шаҳарда ишлайди. Аллақанча йўлга бориб келишнинг ўзи бўладими, толиқтириб қўяди одамни.

икки нафар ўсмир ўғли югуриб келишарди. Йўл устида зудлик билан сўрашиб ўтди Сотволди.

— Югуришни машқ қилаяпман, ака, — деди у сўрашиш асносида ҳарсиллаб, — шундай қилмасам кундан кунга семириб кетаяпман...

Кеча кечга яқин чойхона олдида яна Сотволдига дуч келдим. Эрталаб югуриб кетаётгани эсимга тушди-да, кўнгил учун гап қотдим:

— Югуришни машқ қилиб анча чиниқиб қолибсиз, Сотволди.

— Шу нарса жонимга оро кираяпти, — деди у яйраб. — Бир ҳафтача бўлди шудгорда югуришни машқ қилаяпман, ака.

— Шудгорда? — дедим ҳайрон бўлиб. — Нега шудгорда? Текис ер ёки йўлак камлик қилаяптими сизга?

— Шудгорнинг хосияти бўлакча экан-да, ака, — деди Сотволди. — Одамни яхши чарчатади, шу ишонсангиз, қўйлақларим ҳам шилта ҳўл бўлиб кетади тердан. Ҳузур қилаяпман.

Мен нима деяримни билмай:

— Саломатликка аҳамият бериб юрганга не етсин, — дедим. — Ҳар ким ўзига ўзи табиб бўлиши керак-да.

...Мана ҳозир Сотволдининг жажжи қизалоғи Сарвинисонинг қўшниларикидан кўкат олиб кетаётганини кузатган онларимда миямга бир гап урилди: «Бордию Сотволди билан унинг ўсмир ўғиллари шудгорма-шудгор сарф этилган кучларининг тўртдан бирини томорқага сарф этсалар, уларникида ҳам кўкат етиштириб бўлмасмиди? Албатта бўларди! Ушанда жажжи Сарвинисо бир боғ пиёз сўраб қўшниларикига чиқиб юрмасди... Сотволди деганимиз ўз фарзандларини ёнига олиб, озгина-озгинадан меҳнат қилса (албатта асосий ишидан бўш вақтларини кўзда тутиб айтаяпман бу гапларни), томорқасида фақат кўкат эмас, бодринг, помидор, картошка ёки қовун-тарвуз ҳам етиштириш мумкин эди. Ваҳоланки ҳозир унинг салкам ўн сотихли томорқасида тўрт туп дарахтдан бўлак ҳеч вақо йўқ...»

**Б**ир боғ пиёз... Агар кишида ҳафсалаю иштиёқ бўлса, бундай кўкатни фақат томорқаси бор хонадонларда эмас, кўп қаватли уйларда ҳам етиштирса бўлар экан. Тўққинчи қаватда яшайдиган бир дўстимиз дастурхонга қўйилган кўкатларни шу ерда — хонадоннинг ўзиде ўстиргани билан мақтаниб қолди. Утирганлардан кимдир унинг гапига ишонинқирамади. Шунда мезбон ҳаммамизни ойнавандли айвонга таклиф қилди... Чиқиб кўрсак... ичига серунум тупроқ тўлдирилган иккита яшиқнинг бирида барра пиёз, иккинчисида

шабадада солланиб, атрофга бўй таратиб, турганига не етсин!.. Қолаверса, бу ишнинг ўзига хос иқтисодий жиҳати ҳам йўқ эмас. Баъзан биз сўмларнинг тийинлардан пайдо бўлишини ёддан чиқариб қўямиз. Бизда кўпинча «Тошкент суви» ни ичиб бўлиб, шипасини кўчага итқитиб юбориш гўё одамийлик гурури, бадавлатлик нишониси, фаровонлик аломати ҳисобланади! Ҳолбуки, ўша шипани дўконга обориб, йигирма тийинни қайтариб олиш мумкин! Йигирма тийин — битта обинон дегани! Мантиқан олиб қараганда, битта шипани итқитиб юбориш битта обинонни ташлаб юбориш билан баробар эмасми? Увол эмасми бу?! Ҳа, биз ўзини билмаган, ўзлигини танимаган шундай исрофгар халққа айланиб қолганмиз!

Мана ҳозир инқилобий жамиятимизнинг иккинчи — ошкоралик, эмин-эркинлик, инсоний ҳуқуқларга эга бўлиш даврида яшаяпмиз. Бир тарафи қайта қуриш шарофати билан, иккинчи тарафи жумҳуриятимиз раҳбарларининг халқ овозига қулоқ тутаётгани боисдан қишлоқ аҳолисига кенг миқёсида томорқа бериш йўлга қўйилди. Мўътабар маъруза ва нутқларда айтилишича, ҳозиргача жумҳуриятимиз бўйича қишлоқ аҳолисининг томорқаларида етиштирилган маҳсулот умумий миқдорнинг 40 фоизини ташкил этаётган экан. Томорқалар миқдорининг кўпайиши билан уларда етиштириладиган маҳсулотни яна ҳам ошириш, бозорлардаги нарх-навони арзонлаштириш — жумҳуриятимиз халқларининг катта вазифаларидан биридир. Бу эса, осонликча, ўз-ўзидан бўлмайди.

Нега? Нега бўлмас экан?.. Бунинг сабаби шундаки, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида фақатгина шаҳарликлар эмас, ҳатто қишлоқ кишилари ҳам чинакам деҳқончиликдан, чорва молларини боқишдан анча узоқлашиб кетдилар. Деҳқонлар ерга эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар, ер эса, меҳр-шафқатга зор бўлиб қолди. Деҳқончиликнинг майда-майда тармоқ шохобчалари эсдан чиқиб кетди, айрим экинларнинг эса, ҳатто номи ҳам унутилиб борапти. Мисол учун, зигир, кунжут, тарик, махсар сингари экинларнинг қаерда экилишини ўн нафар одамдан сўрасангиз, бирови ҳам жавоб беролмаслиги аниқ!

Нега шундай бўлди? Қай тариха шу даражагача «ривожланиб» кетдик? Сўнгги олтмиш-етмиш йил давомида мамлакатимиз хўжалигининг нотўғри ўзанларда одимлагани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Оддийроқ қилиб айтганда, қайси раҳбар мамлакат тепасига келса, халқни ўз оҳангига солиб бошқарди. Одамлар эса, қатағонлару ур-йиқитлар, адолатсизликлар дастидан қарахт қолга келиб қолдилар. Юқоридан берилган топшириқнинг тўғри ёки нотўғрили-





## ШЕР ВА ЧУМОЛИЛАР

Бошпана ҳаваси Шерга бўлиб ёр,  
Қазувга киришди тоғ бағридан гор.  
Воҳ-воҳ, не ҳолдирки, йўқолиб тинчлик,  
Интилди ҳар бир жон қолгали тирик.  
Сочилиб тупроғу тошлар ҳар ёна,  
Чумоли инлари бўлди вайрона.  
Ҳар бир чумолида дарёланиб дард,  
Шафқатсиз Шерга, денг. ўт олди нафрат.  
Чумолилар Вийи қавмин кўриб хор,  
Инсофга чақирди Шерни неча бор.  
Аммо Шер мутлақо осмади кулоқ,  
Кўз ёшлар бамисли бўлса-да булоқ.  
Шундан сўнг Вий чиқиб дарахтга чаққон.  
Берди жанг этгали элига фармон.  
Ҳар бир чумолининг зил бўлиб зарби,  
Епирилди ҳар ёндан тошқин сел каби.  
Кириб кўзларию кулоқларига,  
Ниш урдилар ўшаб қовоқарига.  
Бурун катакларин босишиб чунон,  
Нафас йўлларига бўлдилар тўғон.  
Эриган мойдайин сизиб қаро тер,  
Тутқаноқ тутгандек питраб қолди Шер.  
Уч ўти бир нафас сўнмади лекин,  
Сўнмади, ғалвирак эдилар этин.

\* \* \*

Тушдайин ўтадир кунлар оғири,  
Озори жонларнинг войдир охири.



гини ўйлаб кўролмайдиган, ўша ишнинг оқибатини тасаввур ҳам қилолмайдиган бўлиб қолдилар. Агар ўйлаш, мулоҳазаю мушоҳада юритиш қобилияти бўлганида ичкиликбозликка қарши курашиш баҳонасида мамлакатимиз бўйича салкам 100 минг гектар, жумҳурият бўйича тахминан 15 минг гектар тоқзорлар қўпориб ташланармиди? Ҳа, рост, бу воқеа турғунлик йилларида эмас, бор-йўғи уч-тўрт йил аввал юз берди-ку! Хўш, ичкиликбозликка қарши курашиллар экан, бунинг учун ҳосил бериб турган тоқзорларда нима айб?! Вино қилинадиган узум навларидан оддий шарбат ҳам олиш мумкин эмасмиди? Майиз тайёрлаш технологияси бўйича қуритиб олиш мумкин эмасмиди?.. Вазорларда майизнинг нархи икки баробар ошиб, ўн икки-ўн беш сўмга чиқиб кетиши шундан келиб чиқмадими?! Буни қарангки, винобоп узум навларини қўпориб ташлаш иши фақатгина Грузияда амалга оширилмабди, улар юқорининг қарорига онг билан, ақл-заковат билан ёндашибдилар. Раҳмат ўша грузин ўртоқларга!

Дехқон ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритмоқда, деяпмиз. Пахта якказироатчили-

# МАСАЛЛАР

## БУРГУТ БИЛАН ТУЛКИ

Айлана-айлана фалакда Бургут,  
Солди, денг, баногоҳ Тулкига човут.  
Тулки аламидан кўтарди фарёд:  
«Ўх, ўғри, қароқчи, бераҳм жаллод!!!»  
«Ҳа, сен фариштасан, оппоқсан, оппоқ!»  
Дея кўзлари нақ бўлиб чўғ сиёқ,  
Тулкини мижғиди уриб чангалин,  
Бургут чангалида топди ажалин.

\* \* \*

Билки, эл нақли ҳеч ҳавойи эмас,  
Ҳаёт чин ҳакамдир, анойи эмас.

## ДАРЗ

Чайқалди хоналар зилзила чоғи  
денгизда елгандек телбавор довул.  
Дарз кетди токчадан отилиб, ҳайҳот,  
деворга урилган сайроқи Рубоб.  
Рубобки,  
кўнгиллар даштининг айқин дарёси.  
Неча бор қунт ила таъмирланди у  
берилиб мумиё асила, поки.  
Аммо сасларида кўринмади ҳеч  
аввалги оташу аввалги ёғду;  
аввалги жозиба, аввалги жоду.

\* \* \*

Қалб, англаг, нозикдир, нозик ҳар нафас,  
Аслига қайтмагай кетса агар дарз.



## ҚАШЛОҒИЧ ВА КАНАЛАР

Еса-да озигин меъёрдан ортиқ,  
Эдилар ферманинг моллари ориқ.  
Бу ҳолга Раиснинг тушгач назари,  
Бўлди денг, қаққандек нақ қовоқари.  
Синчковлик ила у кўздан кечиргач,  
Дўл мисоли ёғилди юрагига ранж.  
Ахир, танларида Каналар виж-виж!  
Келтирди шошилинч темир Қашлоғич.  
Бирма-бир қашлангач унда ҳар бир мол,  
Каналар чатнашди кўришиб завол:  
«Бай-бай-бай, бўлди-е не балога дуч,  
Бизларга, ахир, бу ноўрин хуруж!»

гининг занжирлари ҳам хиёл бўшашаётганга ўхшайпти. Уй қуришга, томорқа олишга зор одамлар ерлик бўлаётдилар. Одамларнинг, айниқса, қишлоқларимиз аҳолисининг ерга бўлган, деҳқончилик-резаворчиликка бўлган меҳр муҳаббатини яна ҳам ошириш даври келаяпти. Бу жараённинг қай даражада кечиши одамларнинг ўзларига ҳам, жамоа хўжалик раҳбарларининг ишбилармонликларига, халқ ғамини ўйлаб, кўпчилик манфаатини кўзлаб иш юритишларига ҳам боғлиқ. Ҳар ҳолда, халқ оддий кўкат етиштиришдан тортиб, сердаромад ҳосил олишгача бўлган даражага чиқиб олиши лозим.

**Б**ир боғ пиёз. Бу дегани — ерга муҳаббат, она табиатга муҳаббат. Бу дегани — ҳафсалаю иштиёқ, камтарона меҳнат. Бу дегани табиатнинг кўркию дастурхондаги ноз-неъмат. Қолаверса, тупроқда бир боғ пиёз ўстириш ҳам ўзига хос юксак санъат.

Дарвоқе, сўзимизни гул ва пиёздан бош-

## ЖАРИМА

«Ў-ў, Жамшид, нима гап, чеҳрангга булут?  
Эдинг-ку бамисли чақнаган бургут!  
Во, ҳатто гижирлаб кетаяпти тишинг!!  
Ўлдими ё бирон ардоқли кишинг?  
Гапир, эҳ, мунча ҳам бўлмасанг-е без,  
Ерилиб кетаман, гапирақол тез!!»  
«Сўрама, жигарим, сўрама асло,  
Ишларим расво».


«Сабабин айтсанг-чи, қилвординг-ку қон,  
Товонга бесабаб кирарми тикон!»  
«Биласан, қурилиш аҳлига бошман,  
Бирига пахтаман, бирига тошман.  
Негаки, биридир ҳалолу йўртоқ,  
Биридир ишларни қилувчи чўлтоқ.  
Хуллас, биз қўл урган иморат борки,  
Иил ўтмай тоб ташлар сўкилиб чоки.  
Улардан бири, о, бўлса-да янги,  
Бир ёнга мункиди, бўш экан тағи.  
Ҳакамлар бу ҳолни қилишиб ғалвир,  
Илон чаққандайн бердилар таъзир.  
Охири бўйнимга тушди кетган харж,  
Пашшадек ёприлди дилгинамга ранж!  
Ахир, бу харж эса — бўй баробар пул!!  
Қамоқ кўз ўнгимга келмоқда нуқул...»  
«А-ҳа, ҳимм, кўраяпман, руҳингда тўлғоқ.  
Бошингга туширмиш хом ишинг тўқмоқ».

## ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ

Офтобдек чарақлаб қалбида ихлос,  
Ўтқазди Шоюнус эртаги Гилос.  
Авж олди кунба-кун топиб парвариш,  
Бўйланиб новдалар мисоли қамиш.  
Бодрокдек гуллади учинчи йили,  
Ҳар шохда баайни гуллар сайили.  
Бу гуллар кун оша ғўраландилар,  
Кун оша лолавор ранг ўрандилар.  
Майдароқ кўриниб доналар аммо,  
Исталди жилғалади ўрнида дарё.  
Теграси чопилиб, тортилиб жўяк,  
Тахтланди бергали бақувват хўрак.  
Терлабми, итқитиб четга тўнини,  
Шоюнус солди хўб товук гўнгини,  
Сўнгра сув бостирди кўллатиб роса,  
Кўлламас бу қадар ҳатто сел ёғса.  
Тағига шимилгач шарбати, кучи,  
Сўлийбошлади, денг, шохларин учи!  
Ортиб кетдими-е меъёрдан ўта,  
Бўлди қўйилгандек мисли кислота.  
Кўп ўтмай унниқди Гилоснинг ранги,  
Устидан қайноқ сув пуркалган каби.  
Тўлғонди Шоюнус теккандайин тош:  
«Кўзни чиқардим, эҳ, қўйгум дебон қош!!»

лаган эдик. Пиёз ҳақида гапирибмизу гулнинг деярли таъриф-тавсифини келтирмабмиз. Майли, бу вазифани ҳамшигадек шоирларимизга қўйиб берайлик. Пиёз хусусида кўпроқ тўхталсак тўхталибмиз-да. Зеро, иқтисодий танглик деб аталаётган бир пайтда дастурхон тўкинлигини, бозорнинг мўл-кўллигини орзу қилишнинг айби йўқ. Халқимизнинг мана бу мақоли ҳам сўзимизни тасдиқлайди: «Аввал — таом, сўнгра — калом».

Оқилжон ҲУСАН





# ТИЛ ВА ЭЛ УЛИ

ёхуд қақраган тилга тириклик суви

**Н**ақл қилишларича, асримиз бошларида бизнинг Қорачиқ қишлоғимизда тили чучук одам бўлган экан («с»ни айтолмас экан). Уша одамнинг болаларини мактабдошлари «Сенинг отанг соқов», дея масхаралайверганларидан кейин, кунлардан бир куни улар отасининг қошига келиб хархаша қилишибди: «Нега соқовсиз, бизга тенгдошларимиз кун бермаяпти». Ушанда бу бедодликдан аччиги чиққан тажангроқ ота ўз болаларига «қозоқнинг тўққиз пулидек» тушунарли, лўндагина «бир сўз» дебди: «Дод дешангам отанг бўламан, войдод дешангам отанг бўламан».

Бу гап учун тили чучук отани айблаб бўлмайди, албатта. Ҳар қалай, шундай дейишга маънавий ҳаққи бор унинг! Бироқ шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида аслида тўтидек тилсиз, ҳаққадек қўнимсиз не-не шахсиятпарасту шуҳратпарастлар, биз дод десак ҳам, войдод десак ҳам: «Мен халқнинг отасиман!» дея оёқ тираб туриб олишди. Отабекни яратган Жулқунбой ва Ота шоир — Чўлпон сингари бундай «қиқизил майнавозчилик»ка қарши дадил исён кўтарганларнинг тили кесилди. Омон қолганларнинг Ойбекдек тили тугилди. Уша йилларда: «Тил югуриги — бошга», деган мақол шунақанги кенг тарқалдики, асти қўяверасиз. Хайрият, кўз тегмасин, охири бахайр бўлсин, мана, замоннинг шарофати билан тагин тилимиз чиқиб келаяпти. Давлат тили хусусидаги қонун бунинг энг ёрқин далили бўлди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирувчи муҳим тарихий воқеа, албатта. Лекин: «Мана, ахийри тилимизга давлат тили мақоми берилди — орзумиз ушалди-ку», дея хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ. Чунки вақтида не-не эзгу қонуларимиз қозғозда қолиб кетгани барчага аён. Очиғи, биз бири иккинчисидан ажойиброқ қонун ва режаларни хўжа кўрсинга қалаштириб ташлаб, амалда уларнинг батамом аксини қилиш ботида устаси фаранг бўлиб кетганмиз! Ўзингиздан қолар гап йўқ, «Озиқ-овқат программаси» озиқ-овқатнинг баттар баракасини ўчирди. Демокриманки, қонунни қабул қилиш билан иш битмайди, балки бошланади.

Хўш, тил хусусидаги қонунни қандай амалга ошириш керак? Уни кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тезроқ ва кўнгилдагидек тўқис-туғал жорий этмоқ учун нималар қилиш керак? Бу гоят мураккаб ва серқирра ишда даставвал қай бир ўзак масалаларга эътиборни қаратмоқ керак?.. Мен бир қаламкаш сифатида ўзимни ўйлантдириб юрган бу муаммоларга доир айрим шахсий мулоҳазаларим ва аниқ таклифларимни айтишга ўтишдан аввал тарихга — муаммонинг илдизларига қисқа бир назар ташлашни истардим.

Маълумки, қадимий юртимизда Расул Ҳамзатов «Доғистоним»да тилга олган қарғиш устасига устозликка ярайдиган энг шаллақ хотин ашаддий душманини ҳам «тилинг кесилгур» дея қарғамайди. Чунки қадим-қадимдан тил кесиш ўтакетган ваҳшийлик, энг мудҳиш жазо, бош олишдан ҳам шафқатсизроқ ёвузлик ҳисобланган.

Бир пайтлар Қутайба бошчилигидаги араб босқинчилари бизни жоҳилликда айблаб туриб, ўзлари ишни айни шундай ваҳшийларча ёвузликдан бошлаганлари тарихдан маълум. Узоқ давом этган жисмоний тазйик, гоёвий таъқиқ ва руҳий таҳқирлар ниҳоясида қадим ва бой турк тили хонаки тилга айланиб, ҳалоқат бўсағасига келиб қолди. Унинг худди санскрит ва ё лотиндек ўлик тилга айланиш хавфи тугилди. Ана шунда бир даҳо тилшуносимиз — Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девони луғатит турк» асари билан, уч даҳо шоиримиз — Юсуф Болосоғуний «Қутадғу билик», Аҳмад Югнакий «Ҳиббат ул ҳақойиқ» дostonлари-ю Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»и билан она тилимизни, айтиш мумкинки, ажал чангалдан соғомон олиб чиқдилар. Шундан кейин ўтган минг йиллик тарих тилимизнинг тозалиги ва яшовчанлиги учун муттасил курашу синовларда ўтди. Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбекдек алломаларимиз, азбаройи уни фан тилига айлантдиролмаганлари боис, ўз асарларини Шарқдаги фан тили — арабчада яратдилар. Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Паҳлавон Маҳмуд, Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Дехлавий, Мирзо Абдуқодир Бедиллар эса, уни адабиёт тилига айлантдиролмаганлари боис, Шарқдаги шеърият тили — форсчада ижод қилдилар. Хоразмий, Отойти, Дурбек, Саккокий, Лутфийларнинг тил мустақиллиги, адабий тилимизнинг равнақи йўлида олиб борган кўп асрлик курашлари ҳазрат Навоий ижодида оламшумул ғалаба билан якунланди.

Бу ёқда энг буюк даҳолардан буюкроқ даҳо — халқнинг ўзи ҳам қараб турмади, албатта. Биргина Гўрўғли туркумига кирган олтмишдан ортиқ дostonнинг ўзиёқ туркий тилни гўр оғзидан нақ осмони-фалакка олиб чиқиб қўйгандек бўлди. Нима десангиз денгу, лекин жаҳон адабиётида бу бадий-эстетик ҳодисага тараф йўқ. Сирасини айтганда, Гўрўғли туркуми билан на «Илиада» ва «Одиссея», на «Рамайяна» ва «Махабхарата», на «Шоҳнома» ва «Илоҳий комедия», на Бальзак ва Журжи Зайдоннинг туркум романлари беллаша олади... Хуллас, натижа араб босқинчилари кутганининг батамом акси бўлиб чиқди: турк тили Энасойдан Шарқий Рим, яъни, Румга қадар, Мочиндан Аштархонга қадар, Оллоҳободдан Доғистонга қадар Машиқ-у Мағрибда кенг қулоч ёзди. Лекин аввалига — араб, кейинчалик — мўғул босқинчилари «моҳирона» экиб кетган ички низо уруғлари вақти келиб ўз ишини қилди. Амир Темурнинг марказлашган давлат — ягона Эл бирлиги, Алишер Навоийнинг давлат мақомидаги ягона Тил бирлигини қарор топтириш йўлида амалга оширган оламшумул ишларидан қатъи назар, қадимий Турон ва буюк турк халқи асрлар ўтган сари, худди ҳозирги араб мамлакатларидек, тобора парчаланиб кетаверди. Асримиз бошларига келиб, бир бутун турк халқидан, худди ўзаро ноаҳил уч хонлик (Хева, Қўқон, Бухоро) «уч оғани ботирлар»дек ворис қолдилар: Шарқий Туркистон, яъни, Синцзян, Ғарбий Туркистон, яъни, Туркия ва, ниҳоят, Россия империяси таркибидаги мустамаलाқ ўлка — Туркистон мухтор жумҳурияти. Сталинча миллий сиёсат эса, «пан-

туркизм» деган ваҳимали ёрлик остида мухтор жумҳуриятнинг ўзини ҳам тагин бешолти бўлакка парчалаб ташлади. Шундай қилиб, айниқса сталинча миллий сиёсат «бўлинганни бўри ер» деган мақолнинг нечоғли тўғрилигини араб ва мўғул босқинчиларидан ҳам яққолроқ кўрсатди-қўйди.

Тилимизнинг бугунги ҳаёт-мамотини ижобий ҳал қилишда, ўйлайманки, тарихга бундай бирров назар эмас, узоқ муддатли сафар-саёҳатлар керак бўлади. Ҳар қалай, бугун шу ҳол ойдек равшанки, умуман, маданиятимиз каби, тилимизни ҳам тарихий илдизлардан узиб ташлаш, уни беҳад қашшоқлаштириб қўйиши муқаррар экан. Ахир «язык туземца», сарт тили, ўзбек қавми, чигатой улуси қабилидаги ўта шартли ва таҳқирумоз атамалардан (маълумки, дастлабки икитаси — Россия империяси малайларининг бизга «тортиғи» бўлса, кейинги икки атама аслида халқ номи эмас, мўғул босқинчиларининг вакили бўлмиш икки ҳукмдорнинг исми, холос. Бу жиҳатдан қирғиз, қозоқ, туркман, қалмиқ ва бошқа биродарларимизнинг аҳволи бизникидан тузукроқ, ҳар қалай, қадим туркий қабила ва уруғ номларини сақлаб қолганлар, босқинчи номини бошдаги дўппидек азиз билиб, у билан фахрланиб юрганлари йўқ! (Ҳа, шулар каби халқ шаънини оёқости қилувчи атамалардан қадди дол қадим ва бой турку тилимиз бугунги кунда Оролдек қуруқшаб қолгани, санскрит ва ё лотиндек ўлик бўлмаса-да, ўта ҳосилланиб, чалажон бўлиб ётгани кўрар кўзга аён ҳақиқат. Башарти исбот керак бўлса, уни, айтайлик, ҳозирги тилимизнинг икки жилдлик изоҳли луғатидан истаганча топса бўлади. Зотан, мазкур луғат тилимизда тарихан мавжуд сўз бойлигининг ўндан бирини ҳам кўрсатолмайди. Винобарин, бугун ишни аввало кенг миқёслардаги луғатлардан бошламоқ керак бўлади. Шу маънода филология фанлари номзоди Ҳ. Исматуллаев «Тилимиз ўзгараёптими? Қандай?» мақола-сид (Совет Ўзбекистони» газетаси, 1989 йил, 3 декабрь) хабар берганидек, Тил ва адабиёт институти олимлари ўн жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» устида иш бошлаганлари таҳсинга лойиқ, албатта. Лекин энди шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида йўл қўйилган хатолар такрорланмаслиги ва ё янгича шамойилда «ривожлантирилмаслиги» зарур. Аввало халқнинг «отини бошқа қўйиш», тўғрироғи, уни аслига қайтариш, ўз номи билан аташ масаласи ўйлаб кўрилса экан. Қолаверса, бу луғат икки жилдлик луғатнинг «айрим жузъий кам-кўсларини тўлдириш» ва жилдлар ҳажмини кичрайтириш ҳисобига шоша-пиша, пала-партиш яратилмаслиги, минг йиллик адабий тилимизнинг мавжуд сўз бойлигини тўла қамраб олмоғи лозим. Бироқ адабий тилнинг изоҳли луғати билан ҳам иш битмайди. Унинг манбаъларига ҳам теранроқ назар ташлаш керак бўлади.

Маълумки, ҳар қандай адабий тилнинг уч манбаи бор: оғзаки адабиёт, ёзма адабиёт ва жонли халқ тили, яъни жами лаҳжа ва шевалар (чунончи, тилимизнинг қардош жумҳуриятлар, Афғонистон, Хитой, Туркия, АҚШ ва ГФРда мавжуд лаҳжа ва шевалари). Шу уч бисотимиз, шу уч чексиз уммонимизни яққолроқ тасаввур этмоғимиз учун ўн



жилдли луғат қошида (билмадим, ҳар бири неча жилдли бўларкин?) тагин учта изоҳли луғат ҳам яратилиши керак бўлади: ҳозирги адабий тилимизга сингишмаган «Оғзаки адабиёт сўзлиги», «Езма адабиёт сўзлиги», «Лаҳжа ва шеваларга хос сўзлар». Бир пайтлар чоп этилган «Навий асарлари луғати» бундай изоҳли луғатлардан бирига хамир-туришликка ярайди, холос. Дейлик, халқ дostonларидаги Чамбил, Сусамбил, Ваянган, Қўнғирот, Қалмоқ, Қўҳи Қоф каби минглаб жой номлари, Алпомиш, Кўкалдош, Гўрўғли, Ултонтоз, Жайноқ ва ҳоказо беҳисоб атамалар ҳамда атоқли отлар атрофлича изоҳланса эди, бир томондан — маданий тарихимиз хусусидаги тасаввуримиз, иккинчи томондан — адабий тилни замонга мослаб ривожлантириш имкониятимиз сезиларли даражада бойиган бўлур эди. Ехуд, дейлик, жонли тилда ёнма-ён қўлланувчи учта сўз («лўли», «анди», «жўғи»)нинг маъно жиҳатидан муштарак ва фарқли томонлари етарли изоҳланса, тилимиз ва тарихимизнинг бугунги кунда қоронғу нуқталари ажабтовур ойдинлашган бўлур эди. Эътибор беринг: нима учун одатда «лўлилик қилма», «жўғимисан дейман?», «андига ўхшайсан-а?» дейилмайди. Дейилганда эса, бу иборалар асл файз-таровати, жозибаси, «либоси мавзун» ини йўқотиб қўяди. Нега шундай?..

Ҳа, одатда ҳар қандай тилнинг қудрати унда мавжуд сўзлар ва ё синонимик қаторлар миқдори билангина ўлчанмайди, балки ҳар бир сўзнинг нақадар пурмаъно ва бўёқдорлигига, шуларга боғлиқ ҳолда тилнинг ибораю мақол-маталларга нечоғли бойлигига ҳам жуда-жуда боғлиқ. Айниқса, шу икки жиҳатдан тилимиз жаҳондаги энг қудратли тиллардан бири эканлиги шак-шубҳасиздир. Дейлик, унинг синонимик қаторларга нечоғли бойлигини бобокалонимиз Алишер Навоий «Муҳокаматул луғатайн»да етарлича исботлаб кўрсатган. Хўш, халқ оғзаки ижодидаги (жаҳонда ягона!) аския жанри ва ё ёзма адабиётимиздаги туюқ жанрига асос бўлган омоним (маънодош) сўзлар-чи? Иборалар-чи? Мақол-маталлар-чи? Улар тилимизда неча экан? Санаб адоғига етиб бўлармикин? Бу борада ҳам изоҳли луғатшуносларимиз учун қиладиган ишлар беҳисоб. Ҳурматли тилшунос олимларимиздан Азим Ҳожиёвнинг синоним сўзлар, Шавкат Раҳматуллаевнинг иборалар хусусидаги қимматли илмий тадқиқотлари, ака-ука Шораҳмедовларнинг «Кенг уйнинг келинчаги» оммабон китобидек хайрли ишлар бугунги кунда янгича суръат билан давом эттирилмоғи, муҳими — узилиб қолган тарихий илдизлар қайта уланмоғи керак.

Мулоҳазаларим қуруқ бўлмаслиги учун шу ўринда биргина мисолга тўхталиб ўтишни истардим. Мана, қадим туркий мақолнинг икки — замонавий ва тарихий шаклини муқояса қилиб кўринг (булардан биринчиси бугунги кунда фаол муомалада, иккинчиси қарийб унутилган): «Қизим — сенга айтаман, келиним — сен эшит». «Увизим — сенга айтаман, улим — сен эшит, Керагам — сенга айтаман, келиним — сен эшит». Тўғри, мақолнинг замонавий шаклида ҳам муайян имошора, коса тагида нимкоса, яъни, бадият бор. Лекин бу бадият қадимий шаклдагига нисбатан бағоят жўн ва нурсиз. Эътибор беринг: аввалги шаклда мақол айтилажак гапнинг муқаддимасига ўхшаб турибди. Қолаверса, унда қизни яқин тутиб, келинни четлатиш, келинга бегонасираб қараш сезилади. Бунинг устига, «қизим» ва «келиним» тунчаларида жинс маъносидан бошқа, мустақкамроқ мантиқий боғланиш йўқ. Кейинги, яъни, қадимий шаклда-чи? Мақол ҳавас қилса арзигулик юксак бадият касб этиб, тугал бир образга айланган. Яъни, унда «айтаман» дейилган гап, аслини олганда, айтиб бўлинган: оила ўтовга ўхшайди, эр — увиз бўлса, хотин — керага. Шу икковининг мустақкам бирлигисиз ўтов ҳам йўқ, оила ҳам!.. («Увиз» ва «керага» — ўтовнинг ўзаро боғланган пастки ва устки синчлари демакдир).

Ниҳоят, тилимизнинг луғат бойлиги ва ифода қудратини яққолроқ тасаввур этиш

билан боғлиқ учинчи таклифим: модомики икки дарё (Аму ва Сир) оралиғи қадим турк халқининг туб-киндигини, «ўзбек тили» деб юритилувчи тил эса, туркий тилнинг ўзагини ташкил этар экан, демак, ўзингники ўзагини ўймадлиги керак! Қани энди бир қияда — Ленинградда эмас, жумҳуриятимиз Нозирлар кенгаши қошида Туркшунослик маркази ташкил этилсаю, бу марказда уйғур, қирғиз, турк, озарбойжон, туркман, қозоқ, татар, бошқирд ва бошқа биродарларимиз билан ҳамкорликда шу тилларнинг қиёсий луғати яратилса. Ана ўшанда наинки она тилимизнинг луғат бойлиги, айна чоғда санаб ўтилган тилларнинг нечоғли қон-қардошлиги, бошқа тил оилаларига нисбатан ўзаро гоят яқинлиги, аслида битта тиллиги, туркий тилнинг нақадар сержилолиги рўй-рост кўринарди-қоларди. Муҳими — бу қон-қардош тиллар бугунги кунда расмий идора тилини, саноат ва маданият тилини, айниқса, фан ва техника тилини замон талаблари даражасига кўтаришда бир-бирларига биродарларча ёрдам қўлларини чўзардилар, қўлни қўлга бериб, кўплашиб-кўмаклашиб иш кўрардилар. Бу эса, ўз навбатида, сталинизмнинг халқларни парчалаб-тўзитиб, ўзаро зимдан ёвлаштиришдек маккорона сиёсати илдизига болта ураб эди.

Ана шу уч ишни кўнгилдагидек удалай олсалар, аминманки, луғатшуносларимиз ўз устозлари (Қошғарий)га муносиб ворис бўла олардилар. Муносиб ворис бўлиш мақсад эмас, мақсадга эришиш йўлидаги восита, албатта. Муҳими — тил хусусидаги қонунни ҳаёгга жорий этиш ишига амалий ҳисса қўшган бўлардилар.

Хўш, шоир-ёзувчиларимиз-чи? Езма адабиётимизнинг бошида турган уч оға-ини ботирлар: Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Ясавийларга муносиб ворис бўлишлари, яъни, тилимизнинг замонга муносиб равнақини таъминлашлари учун шоир-ёзувчиларимиз — сўз санъаткорлари

миз нима қилмоқлари керак? Очиги, «Гап билгунча иш бил» мақоласидан сўнг («Совет Ўзбекистони», 1989 йил, 25 февраль) бу хусусда ёзиш тугул гапиришдан ҳам қўрқиброқ қолганман. Шу боис қаламкашларимизга «ақл ўргатиш»дан тийилиб, ниҳоят тилак билдирмоқчиман: модомики бирламчи иш қуролимиз — тил экан, аввало ҳеч биримизнинг тилимиз кесилмасин, қолаверса, ҳозирги адабий тилимиз ҳар уч манбаъдан қувват олиб, жонлансин, Тилимиз айри эмас, бир бўлсин, Тилимизга маҳкам бўлайлик. Бунинг учун эса... Чўпон ота, Занги ота, Нур ота, Чўлпон ота, Қурқут ота, қўйинг-чи, тарихимизда муносиб из қолдирган қирқ отанинг, қолаверса, не-не отахонлар-у отабойларнинг катта отаси, пири комилимиз Аҳмад Ясавий айтиди:

*Ҳақ зикрини мағзи жондан чиқармасанг,  
Уч юз олтиш томирларинг тебратмасанг,  
Тўрт юз қирқ тўрт сўнгаларинг қул қилмасанг,  
Ёлгончисан, ҳаққа ошно бўлгонинг йўқ.*

Агар ҳазрати султони орифининг шу гаплари рост бўлса, биз ҳали... қип-қизил ёлгончимиз!

Халқ айтиди: «Гап келганда отангниям аяма».

Агар биз чинакамига «ҳаққа ошно» — ҳаққўй бўлсак, рост гапни рўй-рост айтиш бошида сохта оталар тугул чин оталарни ҳам аяб ўтирмасак (барибир, ўша мақоланинг мағзини тагин такрорлашга тўғри келади): агар биз қуруқ гап билан алаҳсиб қолмай, ҳар биримиз аниқ ишни сидқидил бажаришга ўтсак, агар бизга тўғри гап ёқса (йўқ, нумид шайтон, «туянинг думи ерга тегса» демайман), ҳар қалай, Насриддин Афандимиз айтганидек, «насиб қилса», она тилимиз қоғозда эмас, амалда давлат тили бўлади.

Модомики ўша мақоланинг мағзини эслатган эканман, «берди»сини ҳам айтишга тўғри келади: агар ҳар бир ижодкор оғзаки ва ёзма адабиёт ҳамда жонли халқ тилининг

### Баҳсми, рақсми?



— Ур-ре, бизнинг йилимиз келди!

Р. Ашуров сурати (ЎзТАГ)



чексиз имкониятларидан амалда яхши фойдалана олганида эди, эҳтимолки она тилимиз ўзи хусусидаги махсус қонуннинг кун тартибига қўйилишига ҳеч бир эҳтиёж сезмаган бўлур эди.

Минг афсуски, тилимизнинг бугунги аҳволи Оролимизнинг аҳволидан яхши эмас. Нимага асосланиб шундай деяпман?

Албатта, луғатлар яратиш бобида узоқ асрлик тарихий тажрибаларга эгамиз — яна кўплаб луғатлар яратса бўлади. Она тилимизда яратилган бой оғзаки ва ёзма адабиётимиз бор, у бугун ҳам баҳоли қудрат яшаб турибди ва бундан кейин ҳам яшайверади. Қатор адабий асарларимиз ва, айниқса, матбуотимиз тилига хос «райрат камарини боғлаб», «жавлон урди» қабилидаги сийқа ва жонсиз иборалардану сўз қаҳатчилигидан қутулиб, адабий тилимизни бойитиш ҳам мушкул иш эмас. Уни расмий ёзишмалару халқаро муносабатлар тилига айлантиришни ҳам удаласа бўлади. Назаримда, энг мушкул иш — она тилимизни замонавий фан ва техника тилига айлантиришдир. Жиддийроқ ўйлаб қарайлик: машина-трактор станцияси (МТС)дан тортиб то реле, ион, синхророзитронгача, эҳ-ҳе, озмунча сўзлар, аксарият ҳолларда ўз сўзларимиз ҳисобига тилимизнинг нақ тўрига кириб, ястаниб олмаяптими? Худди бир пайтлар арабларнинг фан, маориф, мактаб каби сўзларидек. Е Афросиёбу Турк ҳоқонлиги бўлган халқда «фан» йўқми?! Хўш, бугун-чи? «СССР», «КПСС» — қай тилда бу қисқартма отлар?! Шу сингари сўзларнинг муқобилини ўз тилимизда яратиш ва борларини қидириб топшдек ижод-изланишни йиғиштириб қўйиб, фақат сўз қабул қилиш билан машғул бўлаверсак, бунақада тилимиз қачон кирои фан тилига айланади? Илмий-техник инқилоб ғалабаларини тарғиб-ташвиқ этиш билангина машғул изоҳловчи, кўмакчи тил ҳолида қолиб кетавермайдими? Қолбуки ана ўша тарғиб-ташвиқ бобида ҳам аҳвол афсусланарли. Аниқ фанлар ва замонавий техниканинг исталган соҳасига доир исталган рисола таржимасини, ҳатто «ўз» тилимизда ёзилган китобни олиб варақланг! Баайни русча-байналмилал сўзларнинг йиғиндиси дейсиз. Илмий атамаларни айнан олганимиз олган, жумлалар қурилишида ҳам рус тилидан пала-партиш нусха кўчирмоқдамиз. Натижада бу китобларнинг тили шунақанги «чийралган», услуби шунақанги мижғов ва мужмағилки, нима дейилмоқчи — мутахассислар ҳам тушунолмаб бошлари қотади. Шу боис улар аслиятда — рус ёхуд инглиз тилининг ўзида ўқишни маъқул кўрадилар. Лоақал яқиндагина чоп этилган «Политехника луғати»ни олиб қаранг! Унда русча-байналмилал атамаларнинг тилимиздаги муқобили йўқ ҳисоб: айрим ярим-ёрти тар-

жималарни айтмасангиз, аксарияти рус тилидаги сўзларнинг она тилимиздаги ўта мужмал ва тушунарсиз изоҳларини тушунтиришлари! Бас, шундай экан, бунинг нима-си «луғат», қай тилдаги «луғат»?! Наҳотки тилимизни мужмал изоҳлар тилига эмас, замонавий фан ва техника тилига айлантириб бўлмаса? Ундан зарур муқобил атамалар топиб ва ё янги сўзлар ясаб бўлмаса?! Ҳар қалай, тилшунослару аниқ фан соҳалари бўйича малакали мутахассисларимиз ҳамкорликда шу мушкулотни ҳал қилсалар, она тилимизнинг кирои фан тилига айлантира олсалар халқимизнинг асрий орзуси, Форобий, Ибн Сино, Берунийдек не-не алломаларимизнинг кўнгил армонлари бизнинг инқилобий қайта қуришлар даврида ушалган бўлур эди. Айниқса, шу ишда бугунги жаҳоннинг тараққий топган пешқадам мамлакатларидан бири бўлмиш Туркия тажрибалари биз учун бир мактаб вазифасини ўтаса, эҳтимол. Туркшунослик маркази ҳам, худди Атамалар марказидек, айни шу энг мушкул ишни амалга оширишда жуда-жуда кўл келиши аниқ.

Менимча, энг мушкул муаммолардан яна бири — ҳар қандай тилнинг тирик хазинаси бўлмиш жонли сўзлашув тилининг софлиги масаласидир. Бундан йигирма йил аввал биз талабаларга дарс берарканлар, Шавкат Раҳматуллаев домла шундай бир ҳаётий ҳангомани ҳикоя қилгандилар. У киши кўнка (трамвай)да кетаётган етмиш яшар бир чолга гап қотибдилар:

— Ҳойнаҳой бозорга тушарсиз, отахон, кейинги бекаат — Паркент бозори...

Жавоб шундай бўлибди:

— Йўқ, мен доконсасигача бораман.

Йигирма йил муқаддам етмиш яшар чолнинг нутқи шундай бўлгач, бугунги кундаги талаба ўсмирлару аниқ фан бўйича мутахассисларнинг жонли мулоқот тили русча ва ўзбекча сўзлар аралаш-қуралаш қўлланувчи ўзига хос «эсперанто», тўғрироғи, бўтқа ҳолига келиб қолганига ажабланмасак ҳам бўлади!

Қолбуки, ҳар қандай тилнинг тириклик мезони, бош манбаи, сарчашмаси — жонли халқ тили. Айрим илғор вакиллар қанча кўп тилни билса, шунча яхши, лекин ҳар бир Эл, токи Эл экан, унинг она тили иккита ёхуд икки тилнинг қотишмаси эмас, битта бўлиши керак. Шуниси билан у Эл! Акс ҳолда у Кумуш билан Зайнаб ўртасида сарсон Отабекдан бешбаттар аҳволга тушиши мумкин. Демокчимизки, ҳар бир тил чашмадек тиник, Кумушдек гўзал ва севимли бўлмоғи керак. Иккинчи тил эса, Кумушни заҳарлаб ўлдирган Зайнабдек, Отабекни «уч талоқ» дейишга мажбур этмаслиги керак...

Тил. Эл. Ул. Қадим турк тилимизнинг, айтиш мумкинки, ўзагини ташкил этувчи бу



уч сўз ўзаро яқин тушунчаларни ифодалайди. Айни чоғда, уларнинг ҳар бири бир нечта маънони англатади. Дейлик, тил — «нутқ аъзоси» ва «ижтимоий онг шакли», эл — «халқ» ва «ватан» маъноларини ўзида бирлаштиргандек, «ул» сўзи уч маънода барабар ишлатилади: ўғил, пойдевор ва ўкча. (Пойафзал, яъни, оёқ кийимдаги ўкча устига ёзиладиган пой-патакнинг қадим турк тилида «ултон» дейилиши ҳам бежиз эмас! Ҳа, Тил (она тил) ва Эл (ота юрт, ота макон)нинг Ули — Сўз! «Сўз парваришида оналардан ибрат олайлик, сўз — одам», дейди Мурод Хидир ўз «Иншолар»идан бирида, «Сўз — фарзанд, сўз — пойдевор, сўз — ўкча, керак бўлса, сўз — базис, яъни ўзак», деймиз биз. Тилимиз ва Элимизнинг тарихий тақдири ҳар тўрт маънодаги Улимизнинг аҳволи билан боғлиқ. Демокчимизки, ота-онанинг тайини йўқ, тили ва эли мажхул тўтию ҳақкалар, ўкчасидан ажраган тепакаллар, хуллас, улудан тонган Ултонтозлар эмас, Она Тил ва Ота Маконнинг тиник чашмаларидан қониб сув ичган ҳақимбеклар, тил ва элнинг ор-номуси деб минг ўлиб, минг тирилган гўрўғлилар, онасини ҳалокат чоҳидан тортиб чиқарган уч оғани ботирларгина Тилни ҳам, Элни ҳам ўз оталиқларига олиши қодирдилар. Агар «Гап десанг қоп-қоп, иш десанг Кўҳи Қофдан топ» шиори остида устаси фарангларча кун кечирувчи ваъзхонлар ҳуда-беҳуда гапиривериб тилни баттар қуруқшатсалар, бу фидойи зотлар айтган «бир сўз», худди илоҳий томчи — тириклик сувидек, қуруқшаган тилга қайта жон бағишлай олади.

Хулласи калом, Тил ва Элнинг Ули бор бўлсин! Улимиздан ажрамайлик. Қолгани, дейлик, ўша ултонтозлар, ниҳоятти устқурма! Улар, қадимий кўшиқ сатрларида айтилганидек:

Ўзи келар Лайлихон,  
Ўзи кетар Лайлихон.

Кўҳна юртимиздаги нуроний боболар ва кекса-кайвони момолар одатда ҳар бир қизалоққа «онам», болакайга эса, «отам» дея мурожаат қиладилар. Бу мурожаатда меҳр-саховатдан ташқари асрлар тасдиғидан ўтган улуг бир ҳикмат ҳам бор. Зеро, боболаримиз ва момоларимиз яхши биладилар: уларимиз омон бўлса, эрта бир кун улғайиб, Она ва Ота бўладилар. Утган кунларини улдек асраб-авайлаб, Она тил ва Ота маконнинг мушкулени осон этмоқ учун энг шимариб кураш майдонига тушаверадилар.

Ҳа, Тил ва Элнинг Ули омон бўлса, давлат тили хусусидаги қонунни кўнгилдагидек амалга ошириш мушкул иш эмас. Ҳар қалай, яккама-якка курашда Кўкалдошнинг энгиш, Ҳасанхон, Авазхон, Равшандек баҳодирларга Ота бўлиш ва ё эртақдаги қирқ қароқчини маҳв этишдан мушкул иш эмас!



Суратда: пойтахтдаги кўриш қобилиятини яхшилаш тажрибахонасининг касалликни аниқлаш хонасида янги тадқиқотлар устида иш олиб борилмоқда.

А. Горокрик сурати (ЎзТАГ).

Навбатдаги шаффоф ойнак (линза) ҳам тайёр бўлди.



# ҲАРБИЙЧА ТҮЙ



Вали ҒАҒУРОВ

Дорулфунунда ўқиб, ётоқда яшардим. Шанба кунларини қишлоғимизда ўтказардим. Колхозимизнинг ўрикзори бўлгучи эди. Ваҳорда шунақаям латофатли, файзли бўлиб кетардики, оламдаги ҳамма ранглари шу боғдан топиш мумкин эди. Ҳамқишлоқлар: «Жаннатнинг кўриниши шу боғда акс этган», деб фахрланиб ҳам юришарди. Кузда ўрикларнинг ости ҳайдалиб, арпа аралаштириб беда сепиларди. Пайҳон бўлмасин деб, боққа ҳеч кимни йўлатишмасди. Ёлғиз мен бригада бошлиғи Тўлабой акадан дарс тайёрлаш баҳонасида боққа кириш учун рухсат олардим холос. Уватда китоб варақлай-варақлай кунни кеч қилардим. Бир куни, қанча ўқиганим эсимда йўқ, қадам товущини эшитиб сергакландим. Ўгирилиб қарадим. Китобини қўлтиғига қисиб бир қиз келаётган экан. Унинг шаҳарлик экани кийимидан эмас, ҳатто юзидан ҳам билиниб турарди. Қошига ўсма қўйиб олибди. Маҳлиё бўлиб термулиб қолдим. Қиз шаҳарликлар урфига кўра, атлас кўйлақда, гулдор рўмолчасини бошига ёпиб, устидан узун сочларини чамбарак қилиб олганди. Оёғида енгилгина кўҳна чувак.

— Салом, яхши қиз!  
Овозим дўриллаб беўхшов чиқди шекилли, қиз сапчиб тушиб, таққа тўхтади.  
— Узр, яхши қиз, чўчитиб юбордим, шекилли?  
— Сезмай қолибман.  
— Бу ерликка ўхшамайсиз, шаҳарданмисиз?  
Қиз эшитилар-эшитилмас жавоб берди:  
— Ҳа.  
— Кимникига меҳмон бўлиб келдингиз?  
— Тўлабой аканикига.

— У киши кимингиз бўладилар?

— Амаким.  
— Шошманг-шошманг, ундай бўлса, сиз тошкентлик Юнус аканинг қизларисиз, шундайми?  
— Ҳа, шундай.

— Менинг исмиим Нодир, танишиб қўяйлик.  
— Менинг исмиим Озода, — деди қиз назокат билан.

Қўлидаги китобига қараб, қизгинанинг ТошМИДа ўқишини билди олдим.

— Сиз ҳам дарс тайёрламоқчимисиз? Бунақа пайтда халақит бериш ноинсофлик бўлади, мен кета қолай...

— Йўқ, йўқ, бемалол, дарсингизни тайёрлайверинг...

Кечкурун Озодани учрашувга таклиф қилгим келди:

— Қишлоғимизнинг тунги манзарасини сизга бир томоша қилдирай. Виласизми, шаҳарда юрганимда ана шу манзарани қайта-қайта кўргим келаверади. Албатта келинг, — дедим.

У илтифот билан:  
— Раҳмат, — дедию жавоб бермади.

— Сукут, ризолик аломати, — дедим шўхлигим тутиб.

Озода хандон отиб кулиб юборди...

У келди.

Тоғ чўққилари орасидан кўтарилган тўлин ой тепамизга етиб келгунга қадар узоқ суҳбатлашдик. Суҳбатимизнинг чеки йўқдек эди. Ваҳор оқшоми салқин эди. Озоданинг эти жунжикаётганини пайқадим. Хайрлашдик.

Тошкентда Озода билан тез-тез учрашиб, дам олиш кунлари биргаллашиб киноларга тушадиган бўлдик. Ҳаёт — шаффоф булоқ эди назаримда. Аммо бу ширин дамлар узоққа чўзилмади. Уруш

бошланиб қолди. Қимирлаган жон борки, ҳаловатини йўқотди. Ҳамманинг юз-кўзида нафрат ва ғазаб? Ешлар тўп-тўп бўлишиб фронтга жўнашарди, қиз-жувонлар эса эркаклар ўрнини эгаллаш учун завод ва фабрикаларга ишга жойлашарди. Мен ҳам сафарга отлана бошладим. Озода билан хайрлашиш учун ТошМИга бордим? У ҳар галгидек мени илиқ қарши олди.

— Келганингиз яхши бўлди. Ўзим ётоқхонангизга бормоқчи эдим.

— Нима гап, тинчликми?

— Хайрлашгани... Битирувчилариниям жўнатишяпти, ҳарбий шифохоналарга...

Озодани кузатдим, юрагим сиқила бошлади: «Тезроқ мени ҳам жўнатишса-чи!» Икки ҳафтадан сўнг менга ҳам навбат келди. Озодадан хат олмай туриб, ноилж, мен ҳам фронтга жўнадим.

Севастопол мудофаасида икки марта яраланиб госпиталда ётдим. Ҳар гал госпиталда ётганимда: «Шояд, Озода шу госпиталда хизмат қилаётган бўлса», деб ҳамшираларга зимдан боқаман. Тавба, ҳаммаси Озодага ўхшаб кетишарди. Ҳаммалари у сингари меҳрибон, бирам ширин сўз-ки, асти сўраманг.

Севастополдан сўнг Сталинград жангида қатнашдим. Қирқ учинчи йилнинг январия эди. Қиш ниҳоятда қаттиқ келган. Душман қаҳратонга дош беролмай қолди. Шундай бўлса ҳам босқинчилар сўнгги кучларини тўплаб, қуршовни ёриб ўтишга ҳаракат қилишарди — бу уларнинг бирдан-бир нажот йўллари эди.

Январнинг ўн биринчи куни тонготарда кучли жанг бошланди. Ғанимлар ўлим талвасасига тушиб, охириги имкониятларини ишга солиб, ҳалқани ёриб ўтмоқчи бўлишди. Икки соатга чўзилган даҳшатли жангдан сўнг Волга қирғоқларида душман катта талофат кўрди. Қисимизга ҳам осон бўлмади. Мен ёнгинамда ёрилган минадан огир яраландим.

Самолётда Балашова шаҳрига келтиришди. Оёқ-қўлларим ўраб ташланган, ўрнимдан қўзғала олмайман. Ҳамширалар атрофимда парвона.

Ҳарбий шифохонанинг бош табиби ҳафтада бир-икки марта ётоғимизни айланиб чиқади. Бир куни одатдагидек икки ҳамширани эргаштириб кириб келишди. У тўппа-тўғри менинг ёнимга келди-да, аҳволимни сўраб, уёқ-буёғимни кўрган бўлди. Сўнгра ҳамширага қандайдир дори келтиришни буюрди.

— Бизда йўқ, тугаган эди, — деди ҳамшира елка қисиб.

— Ундай бўлса, марказий таъминотчиларимиздан сўранг. Уртоқ Юнусовдан илтимос қилинг, тушунтириб айтинг...

Бош врач чиқиб кетди. Юнусова, бу ким экан? Шошма-шошма,

ахир Озоданинг фамилияси ҳам Юнусова эмасмиди? Уша бўлса-я?!

Оқшом тушгач ҳамшира қиз Олия хонамизда пайдо бўлганида, уни ёнимга имладим:

— Юнусовани сиз ҳам танийсизми?

— Ҳа, танийман?

— Исмини ҳам биласизми?

— Биз уни «лейтенант» деб чақирамиз. Исмини билмайман.

— Билиб кела олмайсизми?

— Ҳўп, эртага сўраб кўришим мумкин.

Эртаси куни саҳармардондан Олияни кута бошладим? Тушга яқин толиқиб, уйқуга кетибман. Тепамда кимингдир «пиқ-пиқ» йиғлаётган товуши қулоғимга чалиниб, кўзимни очдим. Не кўз билан кўрайки, тепамда ҳарбий кийимда лейтенант қиз — Озода турарди.

— Уйғондингизми, Нодир ака? тузукмисиз? Оёқ-қўлларингиз...

— деганча ўзини тута олмай йиғлаб юборди. Оҳ, нақадар бахтли эдим ўша дамда. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас эди. Ушанда Озодасиз умр менга татимаслигига яна бир бор ишондим...

Бир ойдан сўнг, оёқ-қўлларимдан тахтакачлар ечилгач, аста-секин юришни машқ қила бошладим. Ногиронлигим боис менга бир йиллик таътил бериб, уйимга жўнатмоқчи бўлдилар. Кўнмадим. «Агар имконияти бўлса, шу ерда енгил-елпи ишларни бажариб юрсам», деб илтимос қилдим. Шу аҳволда Озодани ёлғиз қолдиргим келмади.

— Нега, борадиган ерингиз, кутиб оладиган кишингиз йўқми?

— Бор, лекин биратўла уруш тамом бўлганидан сўнг бораман...

Илтимосимни қабул қилишди. Ўзим даволанган шифохонада қолдим? Ёзининг қоқ ярмида Озода билан никоҳ тўйимизни ҳарбийчасига нишонладик.


\* \* \*

Бу ҳикояни «Ботаника» истироҳат шифохонасида бирга дам олаётган бекободлик дўстим Нодиржон Раҳматов ҳикоя қилиб берган...

Бир куни ўзаро чақчақлашиб ўтирганимизда кутилмаганда хона эшиги очилиб, юзида кулгичлари ўйнаб турган аёл кириб келди. У салом-алиқдан сўнг Нодиржоннинг ёнига ўтираётди:

— Саломатлигингиз қандай, ўртоқ солдат! — деди.

Табиийки, эру хотиннинг бундай самимий ва дангал муносабати ўзларининг тақдирларига нисбатан қизиқиш уйғотарди...



«Зенит» заводининг пешқадам зарракори (микройигувчиси) Гумеа Айтжонова иш устида.

А. Горокрик сурати (ЎзТАГ)



Зулфинисо умрида икки марта йиғлади. Ҳар икки сафар ҳам қон қақшаб йиғлади. Биринчисида 1941 йил қишида турмуш ўртоғи ҳалок бўлгани ҳақида фронтдан қора хат олганида ёруғ дунёни, толеини қарғаб кўз ёши тўккан бўлса, иккинчисида мунчоқдек-мунчоқдек ўғилчиси ва қизалоғини болалар уйига топшириб, уйига танҳо кириб келганида...

Юрак-бағирни эзувчи кунлар бирин-сирин ўтиб борарди. Зулфинисо ишдан чиқиб, болалар уйи томон учиб борарди-ю, оқ ювиб оқ таралган фарзандларини кўриб, дилига нур тўлиб кетарди. Халқ, мамлакат фронтни барча зарур нарсалар билан таъминлашдан ташқари болалар уйидаги етим-есирларни ҳам боқиш, кийинтириш, ўқитишни бирор дақиқа бўлсин унутмаганини ёш она дил-дилидан сезиб, кўнгли тоғдек кўтариларди.

дис этиб тайинланди. Худди ўша йиллари бир тасодиф юз бердию, шу баҳона унинг ҳаётида кескин бурилиши юз берди. Воқеа бундай юз берганди:

Москвадаги мўътабар илмий-тадқиқот институтларининг бир неча олимлари водийда қурилиш ишларини ўрганиш учун келганларида Юсуфжон ҳам улар билан учрашиб, мулоқотда бўлганди. Бир сўзли, дадил, мантиқли фикрларини қатъият, ўжарлик билан исботлайдиган, ёшгина бош инженер меҳмонларга ёқиб қолди.

— Сен илмий иш қилсанг бўлар экан, — дейишди улар.

Меҳмонлар Юсуфжоннинг юрагига чўғ ташлаб кетганди. Бу чўғ кун сайин яллиғлана борди. 1973 йилда «ке, таваккал», деб Москвадаги қурилиш иқтисоди илмий-текшириш инсти-

## Қайта қуриш — ҳаётимиз мезони

битта қўлга топшириш масалалари чуқур асослаб берилган эди. Олим диссертацияни 1978 йили Москвада ёқлади. Бутуниттифоқ илмий-тадқиқотлар маркази илмий ишда илгари сурилган ғоялар амалга оширилса, бир йилда 3,5 миллион сўмлик иқтисодий самара беришини ифодаловчи ҳужжатни мамлакат буйича тарқатди. Олимга бу ҳақда муаллифлик ҳужжати берилди.

Москвалик йирик иқтисодчи олим В. А. Лисичкин ўз шогирдининг иқтидорини кўриб, унга шундай деганди: «Энди Юсуф, кенгроқ ва янада ҳаётийроқ режада ишла. Сезаётган бўлсанг керак, иқтисод фанининг келажаги — кибернетика ва математик усулларга асосланади. Ишни худди шу йўналишда давом эттир. Дарвоқе,

# КАМОЛОТ ЙЎЛЛАРИДА

Қизи Хадичахон ҳам, ўғли Юсуфжон ҳам болалар уйидаги мактабда яхши ўқишди. Айниқса, ўғли тиришқоқ чиқди. Ҳа, ўғли отасининг кўпгина аломатларини ўзига шундоққина кўчириб олгандек эди: ўтли-шудли, зеҳнли, гаплари ҳам ажабтовур тасир-тусир.. «Ишқилиб умрларини берсин», деярдди она фарзандларининг бошини силаб.

Юсуфжон мактабни аъло даражада тамомлаб, эллик саккизинчи йили Тошкент темирйўл транспорти институтининг талабаси бўлди... Умр оқар сув деганлари рост экан. Ҳаш-паш дегунча беш йил ўтди-кетди. Юсуфжон институтнинг саноат ва граждан қурилиши ҳоҳиш-сабоғини тугатиб, Навоий шаҳрига йўлланма олди. У турмушнинг аччиқ-чучугию паст-баландини мана шу шаҳарда кўрди. Еш мутахассис қурилишларда фишт ҳам терди, усталлик ҳам, прораблик ҳам қилди.

У бир неча йилдан кейин Қўқон шаҳридаги қурилиш ташкилотларидан бирига бош муҳан-

тути эшигини тақиллатиб борди. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, кўриқдан ҳам ўтиб, сиртқи аспирантлар — илмжўлар рўйхатига тиркалди.

Юсуфжон илмжў бўлган йили Бувайда ноҳиясидаги МКК — механизациялашган кўчма колоннада бош инженер бўлиб ишлаётганди. У бу ерда қурилишдаги ибтидоийлик, палапартишликни янада аниқроқ ҳис эта бошлади. Ҳаммасидан ҳам қишлоқдаги битта қурилишнинг иккита эгаси борлиги, яъни, давлат (масалан, айтайлик, собиқ 9-қурилиш трести) ва ширкат-колхоз қурилиш трест (облколхозстрой)лари баъйни қўйчивоннинг кўплигини эслатадиган далиллар эди.

Юсуфжон Жалоловнинг қишлоқ қурилишидаги кўрган-кечирганлари, ўй ва фикрлари диссертацияси мавзуга айланди. Илмий иши «Колхозлараро қурилишнинг ташкилий шакллари тақомиллаштириш» эди. Унда қишлоқ қурилишига икки эгаликни тугатиш, бу ишни

ҳалиям қурилишда муҳандиссан-а? Энди бирор бир олий мактабда ишласанг қалай бўларкин? Илмий-тадқиқотларни муттасил олиб борардинг...»

Гапнинг очиги, Юсуфжоннинг ўзи ҳам шу ҳақда бот-бот ўйлаб қоларди. Ахир, қурилишларда унча-мунча эмас, ўн уч-ўн тўрт йилдан буён ишляпти, номзодлик диссертацияси ҳам қурилишларда ёзилди ҳисоб... Москвадаги «Знание» нашриётида чоп этилган ва ҳаётийлиги билан унча-мунча шов-шувга сабаб бўлган «Техникада мақсадли жамулжам программалар» номли китоби ҳам ана шу қайноқ ва ола-тасир йилларда ёзилган эди.

Фарғона политехника институтининг Қўқондаги филиалида уни илиқ кутиб олгандек бўлишди. Лекин, орадан кўп ўтмай, филиал раҳбарлари билан ораларидан оламушук ўтиб қолди. Бунга бир чеккаси ўзи ҳам «сабабчи» эди. Уқув жараёнидаги тартибни ўзгартиришга уринмай, жимгина дарсини бериб, юраверса ҳам бўларди. Йўқ, янги домла ғалати экан. Талабалар илмий ижодкорлиги дейдими-е, таълим билан ишлаб чиқариш орасида жарлик пайдо бўлган дейдими-е, талабаларни мамлакат марказидаги корхоналарга амалий тажрибага юборамиз, деган масалаларни ўртага қўядими-е, таъмагирликка чек қўйилсин, дейдими-е...

— Менга қаранг! — хитоб қилди филиал раҳбари кунларнинг бирида. — Е жимгина ишлаб юринг ёки ташаббус-машаббусларингиз билан даф бўлинг! Яхшиси, ариза ёзиб кетинг.

— Кетмасам-чи?

— Кетасиз! Бўлмаса, қамоққа равона бўласиз!

— Ана холос... Нега энди қамоққа?

— Чунки, порахўрсиз...

У ўшанда: «Яхши. Порахўр бўлсам, исботланглар. Жазоимни олай. Агар бу тўхмат бўлса, сизлар жазодан қочиб қутилолмайсизлар», деди. Аммо, бошига хунук кунлар тушишини билмаган экан. Докторлик диссертациясини ёзишга киришган олим бу ишни хоҳласа-хоҳламаса тўхтатиб туришга мажбур бўлди. Сабаби, адлия ташкилотларига уни бадном қилувчи узундан узун хат тушган эди... Прокуратурадаги ўртоқлар сира эринмай олимни бир йилча сўроқ қилишди. Аммо Юсуфжон Жалолов ўзининг ҳақ эканини бор бўйи билан кўрсата билди. Буни қарангки, даъвогарнинг ўзи порахўрлиги очилиб қолиб, узоқ муддатга қамалиб кетди.

Олим бу пайтда бош институтнинг Наманган филиалида ўз фаолиятини бошлаб юборган эди. У устозининг маслаҳатларига амал қилиб, фанда қулочини кенгроқ ёзди ва қурилишни режалаштиришни катта минтақалар бўйича тадқиқот ва тажрибалари водийгагина эмас, балки, жумҳурият миқёсига чикқан эди. Бинобарин, докторлик диссертацияси ўзаги ҳам айни шу масалага бағишланганди. Жумҳурият



Фарғона Политехника институти муҳандис-иқтисодчи хоҳишсабоғи декани, профессор Юсуфжон Жалолов (ўнгдан иккинчи) институтнинг бир гуруҳ олимлари билан суҳбатлашмоқда.

М. Саримсоқов сурати



Давлат план комиссияси қошидаги Иқтисод илмий-текшириш институти иқтидорли ёш олим кўтарган муаммоларни Ўзбекистонда қурилиш бир бутунлигини режалаштиришнинг 2000 ва 2005 йилларга бўлган илмий-тадқиқот режасига киритгани ва муаллиф бошқарувчи комиссия аъзоси этиб сайланганининг боиси ҳам шунда эди.

Юсуфжон Жалолов меҳнат таътилини Москвадаги лабораторияларда ўтказиб турган пайтларда «ГлавприОКСКстрой»нинг Тула шаҳрида энг замонавий ҳисоблаш маркази борлигини эшитиб қолди. Дарҳол Тулага учди. Бошқарув лабораторияларига кириб ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Оқалик ҳамкасбларининг ҳазиллашиб айтишларича, Юсуфжон Бошқарма ҳисоблаш марказида икки йил «ётиб олиб» ишлади. Илмий изланишлар ҳақиқий электрон машиналар зиммасида бўлган бу масканда олим барча тадқиқотларини ниҳоялаб Тула худудий-бир бутун қурилишларида синовдан ўтказди. Бу тадқиқотлар натижаси ўлароқ бунёдга келган тавсиялар 4 та йирик Бошқарма ва трестлар томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилиб, катта иқтисодий фойда келтирди. Шундай қилиб, докторлик диссертациясини оли рус шаҳарларидаги лабораторияларда, қурилиш майдонларидаги тажрибалар жараёнида ниҳоясига етди. Юсуфжон «Қурилишни энг мувофиқ режалаштиришда иммитуцион шакллардан фойдаланиш» мавзудаги докторлик диссертациясини Москвадаги Плеханов номидаги халқ хўжалиги институтида муваффақиятли ёқлади. Яқинда профессорлик унвонига сазовор бўлган Ю. Жалолов ҳозир — Фарғона Политехника институти муҳандис иқтисодчи хоҳишсабоғи декани, кафедра мудури. У аввало иқтисодчи олим сифатида йирик қурилиш трестлари ва майдонларида бўлиб туради. Кўпинча сафардан хуноби ошиб қайтади. Сабаби жойларнинг хусусиятига қарамай, сийқаси чиққан тавсиялар ҳамон тиқиштирилмоқда.

Шугина бўлса кошки эди. Масъул лавозимларда ишлаётган мутахассис қурувчилар орасида иқтисоднинг кўчасидан ҳам ўтмаган кишилар борлиги-чи? Улар, бизга қурилиш ашё-

ларини топиб берсангиз бўлди, бу ёғини боппаймиз, дейишади. Аммо, синаб кўринг-а, ЭХМнинг тугмасини босишни ҳам билишмайди. Ҳозирги замон қурилиши, уни режалаштириш илмий асослар заминидан ривожланишни уларга тушунтириш осон кечмаяпти. Шу боисдан ҳам у шундай таклифни ўртага ташлади: ҳечдан кўра кеч деганларидек, жойлардаги мутахассисларни ҳисоб-китобга, ЭХМлар билан ишлашга ўргатиш керак. Даққионусдан қолган услубларнинг замони ўтиб кетган.

Бу таклиф маъқул келди. Ҳозир хоҳишсабоқда ўртача ва катта электрон машиналар ўрнатилган иккита синф фаолият кўрсатапти. Уларда эндиликда неча ўнлаб мутахассислар замонавий электрон машиналарида ишлашни ўрганишаяпти... Олим ўз ҳамкасблари билан шу ва шунга ўхшаш масалалар устида бош қотиради. Бундан бир неча ой муқаддам у кўнглига тугиб юрган икки-уч таклифини институт ректори Муҳаммадҷон Қорабоевга баён этди. (М. Қ. Қорабоев ҳозир жумҳурият халқ таълими нозирлигининг муовини лавозимида ишламоқда). Бу биринчидан, вилоятда иккита тармоқлараро иқтисодий лаборатория очиб, унга энг яхши ходимларни жалб этиш эди. Олимнинг фикрича, бу лабораториялар вилоят иқтисодини ривожлантириш, иқтисодий самардорликни оширишда ўз тадқиқотлари, тавсиялари билан яхши самаралар бериши мумкин. Иккинчидан, институтда янгидан қурилиш иқтисоди ва уни бошқариш, машинасозлик иқтисоди ва уни бошқариш бўлимларини очиш фурсати келди. Ҳозир иқтисодчилар замони. Халқ хўжалигига билимдон, малакали иқтисодчилар кўплаб керак.

Ушанда ректор олимнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитганди. Бу таклифлар жумҳурият нозирлиги олдига қўйилди. Ҳозир бу масалалар ижобий ҳал этилиши арафасида. Яқинда Ю. Жалоловнинг ташаббуси билан институт қошида СССР Фанлар академиясининг «Прогностика» бирлашмасининг бўлими очилди. Бўлим ҳозир вилоятдаги йирик қурилиш ташкилотлари, корхоналари билан хў-

жалик шартномалари тузди. Бўлимга профессорнинг ўзи етакчилик қилаётир.

Янгиланиш, ҳаётимизни демократиялаштириш, қайта қуриш шаббодалари дилдагини тилга чиқаришга, қулочни кенгроқ ёйишга имкон берди. Юсуфжон Жалолов ректоратга яқинда яна бир таклиф билан кирди. «Йирик корхоналар, ташкилотлар ҳузурида кафедра-лар филиалларини очсак қалай бўларкин? — фикрини баён этди олим. — Бу филиалларга илмий ходимларимиз, корхоналар етакчи мутахассисларини биркитиб қўйсак. Битирувчи талабалар бевосита улар раҳбарлигида қурилиш ёки бошқарма тажрибахоналарда ишласа, фан билан ишлаб чиқариш уйғунлашиб кетарди...

Олимнинг бу таклифи ҳам инobatга олинди. Жумҳурият олий мактаблари орасида биринчи бўлиб жойларда политика институту кафедралари филиаллари иш бошлади. Битирувчлар учун машғулот соатлари дадил қисқартирилиб, ишлаб чиқариш амалиёти муддатлари узайтирилди. Ҳозир битирувчи талабалар диплом ишларини бевосита ўша корхона ва муассасаларда ёқламоқдалар.

...Олим илмий изланишлар, тадқиқотларни изчил давом эттирмоқда. Москва ва Тошкент нашриётларида босилиб чиққан «Қурилишни ташкилий шакллари тақомиллаштириш» ҳамда «Оптималь режалаштиришда ЭХМдан фойдаланиш» каби рисоалари ана шундай тинимсиз меҳнатлари самарасидир. Айни пайтда «Фан» нашриёти олимнинг янги китобини босмага тайёрлапти.

Турғунлик йилларининг оғир юкларини кафтларидан бирин-бирин улоқтириб ташлаётган олий мактаб илмий ходимлари мана энди илмий-тадқиқот ишлари билан дадил шуғуланмоқдалар. Илмий лабораторияларда изланиш, ижод нафаси уфуриб турибди. Олимлар халқ хўжалигини тараққий эттиришдан баҳс этувчи ҳаётий муаммолар билан шуғуланмоқдалар. Ана шу кенг кўламли тадқиқотлар доирасини кенгайтириш ва йўналтириб туриш жонкуярларидан бири истеъдодли иқтисодчи олим Юсуфжон Жалоловдир.

ХАР ТУГРИДА  
БИР ШИНГИЛ

**ЭХТИМОЛ,  
УЗГА  
САЙЕРАЛИК-  
ЛАРДИР!..**

...Бу гал улар Белгия узра яна пайдо бўлдилар. Бироқ бу сафар сирли «самовий учбурчак»ни видеотасмага туширишга эришилган эди...

Бу хабарни эшитишим биланоқ номаълум учар жисмининг янги «макони ўрами»га боришни дилмига тугдим. Лекин йўл-йўриқ олиш мақсадида Бельгия Коинотдаги фавқулодда ҳодисаларни ўрганиш жамиятига кўнғироқ қилганимдан сўнг, ўйлаган режам ўзгарди. «Кўпчиликка етиб борган ахборотлардан бўлак ҳеч нарса қилолмасангиз керак, — деди жамиятнинг котиби Люсиен Клербо. — Ўнлаб хатлар келди, савол-жавоб натижалари,

суратлар, расмлар, ниҳоят видеоёзувнинг ўзи ҳам бор. Марҳамат ҳаммаси билан таништириб, тушунтириб беришимиз мумкин».

Мазкур жамиятни 1971 йили Клербо тузган эди... Ҳозир биз сўз юритаётган номаълум учар жисм илк марта ўтган йилнинг 29 ноябрида пайқалган эди. Ораликдаги уч ой ичида уч мингга яқин «гувоҳлар кўрсатмаси» йиғилди, мана, барча хатларга хос бир тасвир. Унинг муаллифи — Лиежа яқинидаги

Анс қасабасида истиқомат қиладиган Белгия ҳарбий-ҳаво идорасининг мутахассиси Ф. Балензано. У шундай ҳикоя қилади:

«1 декабрь кечкурун қизим билан шаҳар майдонида сайр этардик. Тўсатдан — бу воқеа соат 18 га яқин юз берди — қизим: «Дада, қара, қара...» деб қичқирди. Мен бошимни кўтардим у оҳиста учиб Лиежа томонга яқинлашиб бораётган ғаройиб учар аппаратга кўзим тушди. У 100—150

қулоч баландликда, тўппатўғри бизнинг бошимиз устида айланди, кейин аввалги йўналиши бўйлаб бир зумда ғойиб бўлди. Биз бошқалар қатори ҳайратдан қотиб қолган эдик, бироқ уни яхшилаб кўриб қолишга улғурдик. У жуда улкан эди — кўндалангига 40—50 қулоч — қора учбурчак бўлиб, учта прожектор билан жиҳозланганди, ўртасида оқ, тўқ сариқ-қизғиш нур сочиб липиллаётган чироғи бор эди. Унинг қия айлана олд қисмидан қизил ва зан-

гори олов шуъласи қуйиларди. Кўрганимнинг расмини тақдим этаман...»

Афсуски видеоёзувда номаълум учар жисмининг аниқ тасвири сезилмасди. Видеоёзув 20 февраль куни Биерса ноҳиясида (у ҳам Лиежа яқинида) суратга олинган. Уни оддий ҳаваскор суратга олган бўлиб, воқеа тахминан бир чақиримча нарида юз берган эди. У ниҳоятда секин ва ҳаддан ташқари тез уча оларди...

Хўш, шундай қилиб, бирор янгилик борми? Биз Люсиен Клербо билан суҳбатимизни ана шу савол билан бошладик.

— Ҳа, бор. Биринчидан, «учбурчак»ни бизнинг шарқий чегарамизга туташ Голландия билан Ғарбий Германия ҳудудларида ҳам кўришган. Иккинчидан, уларнинг пайдо бўлишида уй ҳайвонларининг, масалан, мушукларнинг безовталиги аниқланди... Учар ликопчалар уйлар устидан учиб ўтаётганларида электр тармоқларининг қуввати пасайганлиги кўп бор кузатилди. Ниҳоят, шу пайтгача учрамаган ҳодиса — номаълум учар жисмининг одамлар билан яқиндан танишишга уриниши қайд этилди...

**В. ПЕРЕСАДА.**  
Брюссел шаҳри.





# ИСЛОМ ШОИРГА ЖЎРОВОЗ



Ўгли Шавкатжон айтаётган термалар, айниқса бирам ёқимли, бирам ширалики, барчани лол қолдиради. У 1982 йили бахши-шоирларнинг жумҳурият кўрик мусобақасида фаол қатнашиб, мукофот олди.

Саъдулла бахши дўстлари Хуррам бахши, Диёр бахши, Мамат бахши, Зиёдулла бахши, Умарқул бахши қабилар билан тез-тез учрашиб туради. Улар тўпланган даврада зерикши йўқ, бири қўйиб-бири куйлайди. Тонггача дoston айтишиб, айтган сайин устозлардек жўшишиб, жўшган сайин кишилар қалбини куйдириб дўмбира чертадилар. Шунда Саъдулла бахши ўзи ижод қилган «Кўкчой таърифи», «Дала маликаси», «Нонни исроф айламанг» сингари термаларни дostonга улаб юборади. Эшитиб танингиз яйрайди, маза қиласиз. Кейин у ўз келажак режалари, истаги ҳақида шундай дейди:

— Ҳали орзу-умидларим катта. Устозимдек овозда куйлашга, унингдек дўмбира созлашга ишқибозман. Бунинг учун ҳали анча ишлашим, маҳоратимни тинимсиз такомиллаштиришим керак. Шогирдларимга ҳар доим шундай истак билдираман. Яратаётган термаларимнинг мазмунга бой бўлишига, равон айтилишига интиламан. Қани эди, халқ оғзаки ижодига эътибор яна ошса, бахшилар ансамллари ташкил этилса, биз ҳам бир четда туриб, ўз санъатимиз, истеъдодимиз билан кишилар қалбига роҳат бағишлайверсак...

Ўе топганмиз, фронтга жамладик, Бирлашдик, фашистни саранжомладик. Инсонпарвар халқлар, топтаманг нонни. Мен узоқдан қилдим сизга қироат. Ешлар-а, сўзимда бордир синоат, Еддан чиқарманглар бир вақт, бир соат. Юртдошлар-а, исроф қилманглар нонни, Улуғлаб, авайлаб асранглар нонни,—

дея қилган ўғитларимиз, насиҳатларимиз билан ёшлар қалбига жо бўлаверсак...

Шундай деб Саъдулла бахши «Авазхон» дostonидан ишқ-муҳаббатга тўла бир парчани куйлай бошлади. Йигит-қизлар севига бундай таъриф берилганидан, у қалбларни жунбушга келтиришидан, айна дил изҳоридан лол қолдилар. Қани энди, бу сўз, бу овоз янги замон билан жўровоз бўлаверса, ҳеч тинмаса.

Ҳа, Саъдулла бахши қалбларга эзгулик уругини сочиб, жўшиб куйламоқда. Унга юрагининг бир бўлагини қўшиб куйламоқда. Она-Ватан, дўстлик, ишқ-муҳаббатни тараннум этаётир, овозаси узоқ-узоқларга кетаётир.

Ҳамза ШУКУРОВ,  
Абдусайд НУРБОЕВ

Қалби эзгулик билан йўғрилган инсон авлодларга маънавий бойлик қолдиришни, юрагидан бир бўлак қўшиб ҳада этишни бахт деб билади. Халқимиз орасида ана шундай ажойиб иқтидорли кишилар жуда кўп. Улар бутун умрини, билимини, истеъдодини азалий анъаналаримизни қидириб топиш, давом эттириш, ёш авлод қалбига, шуурига сингдиришга бағишлайди. Келажакка ишонч ва умид билан қаровчи бундай дилкаш, ғамхўр, бағри кенг инсонлар гурунгига, сўзига қулоқ тутсангиз, дилингиз яйрайди, роҳатланасиз. Уларнинг эзгу ният билан хайрли ишларга қўл урганини кўриб қувонасиз.

Машҳур оқинлар — Ислom шоир Назар ўғлининг, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг, Фозил шоиру Пўлкан бахшилар юрти Самарқандда ҳар йили шеърият байрамлари, Жуманбулбулхонлигу, оқинлар айтишуви анъанага айланган. Ана шундай гурунглardan бирида нарпайлик Саъдулла бахши Хушвақт ўғлининг дўмбира чертиб, дostonу термаларни сел бўлиб куйлаганининг гувоҳи бўлдик. Ота-боболаримиз асрлар давомида куйлаб келган, кейинги пайтларда унутилган бу санъат турига қайта жон бағишланаётгани барчани хушнуд этди. Навбат Саъдулла бахшига берилганда томошабинларнинг таърифу тавсифи зиёда бўлди. Шу кунининг ширали овози, созининг ёқимли навои дилларни сел қилди. Гоҳ «Авазхон», гоҳ «Зулфизар», гоҳ «Ширин билан Шакар»дан куйлади. Куйни-куйга, байтни-байтга улади. Айниқса, устози Ислom шоирнинг «Алпомиш»ини куйга солганида, йиғилганларни ҳам куйдирди, ҳам кулдирди. Шу кунги айтишувда Саъдулла бахши улоқни олиб кетди.

...Нарпайнинг Қорасийроқ қишлоғида туғилган Саъдулланнинг ёшлигидан бахшиликка ихлос қўйганлиги бежиз эмас.

— Ушанда 1948 йил эди,— дея ҳикоя қилади у.— «Иттифоқ» колхозида ҳисобчи бўлиб ишлаб юрган пайтларим. Дoston-термаларни чала билардим. Шунда денг, хўжалик меҳнат аҳлининг йил якунига бағишланган йигинига оқтошлик машҳур бахши Ислom шоир ва у кишининг котиби Қуддус Муҳаммадий ташриф буюрдилар. Мажлис тугагач, бахши дўмбира чертиб, колхозчиларни қутладилар, ўз ижодларидан намуналар айтиб бердилар. Танаффусда раис улкан оқин ва унинг шогирдини чойга таклиф қилди. Ислom ота бирга чиқдилару, лекин дўмбирани сўри устида қолдирдилар. Жўраларим «Табаррук соз, олиб бир куйла», дея қўйишмади. Одам кўп йиғилганди, анча уялиб турдим. Дўмбирани қўлга тутиш мен учун мўъжиза эди-да!

Шунда бир авжим келди денг. Куйни овозга мослай олмасам-да, «Ширин билан Шакар»дан Шакархоннинг девлар билан урушиб ётган жойини айтиб бердим: йиғилганлар қарсак чалиб: «Жуфт бўлсин», «Яна битта эшитайлик», деб туриб олишди. «Алпомиш» дostonидан иккита термани ёниб-ёниб, дўмбирани гоҳ у қўлга, гоҳ бу қўлга ушлаб куйлайвердим. Кейин қизиқ иш бўлди. Ислom ота чойдан қайтиб залда туриб, мени анча тинглабдилар. Бу қилигимдан хафаликларини эмас, аксинча, қувонганликларини билдириб, яна битта терма айттирдилар. Сўнгра ўзлари навбат олдилар... Кеч оқшом айтишув тугагач, Ислom шоир мени чақириб: «Шогирдликка тобинг қалай», деб сўрадилар. «Раис жавоб берса, боравераман-

да», дедим. Орадан кўп вақт ўтмай мен у кишига шогирд тушдим, мактабни шу ерда давом эттирдим.

Ислom отанинг хонадонидан юрган икки йилни Саъдулла ўз ҳаётидаги энг қувончли ва унутилмас давр бўлган эди, дея хотирлайди. У шоирнинг янги шеърларини қоғозга туширарди, дўмбира чертиш сирларини ўрганарди, дoston-термаларни ёд оларди. Баъзан йиғинларда устоз қаватига тушиб, ўз маҳоратини синовдан ўтказарди. Шу пайтлардан у халқ орасида бахши деб ном қозонди, ўзи ҳам ижод қилиб, янги термалар яратди. Бир неча йил кишилар қалбига ошно, улар орзу-ҳавасларини, ғаму андуҳларини, меҳру муҳаббатларини ифодаладиган дostonу термаларни айтиб юрди.

Лекин халқ оғзаки ижодининг бу нодир намунаси секин-секин унутила бошланди. Тўй-маъракалар, йиғинлар ва байрамларда бахшилар овози янграмай қолди. Шундан сўнг Саъдулла Хушвақт ўғли колхозга ишга кирди. Кўп йиллар ҳисобчи, бригада бошлиги сифатида фаолият кўрсатди. Бўлмади. Ислom отанинг дoston айтиш усули, ширали овози ёдга келавериб, юрак-бағрини ўртайверди. Устоз ўшанда совға қилган дўмбирани яна қўлга тутди. Гўё қайта туғилгандай бўлди. Қалби тўлиб-тошиб юрган экан, кўп ва кўп куйлади. Товуши очилгандан очилиб бораверди. Кексалар бош чайқаб тебрандилар, халқимизнинг шундай анъаналари йўқолмаганидан қувондилар. Ешлар ҳам бундай ажиб бир усулда қўшиқ куйлашга, дostonларнинг сеҳрли дунёсига қизиқиб қолдилар.

1976 йилда Самарқанд дostonчилиги мактабининг атоқли намояндалари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош, Ислom шоир ва Пўлкан бахши таваллудларининг 100 йиллиги бутун жумҳуриятимизда кенг нишонланди. Шу муносабат билан ҳамма жойда халқ оғзаки ижодини ўрганишга эътибор кучайди, улкан оқинлар издошларига ғамхўрлик ошди. Саъдулла бахши ҳам севимли ҳунарини давом эттиришга киришди. Энг муҳими, район маданият бўлимининг 1-филиали қошида «Дўмбирачилар» тўғараги ташкил қилиниб, унга С. Хушвақт ўғли раҳбарликка тайинланди.

Мана, ҳозирги кунда истеъдодли оқин ўзининг ранг-баранг дostonу термалари билан халқимизни хушнуд этибгина қолмай, ёшларга бахшилик сир-асрорини ўргатиб келмоқда. Шогирдлар ҳам давраларни мароқли ўтказишда жонбозлик кўрсатишаётир.



Дўстинг учун... дарё кеч!

В. Шустов сурати.



## БИНОЙИ ҚУШ БҮЛДИ

Интермедия

**ТОЛМАС** (котибани чақиради). Шахлохон, бу ёққа қаранг...

**ШАХЛО**. Хўп бўлади, Толмас ака.

**ТОЛМАС**. Менинг фамилиям Олмасов. Ҳайинчоқ фабрикаси бошлиғиман... Гап бундай, мени яна танқид қилишди. Биз ишлаб чиққан Ҳайинчоқлар сифатсиз эмиш. Қоплонимиз сичқонга, маймунигимиз кўршапалакка ўхшармиш.

**ШАХЛО** (кулади). Тўғри айтишибди. Филимиз қисқичбакага ўхшайди.

**ТОЛМАС**. Энди сиз қолувдингиз танқид қилмаган. Боринг, ходимларни чақиринг, сифат масаласини гаплашиб оламиз.

**ШАХЛО**. Хўп бўлади...

**ТОЛМАС** (ўзича). Сифат ҳам... жонга тегиб кетди. Еш бола нима ни билади, Ҳайинчоқ бўлса бўлдида уларга.

**ТОЖИБОЙ** (эшикни очиб). Мумкинми?..

**ТОЛМАС**. Э, рассом бўлмай кетинг, кириг.

**ТОЖИБОЙ**. Тинчликми?

**ТОЛМАС**. Сиз чизган расмлар асосида тайёрланган Ҳайинчоқлар брак бўлди.

**ТОЖИБОЙ**. Мен ахир аслига қараб чизаман... Тунов куни ҳам тошбақанинг расмини Ҳайинчоқ тошбақа бориб чизиб келдим.

**ТОЛМАС**. Тошбақа эмиш-а... Ахир тошбақанинг қутисига «Ўрмаловчи экскаватор», деб ёзишибди-ку!

**ТОЖИБОЙ**. Йўғ-е... Тошбақа эди, юрганга вақиллайди.

**ТОЛМАС**. Қойил-е, тошбақа бақамидики, вақилласа!

**ТОЖИБОЙ**. Гўдакка вақилласа бўлди-да.

**СОЛИ** (хонага киради). Чақиртирган экансиз?..

**ТОЛМАС**. Келсинлар, бу қорбонинг соқолини нега қизилга бўятдингиз, балки «қизил қор ёган эди» деб баҳона қиларсиз?

**СОЛИ**. Йўғ-е... унақа эмас, ҳалиги... қизил чопонининг ранги соқолига уриб кетибди-да...

**ТОЛМАС**. Қошни ҳам расво қилибсиз-ку! Ҳеч замонда жигаранг қош ҳам бўладими?

**СОЛИ**. Қорбонинг қалпоғи жигаранг-да, суркалиб кетган.

**ФЕРУЗА** (киради). Фавқуллода мажлиси дейман-а?

**ТОЛМАС**. Ҳа, мажбурий йиғин, ҳаммамиз айбдоримиз (Ферузага). Лайлакчаларни ҳам қотирибсиз! Ҳеч замонда бир оёқли лайлак бўладими?

**ФЕРУЗА** (кулади). Лайлак бир оёғини кўтариб хаёл сураептида... Ҳам тежамли.

**ТОЛМАС**. Нимаси тежамли?



**ФЕРУЗА**. Қанчадан қанча симни тежаб қоламиз...

**ТОЛМАС**. Тежаймиз деб лайлакни оёқда туролмайдиган қилиб қўясиз!

**ФЕРУЗА**. Оёқда турмайди, ип билан осиб қўйилади.

**ТОЛМАС**. Бўпти. Биз келгусида ишлаб чиқарадиган Ҳайинчоқларимизнинг сифати учун курашимиз керак.

**ТОЖИБОЙ**. Сифат дейсиз-у, баъзан ўзингиз бунга қарши чиқиб қоласиз, Толмас Олмасович. Тунов куни чиройли зағизгон макетини тайёрлаган эдик, думини олиб ташлабсиз?

**ТОЛМАС**. Э, зағизгон бўлмай кетсин, думи ўзидан узун...

**СОЛИ**. Ахир зағизгоннинг думи узун бўлади-да...

**ФЕРУЗА** (кесатиб). Лекин, тежамни ҳам ўйлаш керак.

**ТОЛМАС**. Тежамни ҳам ўйлашимиз шарт. Лекин, ўртоқлар, биз асосан сифат учун курашимиз керак. Мана, кечаги қушингизнинг танаси ўттиз сантиметр бўлса, думи эллик сантиметр. Бу нима майнавозчилик? Яхши ҳам билиб қолиб, думини кесиб ташладик. Қушга ўхшади-қўйди. Энди биров сифатсиз деб кўрсинчи...

**ТОЖИБОЙ**. Қандай қилиб?..

**ТОЛМАС**. Бас, гап тамом, энди айтинглари, биз нима учун курашамиз?

**УЧЧОВИ** (баравар). Сифат учун!

**СОЛИ**. Яъни, зағизгондан қуш ясаймиз!

**ТОЛМАС**. Офарин, гап деган бундоқ бўлибди!

Тўлқин СОДИҚОВ



XX аср охирида Ғаллаоролдаги «Гўшт дўкони»

Р. Нурибоев сурати

## ҲАНГОМАЛАР

### МЕБЕЛ

### МАГАЗИНИДА

— Кеча сиздан стул сотиб олган эдим, бугун синиб тушди! — деб шикоят қилди харидор.

— Бирон киши ўтиргандир-да, — деди сотувчи бепарво.

### АНИҚЛАШ

Бир киши телевизорни тузатадиган устахонага кўнғироқ қилиб сўради:

— Телевизоримни тузатдингизми?

— Қачон олиб келган эдингиз?  
— Ўн еттинчи октябрда.  
— Аниқ айтинг, қайси йилнинг октябрида?

## ХАВФ ЙҮҚ

Саёҳатчи тунаш учун Африка қишлоқларидан бирида тўхтади. У жомадонини кулда жойлаштириб, қабила бошлиғидан сўради:

— Нарсаларимни ўғирлаб кетишмасмикин?

— Хотиржам бўлинг, — деди қабила бошлиғи, — атрофда биронта ҳам оқ одам йўқ...

Тўпловчи:

Турғунбой ҒОИПОВ

## ЮЛҒИЧНИНГ ЖАЗОСИ

Ҳажвия

Матлубот жамияти бошқарувчисининг раиси Ортиқхонов йиғилишни очаркан, қовоғини солиб деди:

— Бугун ўнинчи дўкон сотувчиси Облоқуловнинг савдо қоида-сини қўпол равишда бузгани тўғрисидаги жуда муҳим масалани муҳокама қиламиз. Масалага жиддий қарашларингни сўрайман, ўртоқлар! Гап шундаки, Облоқуловнинг тарозидан уриб қолаётгани тўғрисида ноҳия ижроқўмига шикоят тушган. Ландавурликни қарангларки, ижроқўмдан борган назоратчилар такрорий текшириш ўтказганда ҳам, у харидор ҳақида хиёнат қилган. Қаранглар, у тафтишчиларни ҳам чув туширишга ҳаракат қилган! Мен бу гап ногора бўлиб кетса, идорамиз шаънига яхши эмас деб ижроқўмдан ҳужжатларни ялиниб-ёлвориб сўраб ол-

дим, ўзимиз аёвсиз чора кўрамиз, деб ишонтирдим. Қани, гапиринглар, ўртоқлар, бу юлғичга қандай чора кўрамиз? Сизлардан илтимос, таклифлар аниқ бўлсин!

Биринчи бўлиб йирик магазиннинг директори Восиқов сўз олди. У айбдорга кўрсаткич бармоғини биғиз қилиб деди:

— Ўтиришингизнинг ўзи қанчалик лапашанглигингизни айтиб турипти! Вей, ахир тафтишчилар кўриниши биланоқ, кўзларини шамғалат қилиб, пештахтага уч-тўрт тангани ташлаб қўймайсизми, кейин: «Нега қайтимини олмай кетаётувдинг?» деб харидорнинг ёқасидан олмайсизми? Шунгаям ярамаган бўлсангиз, э... ҳайдаш керак буни. Савдода нўл экан!

Раис Восиқовга раҳмат айтиб, хўжалик моллари магазинининг мудир Рўзиевга сўз берди. Рўзиев босиқлик билан гап бошлади:

— Облоқуловнинг савдо ишида ўтакетган гўрлиги бизга ҳали кўп панд бериши мумкин. У ҳушёр, сезгир савдо ходими бўлганда, темирни қизигида босиб қолган

бўларди. Яъни, тафтишчиларни ўша дўкондан ташқарига чиқармасданок қўлга оларди, ишни ими-жимиде тинчитворарди. У тафтишчилар акт-пакт тузиб бўлганча, аммамнинг бузоғидай оғзини очиб тураверган. Ҳеч бўлмаганда, бирор сўзи ўтадиган зўрни ишлатиб — зарни топасан, деганлар савдонинг пирлари! Шунга ақли етмапими — баҳридан ўтиш керак! Вассалом!

Бошқа гапирувчилар бўлмади. Раис таклифни овозга қўйган эди, кўпчилик қўл кўтарди.

— Мана, масалани кўндалангига ҳал қилиб олдик, — деди чиройи бироз очилиб раис. — Энди, ўртоқлар, ижроқўмга жавоб ёзишимиз қолди. Қаршилиқ бўлмаса, жавобни шундай ёзасан: «Норқул Облоқуловнинг харидор ҳақида хиёнат қилгани тўғрисидаги шикоят матлубот жамияти ходимларининг йиғилишида чуқур ва атрофлича муҳокама қилинди. Облоқулов совет савдоси қоида-сини қўпол равишда бузгани учун ўз вазифасидан четлатилди. Сотувчилар сезгирлигини оши-

риш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди». Қалай, ўртоқлар? Демак маъқул. Шу билан йиғилишимиз ёпиқ, ўртоқлар.

М. АБДУКАРИМОВ



Асли одамзоднинг аждоди эдик, Қазақчиликни кўп кечирдик бошдан. Совун бўлмаганди ўша вақтда ҳам, Устара исардик йўнишиб тошдан.



«Тиқилинч автобусда билмасдан бегона кишининг чўнтагига қўл суққан эканман, бармоқларим сичқон тутадиган қармоққа илиниб қолди. Сичқонни чўнтакда тутасанми, ноинсоф!»

(Киссавурнинг шикоят)

«Уйдан қувилган пияниста куёвимиз неварамни боғчасидан гаровга олиб кетибди. Шартингни айт, гўрсўхта, десак: «Фалон жойга яримта келтириб қўймасаларинг, боладан умидларингни узаверинглар», деб телефон қилди».

(Кампирнинг милицияга қўнғироғи)

«Тўнаш» сўзини «тунаш» деб хато ёзадиган Тонготаровни тунда йўлтўсарлар тўнаб кетибди».

(Район газетасида босилган хабардан)

«Маълумки йўқолиб кетаётган қуш ва ҳайвонлар «Қизил китоб» га ёзилади. Мабодо фарзандини ташлаб қўйган номардларнинг виждони «Қизил китоб»га киритилса, қалай бўларкин?»

(Соддадил овчининг таклифи)

Нима учун саёқ итларни ушлайдиганлар кишиларга озор бераётган, қутирган безориларни ҳам бўйинларидан қисиб олиб кетмайдилар?»


(Қалтакланган жабрдийданинг редакцияга ёзган хати)

«Касалхонада койка йўқ деганингиз учун, мана, уйдан қаровот олиб келдим, десам, дўхтир: «Энди врач ҳам топиб келинг», деб калака қилди».

(Касалхонага жойлаша олмай сарсон бўлган беморнинг шикоят)

**А. ИСОМИДИНОВ**

## КРОССВОРД



**ЭНИГА:** 1. Сўз туркуми. 6. Меъморлик безак бериш соҳаси. 9. Афсонавий бахт қуши. 10. Ер ҳайдашда ишлатиладиган асбоб. 13. Тўқай ўсимлигидан тўқилган тўшамма. 14. Ўзбек адиби ва олими, «Қиёмат» асари муаллифи. 15. Чорва озуқаси, дон чиқити. 18. Оққўрғон ноҳиясидаги янги шаҳар. 19. Инсониятнинг моддий ва маънавий бойликлари мажмуи. 20. Андижон вилоятидаги ноҳия. 22. Сомали давлати пойтахти. 26. Кишининг куч-ғайрати. 27. Ноёб мўйнали жонивор. 28. Сақсовуллар оиласига мансуб ёввойи ўсимлик. 31. Икки тоғ оралиғидаги узун, тор чуқурлик маскани. 32. Тошкентнинг қадимий даҳаларидан бири. 33. Мисрнинг Урта денгиз соҳилидаги шаҳар. 34. Ер қаъридаги бирикма.

**БЎИИГА:** 2. Электр кучининг ишини кўрсатувчи миқдор. 3. Инсоний фазилат, ҳиммат. 4. Қадимий вазн ўлчови. 5. Насрий асар тури. 7. Қаптарсимонларга мансуб парранда. 8. Чирчиқ-Бўзсув оқимидаги нурхона. 11. Боши кокилли, тўрғайсимон қуш. 12. Халқ хўжалиги тармоғи. 16. Ишонч, назар-эътиборга олиш. 17. Сув ости ишларини бажарувчи касб-кор. 21. Шартли равишда қабул қилинган белги, ишора. 23. Халқ латифалари қаҳрамони. 24. Ким ўзиш беллашуви. 25. Воқеликни бевосита идрок этиш жараёни. 29. Бинокорликдаги девор тури. 30. Ёқилғи, маъдан.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

## 4-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**ЭНИГА:** 5. «Равшан». 6. Таллин. 9. Форс. 11. Ёқут. 12. Гулчехра. 14. Шабнам. 16. Савсар. 17. Ашула. 19. Ҳалқа. 20. Иноят. 24. Қумой. 25. Чангчи. 26. Заққум. 27. Кайковус. 30. Ҳаво. 32. Аруз. 33. Сариеғ, 34. Маориф.

**БЎИИГА:** 1. Пишанг. 2. «Гулзор». 3. Қавс. 4. Кимё. 7. Чорбоғ. 8. Фурсат. 10. Учқун. 13. Аскиябоз. 15. Мозамбик. 17. Арқоқ. 18. Айний. 21. Хантал. 22. Ямбол. 23. Ҳаққуш. 28. Ангирт. 29. «Сувора». 31. Алиф.

### МУҚОВАДА

Биринчи бет:

Чуст дўшпилари

А. Губенко сурати.



Кимгадир ёқмайди турқим, келбатим,  
Масҳара қилишар: «Қулоғи узун»,  
Не деса десинлар, қадрим билганга  
«Супер» уловдирман қишлоқда ўзим.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия», «Труд», «Сельская жизнь» газеталаридан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди 15.03.90. Босишга рухсат этилди 09.04.90. Р—04196. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 142519. Буюртма № 2813. А — 127. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент — П, «Правда» кўчаси, 41.



Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги кутубхона.

А. Губенко сурати



Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди. Бухоро шаҳрида Улуг Ватан уруши қурбонларига ўришилган ёдгорлик.

Р. Шагаев сурати (ЎзТАГ)

Тогда ёз фасли.

А. Ванштейн сурати





Бақоси 05-линия;  
Индекс 75233.



Бойчибор.



Оқ тулпор.

Улок.